

МУҲАЙЁ МИРСАИДОВА

ИСМОСИЗ МАКТУБ



МУҲАЙЁ МИРСАИДОВА

ИСМСИЗ МАКТУЪ

Туркум

«ТАФАККУР» нашриёти
Тошкент – 2019

КБК: 84(5Ў)7

УЎК: 821.512.133-1

М 91

Муҳайё Мирсаидова.

Исмсиз мактуб [Матн] : туркум / М. Мирсаидова.

– Тошкент: «Tafakkur» nashriyoti, 2019. – 128 б.

ISBN: 978-9943-24-192-3

© «Tafakkur» nashriyoti, 2019 йил



МАКТУБ – КҰНГИЛ ОЙНАСИ

Бир танишимнинг ҳикояси мени ўйлантириб қўйди. Орамизда бўлиб ўтган кичик бир суҳбатни қандай бўлса шундайлигича ифода қилсам, албатта, бундан кўпчилик ўзига хулоса чиқаради, деган ният билан қўлимга қалам олдим.

Менинг бир қариндошим ўғлини ўйлантириш учун бой оилага қуда бўлиш илинжида ўзи ҳам роса уч йил қиз қидирди-да. Охири топди. Унаштириш маросимидан кейин қизнинг отаси бўлажак куёвига “Нексия” автомашинаси калитини совға қилди. Агар келажакда ўғил набиралик бўлсам унга мойи артилмаган “Мерседес”нинг калитини тутқазаман” – дебди қуда киши. – Ҳай, айланай, сизнинг ҳам қизларингиз бор. Молларини сероб қилаверинг. Ҳозир ҳамма “керакмас” деб номига айтса ҳам аслида қиз томоннинг бой-камбағаллигига қараяпти, – деди. Унга жавобан мен:

– Кечирасизу бойликка қараб бахтни ўлчайдиганлар учун берадиган қизим йўқ, – дедим.

Ўзининг пешонасига берсин. Мен ҳар доим ўқимишли, тушунадиган қудалар, қолаверса, ақлли-хушли куёв учрашини яратгандан сўрайман, – дедим. У эса:

– Қариндошлариникидаги чарлар маросимида Республикамиздаги таниқли санъаткорларнинг барчаси келганию дастурхонларларнинг ўта тўкин бўлганини мақтаб.

– Шу оиланинг яна бир қизи бор экану жуда ёш экан-да, бўлмаса қайнсинглим ўғлига олиб бермоқчи эди. Унинг ўғли ҳам анойи эмас, “Мен ўйландиган қизнинг отаси менга тўрт хонали уй совға қилади” дебди онасига.

– Қаердан билибди, - сўрайман қизиқиб.





– Унинг бир дўстининг опаси бор экан, ўзи айтиб-дики... фалончининг қайнотаси куёвига “Нексия” совға қилибди-ку, сен опамга уйлансанг ота-онам сенга тўрт хонали уйнинг калитини тутқазишади, – дебди. Фақат қиз бечоранинг бир айби бор экан-да, катта бўлганида нимадир сабаб бўлиб оёғига оқ доғ тушган экан. Ким билади, балки айбини яшириш учун ҳам уй беришмоқчидир-да.

Танишим билан суҳбатимиз шу ерга келганда негадир одамларнинг мешчанлиги, онгсизлигидан бўғилиб кетаётганга ўхшадим. Бу кичик диалог менга анчагача тинчлик бермади. Одамлардаги беандишалик, йигитларимиздаги ориятсизлик қачондан бошланди, деб ўйлайвериб бошим оғрийдиган бўлиб қолди. Наҳотки, кўнгил ишини, умр савдосини мол-дунё билан баҳоласалар. Ахир халқимизда “Йигит моли ерда” деган нақл бежиз айтилмаган-ку. Уларнинг ўз пешоналарига берилгани қайдаю, миннатли совға-саломлар қайда?!

Жамиятимизда кейинги пайтда илдиз отиб кетаётган бундай салбий ҳолатларга сиз ҳам кўп бор дуч келгандирсиз. Уни йўқотиш, одамлар онгига таъсир этиш жуда қийин масала. Бироқ, мен шу ўринда бир она, кўп йиллик тажрибага эга шифокор сифатида турмуш бўсағасидаги қизларга, уларнинг оналарига дилимдан кечаётган сўзларни ҳам мактуб орқали баён этиб, фикрларимни қандай бўлса шундайлигича тингловчиларга етказишингизни илтимос қиламан.

Сир эмаски кейинги пайтларда Тошкентда, Республикамизнинг айрим вилоятларида қизларни ёш узатиш урф бўлиб бораяпти. Баъзи оналарнинг фикрича: “Ўз вақтида эгасига топшириб қутулганим яхши” ёки “Қиз бола ниҳолдек гап, уни қанча ёшлигида бошқа боғга ўтқазсанг шунча тез илдиз отиб, кўкариб кетади”, – деган сўзларни кўп эшитаман. Балки бир жиҳатдан шундайдир. Аммо масала-





нинг бошқа томони шундаки, 16-18 ёшида қизлар нафақат касбу ҳунарли, балки ҳаётий тушунчалари, дунёқарашлари ҳам тўла шаклланиб улгурмаган бўлади. Тўғри, Ўзбекистондек иссиқ иқлимли мамлакатда қизлар эрта балоғатга етгандек кўринишлари мумкин. Бироқ уларнинг ҳали она бўлишга тайёр эмасликларини ҳаёт тажрибаси кўрсатмоқда. Шифокор сифатида айтадиган бўлсам, ҳали 16 дан 17 га чиқиб улгурмаган, жисми шаклланиш даврини бошидан кечираётган қизларни эрга беришади-да, олти ой ўтмай “Бўйида бўлмаяпти, ёрдам беринг”, – деб келишади. Баъзи оналар қизларини турмуш қуришга тайёр эмаслигини ҳисобга олмай “Ҳамма шундай қияпти, 20 ёшга чиқса ўтириб қолади” қабилда иш тутиб, жуда эрта турмушга узатиб юборишапти. Ўқиш қийинчиликлари, янги оиласидаги синовлар, қолаверса, фарзанд ташвишлари билан бўлиб қизларимиз камқон бўлиб соғлиғини йўқотиб қўяётганлиги ачинарли ҳол. Баъзан эса турмуш зарбаларига дош беролмай, айти 18-20 ёшида, яъни энг тотли орзуларини рўёбга чиқариш учун қулай бўлган ёшда ҳаётдан безиб қолаётганлари ташвишлидир.

Тасаввур қилиб кўринг-а, ёш қиз турмушга чиққач янги оилада рўзғор юритишни ўргансинми ёки бирон бир касб-ҳунар эгалласинми ёхуд оналик вазифасини уйдalasинми?! Бунинг устига ҳамма ўзбек хонадонларида бўлмаса-да, айримларида келинларга тўлақонли шахс сифатида эмас, балки қулдек муомала қилинишига нима дейсиз?! Уй юмушлари – қозон-товоқ, сигир-бузоқ, бола боқиш – ҳамма-ҳаммаси нозикниҳол келин зиммасида. Гўё келин келгунча ўша оила аъзолари ўзларига муте бир инсонга зор эдилару энди улар учун тўла озодликка эришиш онлари етиб келгандек аввалдан бажариб келган вазифаларини унутиб қўядилар. Йил ўтмай ўзига қарашга ҳам ҳафсаласи қолмаган





келинчақдан турмуш ўртоғи ҳам анча совиб, “Кўча хандон, уй зиндон” бўлиб қолса, яна бечора келинни айблайдилар.

Кейинги йилларда келинликка қиз танлашда кўпроқ қизнинг фазилатларига эмас, балки ота-онасининг топиш-тутиши, яъни бойлик даражаси, уй-жойининг аҳволи катта ўрин тутмоқда. Ёшларнинг дунёқараши бир-бирига мосми, улар оила қуришга ҳар томонлама тайёрми, бу нарсалар ҳисобга олинмаяпти. Натижада йил ўтмай ёшлар ўртасида низо чиқиб, ёш оилалар ажралиб кетмоқда. Ёшларнинг кўр-кўрона оила қуришларига сабабчи бўлган ота-оналар эса қози бўлиб, ўзлари ружу қўйган бойликлари тақсимотини ўйлаяптилар. Фарзандларининг кейинги ҳаёти, тақдири қандай кечиши билан ҳеч кимнинг иши йўқдек. Бу орада қанча асаббузарликлар бўлиб ёшлар ўртасидаги маънавий бўшлиқни чуқурлаштирмоқда. Тўғри, ҳозирги кунда шундай салбий ҳолатлар юз бермаслиги учун кўп маҳаллаларда хотин-қизлар билан учрашувлар ўтказилиши ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

“Қиз бола бировнинг хасми”, “Тенги чиқса текин бер” деган халқ мақоллари бежиз айтилмаган. Бироқ турмушга чиқаётган қизнинг хоҳиш-истакларини ҳурмат қилиш, қизнинг қалбига қулоқ солиш ҳар бир ота-онанинг вазифаси эмасми?! Бу борада янглишиш жуда ёмон оқибатларга олиб келишини унутмаслигимиз зарур, азизлар”.

Муҳарририятимизга ҳар куни республикамизнинг турли шаҳар ва вилоятларида яшовчи мухлис-ларимиздан кўплаб мактублар келиб туради. Уларнинг мазмун-моҳияти турлича. Биз ижодкорлар хат эгаларининг талаб ва истакларини адо этамиз. Бироқ, мактублар орасида шундайлари ҳам учрайдики... Ҳа, мактуб – кўнгил ойнаси. Инсоннинг дилида нималар бўлса, қоғозда акс этади. “Исмсиз мактуб” рукни остида баъзи бир сабабларга кўра номлари





эълон қилинишини хоҳламаётган, лекин ёзганлари – ҳаёт ҳақиқатини юртдошларимизга ўқиб беришимизни истаган замондошларимиз мактубларини бериб борамиз. Бундан мақсадимиз эса кимлардир, қачондир мактуб эгаларининг ҳолатига тушиб қолмасликлари, шундай ёнимизда юрган, лекин юрагини аччиқ алам кемайраётган ҳамкасбимиз, дўстимиз, кўшнимиз ёки ота-онамиз билиб-билмай йўл қўйган хатоларни биз такрорламаслигимиз учун шундай хат мазмуни билан таништиришни маъқул, деб билдик.

“Неча-неча кун, қанча тунлар ҳаловатимни ўғирлаётган, қалбимга неча бор баҳор тошқинидек жўшқинлик бағишлаб, ҳаяжон чўққиларига олиб чиққан тўй ҳам бўлиб ўтди, – деб ўз мактубларини бошлабдилар Тошкент шаҳрида яшовчи номаълум аёл. – Энди эса ширин орзуларим саробга айланди. Ҳозирги кунга келиб иккита бир-биридан ширин фарзанднинг онасиман. Лекин турмушим қил устида, юрагимга чироқ ёқса ёришмайди. Келинг, шу йиллар ичида бошимдан ўтганини бир бошдан ҳикоя қилай.

Ўтган йили соғлиғим ёмонлашиб, касалхонага тушиб қолдим. Уйдагилардан ҳеч ким хабар олмади. Мени шундай пайтда қўллаб-қувватлаш ўрнига “уйингга кет” деб ҳайдашди. Ўқишни тугатдим, лекин оиламдагилар қарши бўлгани учун ишга кирмадим. Турмуш ўртоғим кичик ўғлимни мендан айириб олиб кетганди, зотилжам бўлибди. Хабар беришди. Мен касалхонага келганимда 3 ёшли ўғлимнинг аҳволи оғир эди. Боламизнинг соғлиғи шу ҳолатдаю турмуш ўртоғим мендан никоҳ қоғозини сўраб, “ажраламан” деб қўрқитади. Бунга, менимча, у шу йили танишиб қолган аёл сабабчи, деб ўйладим. Оиламдагилар ва суд маслаҳати билан вақтинча яна уйга қайтдим. Эрим хатосини тушунар, фарзандларимизни етим қилишга ҳадди сизмас, деб





ўйладим. У пайтда фарзандимиз иккита эди. Мен шу гўдаклар етим бўлиб қолмаслиги учун келин бўлиб борган хонадонимнинг паст-баландига кўндим, эримнинг “совуқ” лигига кўз юмдим. Сабримга мукофот олиш ўрнига... учинчи ҳомилам тўрт ойлик бўлганда турмуш ўртоғим менга ҳам тери-таносил касалликларидан бирини юқтиргани маълум бўлди. Шу касаллик туфайли учинчи фарзандимиз кўз касаллиги билан дунёга келди. Бироқ фарзандимизнинг аҳволи турмуш ўртоғимнинг ақли киришига сабабчи бўлмади. Бундай дейишимнинг боиси шуки, бир куни мен унинг кийимларини тозалаётганимда чўнтагидан янги никоҳ гувоҳномасини топиб олдим. Унда қандайдир татар аёлининг номи ёзилган эди. Гувоҳнома ичида эса Анталияга иккита сафар йўлланмаси ҳам бор эди. Менинг аралашувим билан уларнинг бу сафари қолдирилди. Бунинг эвазига эса у менга қўл кўтарди.

Қайнона-қайнотам эса доим баланддан келиб муомала қилишади. Бир неча бор болаларим билан кўчага ҳайдашган. Қайнсингилларим, қайниларим газни ўчириб, телефонни узиб, яшашимга ҳалақит беришади. Мен ўйлайманки, турмуш ўртоғим уйдагилари таъсири остида кўп хатоларга йўл қўйяпти. Уни жуда эрка қилиб ўстиришган. Вақти келиб эрим ҳаммасини тушунар, балки шундайлигича қолар... билмадим, лекин мен бундай вазиятга ортиқ тоқат қилолмайман, ажрашаман!”

Номаълум аёлнинг дил сўзларини ўқиб, таъсирланмай бўлмайди. Бир ўзбек қизининг ҳаёт учун кураши, оиласини сақлаб қолиш учун қилган ҳаракатлари, матонати таҳсинга лойиқ. Лекин бунинг эвазига у йўқотган соғлиқ, отасининг касофатига қолган носоғлом фарзанднинг дунёга келишини ўйласак, бу турмуш бошидаёқ йўқ бўлиб кетгани яхшимасмиди, – дея ўйлайсан. Йиллар давомида аёлнинг ҳўрланиши, гулдек фарзандларнинг қийин





шароитларда яшаши, буларнинг ҳаммаси яхши на-тижа билан тугаса майли эди-я... Келинг, номаълум аёлдан келган мактубга яна кўз югуртирамиз.

“Оиламни сақлайман, деб қилган барча уринишларим зое кетди. Ўтган ойда никоҳимиз бекор қилинди. Суд хулосасига кўра учта болам билан яшаш учун эримнинг хонадонидан бир уй, бир айвон ажратиб беришди. Мақсадига эришган қайнонам эса яна келин излашга тушдилар. Буни сезган ота-онам у қизнинг уйдагиларини огоҳлантиришган. Шундан сўнг қиз томон айланиб. Буни билиб қолган қайнонам эшикни беркитиб, мени уйга киритмай қўйдилар”.

Бу оиланинг ажралгани яхшиликкадир. “Шундай енгилтабиат эр билан турмуш кечиргандан кўра, аёл қийналса ҳам фарзандларини ёлғиз ўзи тарбия қилгани афзал”, – деб ўйлаш мумкин. Лекин масаланинг яна бир томони борки, фарзандлар улғайгач бўлажак куда-андалар бор ҳақиқатни билмай, балки тушунишни истамай “Онанинг яхши бўлса ажрашармиди?” – деб таъна қилишса-чи?!

Нотаниш аёл олий маълумотли экан. У ҳар қанча оғир бўлмасин бир амаллаб учта фарзандини гулдек қилиб боқа олади. Бироқ уларнинг ўксиган кўнглини бир ўзи кўтара олармикин? Бошқа болалар мактабда отаси ҳақида фахрланиб гапиришганда унинг болалари мулзам бўлиб бир четга чиқшини хоҳламаётгандир. У оналик қалби билан буни чуқур ҳис этаётгандир...

Диққатимизни аёл мактубидаги қуйидаги сатрлар тортди:

“Шу кунларда қайнонам яна бир қизнинг уйига совчиликка бориб юрибдилар. Кечагида янги куда-лар уй ўлчагани келишибди. Қизиқ дунё экан, улар уй ўлчашяптию менинг болаларим ҳовлида ўйнаб юришибди”.





Шу ўринда бир ижодкор сифатида мени ажаблантираётган бир нарса ҳақида айтиб ўтмоқчи эдим. Нега баъзи қизларимиз йигитнинг оиласи, болалари борлигини билиб туриб ҳам турмуш қуришга розилик бераверишади. Ҳар бир қизнинг ғурури баланд бўлганида эди унинг қайнона-қайнотаси “Ўғлимизга онаси ўпмаган қиз олиб берамиз”, – деб бунчалик катта кетишмасмиди?! Келинга ҳам хизматкордай қарамай, балки унинг келажак давомчиси, набираларининг онаси сифатида иззат-хурмат қилишармиди?

Масаланинг бош илдизи ҳам шу нарсага бориб тақаляпти. Бу ёқдан талоқ бериб, у ёқдан яна қиз болага уйланаётган баъзи эркаклар аёл қадрига етармиди?! Яна бир қиз бахтсизлигига сабабчи бўлиб қолмайдими?! Оллоҳим улар ҳуқуқини аёлдан биров баланд қилгани сабабини чуқурроқ мушоҳада қилсалар, улар учун омонат қилиб берилган аёлни бунчалик хор қилмасмидилар. Ҳаётда жуда кўп учратганмиз. Иккинчи турмуш ўртоғи кўпинча йигитнинг ё бойлиги, ё чиройи учунгина турмушга чиқади. Биринчиси каби уйим-жойим, деб тирмашадигани кам бўлади. Кўпинча бундай эркаклар пушаймон бўладилар, лекин орқага қайтишга эркаклик ғурури йўл қўймайди.

Хурматли оила устунлари, қадрли эркаклар! Ўт-кинчи кайфу сафо, – деб тинч оила қўрғонини бузиб, болаларни етим қилиб гуноҳкор бўлиб қолманг.

Номатлум аёл номасидан, унинг дил дардларидан сизни воқиф қилишдан мақсадимиз ҳам шу. Сиз ҳам билиб-билмай хатога йўл қўйиб, кейинчалик бир умр виждон азобида қийналиб юрманг. Бу оиладаги хатодан ўзингизга хулоса чиқарасиз, деган умиддамиз.

Ҳар куни республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшовчи мухлисларимиздан турли





мазмундаги мактублар келади. Бизга маълумки, ҳаёт мураккаб. Унинг илон изи йўлларида кимдир баъзан қоқилади, баъзан ўзи билиб-билмасдан хатоларга йўл қўяди. Инсон шу ҳолатда дардини ким биландир бўлишгиси келади. Яхши инсонлардан мадад олишга, улар маслаҳатига муштоқ бўлади. Бундай ҳолат ҳар биримизнинг бошимиздан ўтиши мумкин. Шундай экан руҳан тушкун пайтингизда ҳеч иккиланмай дилингиздаги армонларни бизга ёзиб юборинг. Биринчидан қоғоз бағрига кўнглингизни ўртаётган дардни тўкиб сочсангиз енгил тортасиз, иккинчи томондан бошқаларни шу хатоларни қилишдан асраб қолган бўласиз.

“Телефон жиринглади... Гўшакни кўтарайми ё йўқ... ҳар сафар иккиланаман. Чунки йигитлар менга муҳаббат изҳор этишларидан чўчийман, – деб бошлабди ўз мактубини наманганлик қиз. – Менинг ёшимдаги қизлар телефон кўнғироғи бўлса бир энтикадилар. Балки бу ўшадир... Афсус, “Ўтган кунлар” фильмида Кумушбиби ўз Отабегига минг бир ҳаяжонда:

– Сиз ўшами... деб айтган самимий сўзларни айтиш менга ҳеч қачон насиб этмаса керак. Нега дейсизми? Келинг, ҳаммасини бошидан бошлай қолай. Токи бу сабоқ бошқалар учун ҳам дарс бўлсин.

– Қизлар қақажон бўлишади, буни яхши биласиз. Сал эсини таниб 5-6 ёшга кирганидан бошлаб онасининг қайсидир юмушини енгиллатишни ўйлашади. Ҳали ҳовли супуриб кўрган, ҳали идиш-товоқ ювган. Майли-да, бу орада бир-икки пиёланинг чети учар, синар, лекин бу уринишларнинг чегараси бўлмайди. Мен ҳам учта ўғилдан сўнг дунёга келганим учунми, онамнинг доим уй юмушлари билан куйманиб, катта ҳовли ишларидан чарчаб кетаётганларини кўп кузатардим. Кези келганда уларга қарашардим. Ёдимда, ўша куни якшанба эди. Ойим ишга бормайдиган кун. Бироқ уйдаги юмушлар ишдагидан ҳам





кўп. Ҳар дам олиш куни онам биз учун тансиқ таом тайёрлайдилар, шунинг орасида кир ювадилар, дазмол дегандек, бу ёқда уйларни саранжом-саришта қилиш. Хуллас, тиним билмайдилар.

Шундай якшанбалардан бири эди. Нима бўлдию ойим билан бувим ғижиллашиб қолишди. Бунга мен сабабчидай, кўпинча уришиб қолишса аламларини мендан олардилар. Менинг эса онамнинг ёшли кўзларига қараб жажжи қалбим ларзага келди. Уларнинг атрофларидан кетмай, ўзимча уй ишларида кўмаклашиб юравердим. Уйда шароит яхши эмас. Ҳаммом йўқ. Онам бечора шу сабаб кир ювиш учун сувни газнинг устига қўйиб иситардилар. Эҳ, ўша кунги ҳолатни сира эслагим келмайдю, лекин айтмасам бўлмайди. Онам газнинг устига қўйилган катта челақдаги сувни олаётганларида оёқ остиларида ўралашиб юрган мен “шумтака” қиз ўзимча қарашмоқчи бўлдиму онамнинг қўлларидаги челақ чайқалиб қайноқ сув менинг устимдан куюлди... Қий-чув, онам ва бувимнинг бақир-чақир овозлари орасида онамнинг “Оёғимнинг тагида экан, кўрмай қолибман” деган сўзлари элас-элас қулоғимга эшитилди. Якшанба бўлгани учун дадам ҳам уйда эдилар. Улар шошганча акамга “Тез бўл, машина калитини олиб чиқ” деганлари эсимда. Яшин тезлигида олиб бордиларми, билмайман, бир зумда касалхонада пайдо бўлдик. Дадамнинг ўзлари кўтариб олиб чиқдилар, бу орада ҳушдан кетибман. Шифокорлар эгнимдаги энг яхши кўрган капалак гулли қўйлагимни қайчида қирқиб ташлашибди. Кўзимни очганимда билдим буни, атрофимда эса 2-3 та шифокор парвона эди. Бири ҳамширага қўлимдан дармон дори юборса, иккинчиси баданимни бинт билан ўрар эди. Оғир куйиш жароҳатини олганим учун малҳам суриб, кейин боғлаб қўйишган экан. Шу алфозда ўн кун касалхонада ётдим. Жаҳл устидами, ё фалокатми куйиб қолганим учун онам бечора йиғлайвериб





адойи тамом бўлган, кўз қовоқлари қизариб, шишиб кетганди. Қўллари мени сочларимни силаб:

– Кечир, қизим, сени бир умрга мажруҳ қилиб қўйдим-а. Бувингга жаҳл қилмай мен ўлай, – деб ўзларини тинмай айблардилар. – Болажоним, энди мен қандай қилиб она бўлиб бош кўтариб юраман. Ҳафиза бувинг, онам айтардилар: “Болани куйдириб қўйишдан эҳтиёт бўл. Куйдириб қўйган онанинг болада ҳаққи қолмайди”, – деб. – Мен энди қандай яшайман.

Шифокорлар эса онамга далда бериб:

– Шукр қилинг, бахтингизга болангизнинг жони омон қолди. Бундай куйиш жароҳатини юраги кўтара олмаслиги мумкин эди. Тағин ҳам кучли, иродали қиз экан, – дейишди.

Бу отамнинг қарори шекилли, касалхонадан тўғри Ҳафиза бувимникига чикдик. Отам онам билан яшамасликларини айтибдилар. Онам бечора жаҳл устида мени, ўз жигарбандини шундай аҳволга солганидан бир сиқилсалар, турмушлари бузилиб тўрт фарзанди ҳам етим бўлиб қолаётганидан бир куярдилар.

– Акаларинг ўғил бола, улар бир йўлини топиб кетару энди сенинг тақдиринг нима бўлади, – деб йиғлаганлари-йиғлаган.

– Қўяверинг, онажон, пешонамга ёзилганини кўраман, – дейману ҳеч ким йўғида дардларимни қоғоз бағрига тўкаман:

*Умидим сочлари бўлганда чигал,
Бардошим қўлига ололмас тароқ.
Бу дунёда бахт йўқдир тугал,
Шу содда шеъримдан яхшироқ.*

Отам оналарининг сўзи билан бошқа аёлга уйланиб, акаларимни ҳам олиб кетганлар. Улар оилали бўлиб кетишган. Биздан хабар олай дейишмайди. Балки бувим рухсат бермасалар керак. Чунки у хо-





надонда бувимнинг айтганлари айтган, деганлари деган. Ҳамма нарсада бувим қарор чиқарадилар.

Онамнинг, менинг топганларимиз иккимизга етади. Бироқ борган сари онам хасталаниб, ишга яроқсиз бўлиб қоляптилар. Эртага онамга бирор нима бўлса, менинг тақдирим нима бўлади?! Наҳотки, ёлғиз қолсам...

Баданимдаги чандиқлар, куйгандан қолган доғларни либосим яширса-да, дугоналаримдек қувнаб юролмайман. Уларнинг кўп суҳбатларига қўшилмай бир чеккага чиқиб қолганимни ўзим сезмай қоламан.

Энг яқин дугонам Дилноза мени ҳамиша умидсизликка тушмасликка ундайди. Унинг айтишича, ҳозирги медицина кўп нарсага қодир эмиш. Баданимдаги нуқсонларни жарроҳлик йўли билан тузатиш мумкин экан. Фақат бу жарроҳлик операцияси жуда қиммат бўлармиш. Балки онам иккимиз бироз маблағ йиғсак, балки бизни тушунадиган яхшилар ёрдам берса... Билмадим, охири нима бўладию лекин қалбимдаги жароҳат ҳеч қачон битмаса керак.

Шу ўринда Афлотун Ҳакимнинг сўзларини келтиришни ўринли деб билдик:

– “Ғазаб ниҳоят пушаймонлик билан натижаланади. Ақлни ғазаб ихтиёрига берган одам ўз нафсини ўтга ёққан бўлади. Надоматдан аввал матонат ва сезгирликни ихтиёр қилган одам ҳеч бир қўрқув ва азобга дучор бўлмайди”.





СУЯКСИЗ ТИЛ

*Меҳр – кўзлар ичра кулган бир чечак,
Вафо – ҳар бир мўмин ахтарган эртак.
Жафо – ҳар қаричда унғувчи печак,
Меҳру вафо истаб кетиб бораман.*

*Дардманд кўп, топилмас унга даволар,
Элга қуллуқ қилмас кибру ҳаволар.
Ўз қавмидан ҳайрон Одам Атолар,
Ўткинчи дунёдан ўтиб бораман.*

Шоир ёзганидек, бу дунёда қалби дардга тўла одамлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўз келиб чиқиш тарихига, сабаб ва оқибатларга эга. Бизга келаётган ҳар бир хат ортида бир инсон тақдири намоён. Биз улар билан танишиб, мактуб мазмуни билан сизларни таништирар эканмиз, мақсадимиз битта. У ҳам бўлса қайсидир замондошимиз йўл қўйган хатони сиз такрорламасангиз, ҳаётингиз йўллари ойдин, кўнглингиз чароғон бўлиб туришини жуда-жуда истаймиз.

“Ҳурматли “Ўзбекистон” канали ижодкорлари. Сизларга илк бор мактуб йўллашим, – деб ёзадилар бизга самарқандлик ўсмир йигит. – Авваллари болаликнинг беғубор, ташвишсиз, кўча чангитиб юрган кезларимиз ҳаёт, одамлар ҳақида бунча кўп ўйламасдим. Аммо ўтган йили мактабимизда рўй берган воқеани сизларга ёзиб юборишга қарор қилдим.

Дўстим Санжар шўх бола эди. Кўчадаги кўни-қўшниларнинг ибораси билан айтганда, “Ерга урса кўкка сапчирди”. Унинг уддабуронлиги, ақллилиги сабабли биз маҳалла болалари унинг ҳар бир сўзига кулоқ солар, буюрган ишларини сўзсиз бажарардик.

Биз Санжар билан нафақат маҳалладош, балки синфдош ҳам эдик.





Санжар мактаб жамоат ишларида ҳам фаол қатнашар, дарсдан кейин ўқитувчиларнинг ҳам “ўнг қўли” эди. У бошланғич синфларда ўқитувчилардан кўп таъна-дашном эшитар, кимдир унинг тўполончилигидан, яна кимдир уй вазифаларини бажармаслигидан нолирди. Кейинчалик эса, яъни юқори синфга ўтганимизда у бутунлай ўзгарди. Икки ўртоқ уйга қайтаётганимизда у менга:

– Мен онамнинг ёлғиз ўғиллариман. Уларнинг бор умидлари мендан. Ҳали катта бўлсам шундай йигит бўлайки, отам ҳам бизни ташлаб кетганларига афсусланиб юрсинлар. Худо хоҳласа, дўстим, адвокат бўлмоқчиман. Дунёда ҳар бир ишда адолат бўлишини хоҳлайман. Бунинг учун яхши ўқишим керак. Мен суянадиган нарса фақат билим, – дея қайта-қайта такрорларди.

– Хуллас, унинг хулқида, ўқишида кескин ўзгаришлар бўлгани ўқитувчиларни, айниқса ўзи емай едириб, киймай кийдириб, фақат ёлғиз фарзанди камолини кўришни орзу қилиб яшаётган онасини жуда хурсанд қиларди.

Эҳ, ҳаёт бир текис кетмас экан. 8-синфга ўтганимизда мен дўстимнинг муҳаббат дардига мубтало бўлганини сезиб қолдим. Бунинг нимаси ёмон дерсиз?! Йўқ, ҳаммаси яхши эди. У севган қиз синфимизнинг энг лобар, гўзалларидан бўлиб, мактабимиз директорининг қизи эди.

Йиллар шамолдек ғиз-ғиз ўтаверар экан. Йил ўтган сайин одам улғайиб, атрофга теран нигоҳ билан назар ташларкан. Дўстим ҳам вақт ўтган сари у билан севиб қолган қизининг оиласи ўртасида катта фарқ борлигини тушуна бошлагач “Уни менга беришмаса-чи” деган савол уни қийнай бошлади. Аммо, юрак... Ҳа, унинг мурғак юраги ҳаётнинг темир қонунларига бўйсунгиси келмасди.

Санжарнинг Шарифага бўлган муҳаббатини дастлаб фақат бизнинг синф ўқувчилари билган бўлса,





кейинчалик бутун мактабга ёйилди. Албатта, бу хушхабар дейсизми ёки айрим кимсалар учун қайғули хабарми мактаб директорининг ҳам қулоғига етди. Шундан сўнг директор қизини зудлик билан бошқа синфга кўчирди. Бироқ, бу билан ҳам қаноатланмай, шу мактабда фаррош бўлиб ишлайдиган дўстимнинг онаси ишидан бўлар-бўлмас камчиликлар топиб, уни тез-тез хафа қиладиган бўлди.

Онаизор бу ҳаммаси фарзанди туфайли бўлаётганини яхши тушунгани учун оғирлик қилиб, сабр-тоқат билан ноҳақликларга чидади. Лекин унинг руҳий аҳволи, ҳадеб кўз ёш қилишларидан кўпчилик қатори дўстим ҳам хабардор бўлди. Бироқ ҳаммасидан ҳам шаддодроқ ўқитувчилардан бирининг бутун синф олдида дўстимни изза қилиб:

– Санжар, мен сени ақлли бола деб юрсам ғирт аҳмоқ экансан-у. Шу оддий нарсага ҳам ақлинг етмадими? Кимсан мактабимиз директори сендек оддий фаррош ўғлини куёв қилармиди? Онанг яхши бўлганида отанг ташлаб кетармиди? Қадамингни билиб боссанг-чи!

Ўқитувчининг бу дашномидан сўнг синф сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолди. Бироздан сўнг Санжар шахд билан ўрнидан туриб:

– Билмасангиз онам ҳақида гапирманг, бўлмаса ёмон бўлади, эҳ... – деб столни бир муштлаб ташқарига отилди. Унинг ортидан биз яқин дўстлари югурдик. Лекин етолмагач, ортга қайтиб устозимизга бир – икки оғиз “ширин” сўзимизни айтишдан ўзимизни тўхтатолмадик. Одам ҳам шунчалик фаҳм-фаросатсиз бўладими?! Санжарнинг шундоқ ҳам кўнгли ярим эди, энди нима бўлади... Ахир, дўстим оғир руҳий азобда қолганидан кечагина менга кўнглини очиб:

– Балки севмаганим маъқулмиди... отам йўқ бўлсалар менда нима гуноҳ? Мен сира отамга ўхшашни хоҳламайман. Шарифага уйлансам агар... агар ота-





онаси рози бўлишса ҳеч қачон уни ташлаб кетмайман. Мен отамдек номард эмасман, ҳали ўқишга кириб, яхши ишларда ишлайман. Шарифа ҳам менга турмушга чиқса сира афсусланмайди, мен уни бахтли қиламан. Нега одамлар ғийбат қилишни ёқтиришади-я. Ўзи ҳамма туйғуларимни дилимда сақлаб юргандим. Мактабдаги байрам сабаб, унга бўлган муҳаббатимни шеърда ифода қилдим у балого қолдим:

*Юрак кулбасида танҳо ёлғизим,
Сенсан талпинганим – ёруғ юлдузим.
Севгим сизга тамом бегона,
Сиз фақат ҳазилга ботир, мардона.*

*Мажруҳ дилимдаги туйғу – дардларим,
Мана шу шеъримга тўкиб солгандим.
Мен сени ўн тўрт йил ахтардим,
Топганимда айирма мени, эй тақдир!*

Бир куни физика дарсида машғулот ўтаётгандик, эшик тақиллаб:

– Санжар, сени директор чақиряпти, – дейишди. У чиқиб кетди. Уни директор хонасидан чиқишини кутмай ўша куни ўзим уйга ёлғиз қайтдим. Чунки онам вақтли келишни буюргандилар. Бироқ эртаси куни мактабга барвақт келганимда дўстим ҳали келмаганди. Ҳамма келди, лекин ундан дарак бўлмади. Адабиёт дарси бошланган ҳам эдики, синф раҳбаримиз кириб келди ва Санжарнинг фожиали вафот этганини, дарсдан сўнг ҳамма устоз бошчилигида жанозага боришимизни айтиб кўзда ёш билан чиқиб кетди. Ҳеч кимнинг бу гапга ишонгиси келмасди, ахир у эндиgina 16 га кирган эди-ку.

Наҳотки, ўзининг ўткир билими, фаросати, одоби билан ажралиб турадиган дўстимизни энди бир умр кўрмасак. Наҳотки, шундай ёш бола ўлиб кетар-верса, наҳотки, дўстимиздан бир умрга жудо бўлган





бўлсак... Бундай саволлар ғужғон миямда айлана-верганидан ўқитувчи нима деяётгани ҳам миямга кирмасди. Балки мен унинг энг яқини бўлганим учундир, деб секин атрофга қарадим. Йўқ, ана Сабоҳат партага бошини қўйиб ётиб олибди, йиғлаётганини ҳеч кимга кўрсатмаслик учунми Асад дераза томонга қараб олган, Нигора бўлса дабдурустан:

– Устоз, кечиринг, биз бу аҳволда дарсда ўтиролмаймиз. Биз шу мавзунини мустақил ўқиб келамиз, бизга жавоб беринг, – деди шартта. Ҳамманинг хаёлида бир фикр “Санжарга нима бўлди? Кечагина дарсда ўтирган соппа-соғ бола бир кунда қанақа қилиб ўлиши мумкин?!”. Шу боис бўлса керак устоз жавоб беришлари билан ҳамма гурра ўрнидан туриб, Санжарларникига боришга шошилдик. Йўлда кетяпману кеча дўстимни кутмай нега кетиб қолдим, дея ўзимдан хафа бўламан. Йўл ҳам тугай демайди, нима бўлди, нега ўлди?

Санжарларникига етиб келганимизда ҳовлиси секин-аста яқин қариндош-уруғлар билан тўлаётганди, кўчада эса “Тез ёрдам” машинаси турарди. Хаёлимга ҳойна-ҳой онаси... деган фикр келдию қолган дўстларимдан илдамроқ ичкарига биринчи бўлиб кирдим. Дарҳақиқат, дўстимнинг онаси ҳушсиз ётар, шифокор қандайдир муолажаларни ўтказиш билан овора эди. Атрофдаги бир-икки аёл пичирлашиб:

– Ёш-да, қизиққон, бўлмаса ўз жонига қасд қилармиди, шўрлик онани адойи тамом қилди. Ёлғизгина бўмасаям майлийдими, – деб айтса бошқаси:

– Қон босими кўтарилиб кетибди. Энди қандай чидайди-я. Бир болани шундай қилиш ўзими?! – деб куйинарди.

Шу куни дўстимни сўнгги йўлга кузатдик. Бир аҳволда уйга қайтар эканман, нуқул директор кеча дўстимга нима деди, нега у ўз жонига қасд қилди. Кучли деган дўстим наҳотки шунчалар ожизлик





қилди. Бирпас кутганимда эди ҳозир ўзимча фол очмай ҳаммасини билган бўлардим. Менга айтмаса кимга айтарди, – дея ўз-ўзимни койирдим.

Аслида у онасига ҳам ҳеч ёмон гапирмаган. Ҳамма ухлаганда ҳовли пастидаги молхонага ўзини осган. Нима учун, нега... Бу энди сир бўлиб қолди.

Қандай яшамоқ ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Қилган яхши-ёмон амалларимиз жазосию мукофотини ёлғиз Оллоҳ беради. Фақат биз хом сут ичган бандалар билиб-билмай бировнинг қалбини жароҳатламасак эди...

Нима бўлганда ҳам яқин дўстим энди орамизда йўқ. Унинг гўзал орзулари орзулигича қолди.

Ҳа, руҳшунослар ўсмир ёшидаги болаларга муомала қилганда ўта эҳтиёткор бўлишни бежиз таъкидлашмас экан. Бизнинг ёшдаги ўсмирлар болалар билан катталар олами ўртасидаги тафовутларни тушунишга, унга ечим топишга қийналишлари рост. Бу воқеани сизларга ёзишимдан мақсад муаллимлар ҳам шу ёшдаги болалар туйғуларини ҳурмат қилишларини, боланинг айби бўлган тақдирда уни ҳамманинг орасида уялтирмасдан, дарсдан сўнг алоҳида тушунтиришларини истардим. Акс ҳолда дўстимнинг қисмати бошқаларда ҳам такрорланиши мумкин.

Азизлар, бизнинг муҳарририятимизга турли мавзулардаги мактублар келади. Биз мактуб эгаларига маслаҳат бермоқчи эмасмиз. Фақат улар ҳаётида содир бўлган воқеани сизга тўлалигича ҳикоя қилиб, ундан хулоса қилишни ўзингизнинг ҳукмингизга ҳавола қилмоқчимиз, холос. Зеро, кичик бир хато катта фожеаларни келтириб чиқаришини дўстим мисолида яққол кўрдим. Бу фожеа бошқа синфдошлар ҳаётида такрорланмасин!

*Хавф- хатар қайда бор,
Лоқайд одам бор ерда.*





Ватан кўкси ярадор,
Шундай инсон бор элда.

Сув босса мамлакатни
“Менга нима”, – дер нодон.
Йўқотмасак иллатни,
Халқ бўлар қайда шодон.

Куйиб-пишмас ҳеч жойда,
Унда шундай қоида.
Доғи бор ҳатто ойда,
Заҳмат чексам не фойда?!

Лоқайдлар ақидаси,
Юртни қоради лойга.
Текин бўлса ҳаммаси,
Бало урмайди “бой”га.

Текинтомоқ, дангаса,
Телевизор овунчоқ.
Уйқу умрин безаса,
Дили бўлар қандай чоғ.

Чопқир оху – умрни,
Ўтказади бесамар.
Тезкор давр, замонни,
Айблайди ҳар сафар.

“Ҳеч нарсага етмас вақт”,
Нолиш куйин чалади.
Юз ўғирар мангу Бахт,
Ундан нима қолади?

Лоқайд бўлманг одамлар,
Ғаниматдир шу дамлар.
Обод бўлса ҳур Ватан,
Яйраб кетар дил ва тан!





* * *

Яна кеч кирди. Турмуш икир-чикирларидан толиққан мудроқ вужудимизда ҳорғинлик сезила бошлади. Шу пайт ҳофизнинг сеҳрли хонишидан сергак тортамыз...

“Ҳар сафар шу кўшиқни эшитганимда бутун ҳаётим кўз ўнгимда жонланади, – деб ёзади бизга ўз исмини эълон қилишни хоҳламаган, бироқ ўйлаб-ўйламай босган нотўғри қадамлари туфайли ҳаёти мазмунини йўқотган қашқадарёлик мухлисимиз. – Ҳарбий хизматни ўтаб, уйга қайтганимда ҳамма ота-оналар қатори уйдагилар мени уйлантириш ҳаракатига тушишди. Мендан “Кўз остингга олиб қўйганинг бўлса айт”, – деб сўрашди. Мен онамга “Сизга ёқса бўлгани, хизматингизни қилиб юраверади”, – дедим. Гапнинг рости, у пайтда ҳеч кимни яхши кўрмас эдим.

Онам топган қизга уйландим. Хотиним – қишлоқнинг содда қизи, бизнинг уй шароитига тез мослашиб ҳам кетди. Ота-онам хурсанд. Тез орада набиралик ҳам бўлишди. Оила катталашгач етишмовчиликлар бошланди. Топиш-тутишимнинг тайини бўлмагач, шаҳарга бориб ўқишга, бирор касб этагини тутишга ҳаракат қилдим. Ўзим хоҳлаган соҳага хужжат топшириб, омадимни синаб кўрмоқчи бўлдим. Хайрият, ўқишга кирдим. Хотиним ота-онам билан қишлоқда қолди. Мен фақат ёзги таътилда уйга бориб, ўқиш бошлангач яна шаҳарга қайтавердим. Шу тахлит ойлар, йиллар ўтди. Бу орада иккинчи фарзандимиз туғилди. Боламнинг қадами кутлуғ келиб мени институтнинг ўзида ўқитувчи қилиб олиб қолишди. Ҳар сафар оиламдан хабар олгани борганимда “Шаҳарда уйим бўлса сизларни ҳам олиб кетаман”, – деб ваъда бериб қайтардим. Аслида мақсадим ҳам шу эди. Бироқ, кутилмаганда юқори курсдаги талабаларимдан бирига қаттиқ боғланиб қолаётганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.





Энди унинг хаёли билан яшар, тезроқ шу гуруҳга дарсга киришни хоҳлардим. У ўқишга жуда чиройли кийиниб келар, институт дарвозаси ёнида чўғдек қип-қизил машинаси ярақлаб турарди. У баъзи кунлари ўзидан-ўзи дарсга келмасди. Бир куни дарсдан сўнг уни тўхтатиб илм олишга бундай безътибор бўлмаслигини тайинладим. Бироқ, бу ҳам уни дарсга муносабатини ўзгартирмади. У ўқишга хоҳласа келар, хоҳламаса келмасди. Имтиҳонлар яқинлашгач, унинг яшаш манзилини билиб, ота-онаси билан гаплашиш учун бордим. Улар яхши одамлар экан. Дарров уйга таклиф қилишди. Меҳмонхона катта бўлиб, алламбало идишларда ноз-неъматлар тўла эди. Уй хизматчиси мулозамат кўрсатиб чой-нон олиб келди. Нимага келганимни фаҳмлагандек қизнинг онаси:

– Айбга буюрмайсиз, қизимиз сал эркароқ. Ёлғиз фарзанд бўлгани учун кўнглига қараб...

– Йўқ, сира хижолат бўлманг. Имтиҳонлар яқин қолганига хавотир олиб...

– Олинг, олинг, аввал таомга қаранг. Ишдан келяпсиз, қорнингиз ҳам очиб кетгандир...

Уйда гоҳ тухум пишириб, гоҳ картошка қовуриб куни ўтадиган мендек оддий муаллим учун бу таомлар гўё ресторан овқатларини эслатарди. Суҳбат орасида унинг отаси турмушимни суриштириб билиб олди, – мени кузата туриб:

– Ўғлим, анча баъмани йигитга ўхшайсиз. Бир нарсани илтимос қилсам, йўқ демассиз... ҳалигидек... ҳаққини яхши тўлайман, – деди.

– Нимани? – дедим ҳеч нарсани билмагандек. – Дарсларингизни... Ишдан бўш вақтингизда қизимга қўшимча дарс берсангиз, балки...

Ичимда қўшимча ҳақ топиш йўли топилганидан, кўпроқ пул топсам хотин, бола-чақамни ҳам тезроқ олиб келиш имконияти борлигидан қувонсам ҳам:





– Йўқ, ундай деманг текинга ҳам дарс ўтавераман, – дедим. Қизнинг отаси “Барака топинг” – деб елкамга қоқиб қўйди.

Ишдан чиқиб ижара уйимга эмас, қиз хонадонига ошиқадиган бўлдим. Ҳар куни кечки овқатим ҳам тайин бўлди. Бироқ, қизда ўқишга ҳеч қандай иштиёқ йўқэди. У ота-онаси уйда йўқлигидан фойдаланиб, ўзи ёқтирган хорижий мусиқаларни эшитар, беҳаё саҳналари бор киноларни кўрарди. Унинг гўзаллиги юрагимни энтиктирса ҳам ўзимни қўлга олишга интилардим. Аммо бир куни уйда ҳеч ким йўғида қиз берган бир қадаҳ май мени куюшқондан чиқариб, қиз билан бирга бўлганимни билмай қолдим.

Шу кундан эътиборан талабамнинг уйига бормай қўйдим. Ота-онасига нима дейман, деган ўй тинчлик бермаса-да, яна ўша совуқ ижара уй ва пала-партиш овқатланишга куним қолса-да, юравердим. Лекин, касални яширсанг иситмаси ошкор қилади деганларидек, қиз ҳомиладор эмиш... ақлим бовар қилмайдди. Қиз билан дарс ўта бошлаганимга энди бир ой бўляптию қизнинг ҳомиласи нақ уч ойлик эмиш. Эҳ, нима қилиб қўйдим-а... энди қари ота-онамга, тўпори хотинимга нима дейман? Болаларимнинг юзига қандай қарайман, – дейману, бу ҳолатдан чиқиб кетиш йўлини тополмайман. Қизнинг уйига бормай қўйганимнинг еттинчи куни қизнинг ота-онаси ижара уйимга излаб келишди.

– Йигит, яхши қилмабсиз. Энди ёпиқлиқ қозон ёпиғлигича қолсин, кичкинагина тўй қилиб бераман, бизникига кўчиб ўтасиз, – деб қолди. Акс ҳолда... биламан дағдаға қилмаса ҳам бу одамнинг қўли ҳамма жойга етади. Ҳаммаси қизнинг отаси айтгандай бўлди. Бир ой ичида тўй бўлиб, улар уйига ич-куёв бўлиб кириб бордим.

Эрка қиз, яъни менинг иккинчи хотиним ҳомиладорман, деб инжиқликларини оширди. Болам соғлом туғилсин, – деб ҳаммасига чидадим. Бир



қишлоқдошим ўтган ишлардан уйдагиларимни хабардор этгач:

Отам:

– Ҳаётда ким ҳам янглишмайди, от айланиб қозғини топади, – десалар, хотиним “Мен қайнона-қайнотам бошчилигида болаларимни катта қиламан. Бир кун пушаймон бўлиб қайтадилар”, – деб ишонч билан айтибди.

Вақт ўтиб, иккинчи хотиним ўғил туғиб берди. Бироқ, она бўлиб ҳам ақли кирай демасди. Ўғлимизга ҳам уй хизматчиси қарар, ҳали машинада у ёққа, ҳали бу ёққа сайр қилиб келайлик, деб ҳоли жонимга қўймасди. Ахир ишим бор, – деб айтсам:

– Отамнинг топгани етти пуштимизга етиб ортади. Иш-иш деяверасиз, – деб хархаша қилавериб, бир бориб, бир бормаи ишимдан ҳам ажралдим. Бу орада у ишонган “отамиз” дунёдан кўз юмдилар. Ҳеч қаерда ишламайдиган онажонимиз худонинг зорини қилиб:

– Куёв бола бор умидимиз сиздан, – дея мени тезроқ ишга жойлашишга ундай бошладилар. Бошқа ишга кирдим. Бироқ, озгина маошим уйдагиларни қаноатлантирмасди. Тантиқ хотиним тез-тез жанжал кўтарадиган, мени “лапашанг”ликда айблайдиган бўлди. Жаҳлим чиқиб, сал қаттиқроқ гапириб юборсам она-бола:

– Умрингни қамокда чиритамиз, – деб пўписа қилишарди. Шундай кезде ҳамма нарсага сабр-бардошли, қаноат соҳибаси бўлган биринчи аёлимни эслайману ўзимнинг кечирилмас хатоларим туфайли пайдо бўлган улкан бўшлиқ туфайли аччиқ алам тортаман. Нонни хор қилган одамни “нонкўр” дейишади, билардим. Мен каби умид билан бир ёстиққа бош қўйган жуфти ҳалолени хор-зор қилган кимсани нима деб аташ мумкин?!

Қишлоқдан келган танишларимдан сўраб турман, оилам ишга кириб икки болани гулдек қилиб,





яхши тарбия бериб ўстираётган экан. Ота-онам хизматида бўлиб, улар дуосини олиб юрган эмиш. Мен эса... фарзанд бўлиб ота-онамга қандай оқибат кўрсата олдим. Эртага онаси каби айтганини қилдирадиган ёлғиз ўғлимдан нимани кутишим мумкин?! Шундай ўйлар исканжага олганда ўзимни қаёққа қўйишни билмайман. Наҳотки, ўйламай босган бир қадамим туфайли бутун умр пушаймонда ўтсам. Айтинг, нима қилсам тўғри йўл тутган бўламан?!

*Бу йўллар кимгадир келтирар фиғон,
Кўнглида армони ечилмас тугун.
Ўйламай босилган бир қадам учун,
Кимдир азобланар, қийналар ҳар кун!*





УМИДЛИ ДУНЁ

Эрталаб барвақт ишга келган Моҳира ҳамкасби Замира опанинг аллақайси журналга мукка тушиб нималарнидир ёзиб-чизиб ўтирганини кўриб:

– Нима қиялпсиз? – деди.

– Эй, бекорчилик, бошқортирма ечиб ўтирибман.

– Шундан бошқа ишингиз йўқми, эринмаган одамсиз-да.

– Кўп гапирмай менга ёрдамлашиб юборинг... ота-она учун дунёдаги энг азиз неъмат нима? Бор йўғи етти ҳарф.

– Ўзингиздан қолар гап йўқ, опажон, энг ширин, бебаҳо неъмат бу – фарзанд.

– Фар-занд... ҳа, ҳа тўғри келди. Замира опа ўзича бошқотирманинг яна бир катаги тўлганидан хурсанд бўлиб юзига кулги югурди.

– Эй, Замира опа, ишга шошиб, болаларни ҳам апил-тапил кийинтириб бирини боғчага, бирини мактабга ташладиму нонушта қилишга улгурмай югуриб келавердим. Уйдан ул-бул олгандим, чой қўйиб юбордим, келинг, бир ўзим чой ичгим келмаяпти. Бу бошқотирмани қўйинг, ундан кўра ҳаётий воқеалардан гаплашиб бир қўнгил ёзайлик.

– Ҳа, қўймадингиз-да, майли, мен чой ичганман, лекин сизга шерик бўлиб гаплашиб ўтираман.

Чой устида суҳбат қизиб кетди. Моҳира ўзи сезмаган ҳолда яхши суҳбатдошга дуч келганиданми Замира опага қўнглини очди.

– Инсоннинг эртанги куни жумбоқ экан. Уни нималар кутаяпти, келажаги қандай бўлади... йўқ. йўқ бу ҳақда ҳеч ким сизга аниқ маълумот беролмас экан. Келинг, ичингизни қизитмай ҳаммасини бир бошдан айтақолай... У бироз маъюс тортиб, тўзғи-ган сочларини текислаган бўлди. Ўзи ҳар доим шунақа, ҳаяжонланса сочларини тўғирлашга тушади.





У бир хўрсинди-да, сўзида давом этди. – Ҳар бир бўй етган қиз каби мен ҳам ўзга бир хонадонга бека бўлишни хоҳлардим

– Албатта-да, ҳамма нарса ўз вақтида бўлгани яхши, – суҳбатга қўшилди Замира опа.

– Мактабни эндигина битирган ғўр қизалоққа ота-она келган совчилардан бирининг ўғлини мактаб, жуда келишган, баланд бўйли, касб-кори тайин, ўзи яхши бир оиланинг фарзанди, – деб макташса у ҳам дарров ишонақолади. Негадир қадим-қадимдан ўзбек халқи қизи бўйига етса “Тенги чиқса текин бер” мақолига амал қилиб шошиб-пишиб узатиб, ўз кўнгилларида яна бир қизларидан “қутулишади”. Айтишларича, нозик ниҳол илдизи ерга тез ўрнашиб, униб-ўсиб кетгани каби ёш қизлар ҳам бировнинг хонадонига тез мослашиб кетармиш. Қиз бола 20–21 ёшга кириб қолса ақлини таниб, оқ-қорани ажратиб, бирини ўпоқ, бирини сўпоқ, деб вақтини ўтказиб қўярмиш. Ота-оналар ана ўшанисидан чўчийдилар-да, айланай. Ҳар ким ҳам не-не умидлар билан ўстирган боласи туп қўйиб, палак ёзишини, бир сўз билан айтганда бахтли бўлишини хоҳлашади.

– Тўғри айтасиз, Замира опа. Мени ота-онам ҳам биринчи йили ўқишга киролмаганимдан кейин орзуларим билан ҳисоблашмай 18 ёшимда узатворишган. Девор-дармиён қўшнимиз анча вақтдан бери кузатиб, келин қилишни ният қилиб юришган экан, жиянларига сўратиб, бир марта учрашувга чиқишим билан дарров совға-салом бериб юборишган. Бўлажак турмуш ўртоғим ҳам ўқишга 2-3 бор ҳаракат қилиб киролмай, заводда оддий ишчи бўлиб ишларкан. Соддалигимданми қўшни совчиларнинг иши “Ҳамирдан қил суғургандек” осон битган. Совға-саломни олди, дегани розилик аломати эканлигини билмаганман ўшанда.





– Шу билан бир ой ўтар-ўтмас тўй ҳам бўлиб ўтган денг.

– Гапирманг, худди туш кўргандек бўлиб қолганман, бир ойдан сўнг тўй ҳам бўлиб ўтди. Тўйдан кейин ҳамма маш-машалар бошланди.

– Шунчалик тезми, эрингиз нашаванд чиқдими?

– Йўғ-е, худо сақласин унақасидан. Серфарзанд оилада улғайганим учунми ота-онам бошқа фарзандларидан орттириб тузукроқ мебел, сарпо-суруғлар қилишолмаганим дастлабки ойларданоқ қайнонам:

– Келинпошша, мебелингиз Тошкентникими? Ёхуд, фалончи куёвига костюм-шимдан тортиб, пальтосигача икки сидрадан қилибди, мебели ҳам Италиядан келтирилган экан, – дейдилару, менга қарата: – Яна ота-онангизникига бориб ойим шундай-шундай дедилар, – деб гапириб юрманг, айтдим-қўйдим-да.

Бу гапларни ҳар сафар эшитганда сиқилардим, бироқ шўрлик ота-онам бу дашномларга бардош беролмасликларини ўйлаб, уларга айтмасдим. Бунинг устига отам бир марта “Инфаркт” деган балони бошдан кечирганлар. Бундай майда-чуйда гапларни кўтара олмасалар керак, деб айтмаганман. Уларни аяганман.

– Яхши қилибсиз айтмай. Совчи бўлганлар қўшни, деб айтдингиз-ку, шарт-шароитингизни билиб чиқишгандир. Энди буниси ортиқча. Қайнотангиз бу гапларга жимгина қараб турармидилар. Қайноталар келинга меҳрибон бўлади, дейишади-ку.

– Қайнотам ишга кетганларида айтиларди бундай “совуқ” сўзлар. Бунинг устига турмушга чиқаётганимда бувим: “Бахтли бўлай десанг у ердаги гапни бу ёққа, бу ердагини у ёққа айтмайсан, – деб неча бор такрорлаганлар.

– Демак, ичингиз сирли қудуқ бўлиб, ҳамма гапни ичингизга ютиб яшабсиз-да.





– Ҳа, айтманг. Турмуш ўртоғимга севиб-севилиб турмушга чиқмаган бўлсам-да, уларга меҳр қўйганимни турмушимизнинг олтинчи йили уйда катта жанжал бўлганида билганман.

– Яна латта-путта, тахта, деб талашганмисизлар.

– Йўқ, қайнонам: “Бу туғмас билан умрингни зое кетказма, ажраш, – деб сира қўймаганла, уйдан ҳайдаганла. – Тўғри-да, балки ўзим ҳам она бўлганимда шундай йўл тутармидим. Қайнонамни бунинг учун айблай олмасдим. Шу йиллар ичида турмуш ўртоғимнинг қанча дўстлари бешик ҳамда ўғил тўйларини ўтказишди. Шундай йиғинларда иштирок этганларида кутилмаганда бериб қолинадиган саволларга нима деб жавоб беришларини билмайману, лекин тасаввур қиламан. Чунки ўзимга ҳам давраларда бегона аёллар:

– Болалардан нечта? – дейишганда кулиб туриб:

– Худо хоҳласа, энди бўлиб қолар, – дея жавоб берганларим, кўпчиликнинг ичида мулзам бўлиб қолган онларимда ҳеч бир тасалли мени юпата олмаслигини дил-дилимдан ҳис этардим.

– Ҳа, Моҳирахон, ҳеч ким сиздан нечта уйинг, қанча машинанг бор, деб сўрамайди. Болалар сонини сўрайди.

– Шуларни билганим учун бир куни эрим телевизор кўриб ўтирганида унинг ёнига бориб нимадан, қандай гап бошлашни билмай ўйланиб тургандим:

– Ўтир, хода ютганмисан, ё мени бошқатдан яхши кўриб қолдингми, бунча тикиласан, – деб қолдилар.

Шу гап туртки бўлдим ёки ўзимнинг юрагим тўлиб турган эканми, “Мени жавобимни беринг, Шуҳрат ака, уйимга кетаман, – дедиму хўнг-хўнг йиғлай бошладим.

– Сенга нима бўлди, бор юзингни совуқ сувда ювиб кел, ўзингга келасан. Сен билан энди ҳазиллашиб ҳам бўлмайдим, – дедилар.

Орага юракни ўртаб юборадиган сукунат чўмди. Эртаси, индинига ҳам эрим нима деркин, наҳотки



фарзанд деб йўлимиз айро тушса, – дейману ич-ичимдан нимадир узилиб кетаётгандек бўлади. Орзу-умидларим пучга чиқишига негадир ишонгим келмайди. Бир оғиз сўз... у ёки мени жаҳаннамга кулатади, ёки...

– Моҳи, кел, фарзанд асраб олайлик, – кутилмаганда эрим томонидан айтилган бу сўз олти йил давомида ўртамизда севги бўлмаса-да, меҳрга қоришиқ ҳурмат туйғуси анча илдиз отганини, бизни ипсиз боғлаб қўйганини ҳис этдим.

Таниш-билишларга дараклаб дарров ойига етмай туғилган бир қизчани, албатта, билиб-билмай гуноҳ қилиб, кейинчалик бола туғилишини хоҳламаган, туғилгач эса ташлаб кетилган бир оппоқ пахтадек, юзлари кулча нондек иссиқ, ширингина қизалоқ ҳужжатларини расмийлаштириб уйга олиб келдик.

Кексалар билиб айтишар экан “Болали уй бозор, боласиз уй мозор”, – деб. Дарҳақиқат, чақалоқ келдию бола йиғиси хоналарни жаранглатиб юборди. Унга Умида, деб исм қўйдик. У катта бўлган сари “Вой, ундай қияпти, вой, бундай қияпти” деб суюниб, кунларимиз қандай ўтганини ҳам сезмай қоладиган бўлдик. У буваси ва бувисига ҳам яхшигина “овунчоқ” бўлди-қўйди.

Болалик уйда ғийбат йўқ, деганларича бор экан. Қайнонам ҳам анча юмшаб, сал нарсага мени асабимга тегадиган гапларни айтмай қўйдилар. Бола халқи нимани ўйласа шундайлигича айтиб қўя қоларкан. Ўзингизга яхши маълум, одам қариган сари гоҳ у, гоҳ бу нарса ёқмайди, қуюқ овқат қилсангиз, суюқ овқат ичишни хоҳлаб қолишади ёки аксинча. Қайнонам ҳам анча қариб қолганлари учунми шу биттагина қизимнинг ҳам шовқинини кўтаролмай:

– Бор, кўчага чиқиб ўйна. Чулдир-чулдир қилиб бошимни айлантириб юбординг, десалар Умида тушмагур: “Бувижон, сиз вертолётмисиз, бошингиз





айланади”, – дебди. Бу сўзига қовоқ уйсалар, хафа бўлиб дарров мени ёнимга югуриб келиб:

– Ойижон, қаранг нуқул кўчага чиқиб ўйна, дейдилар. Мен шу ерда ўйнамоқчиман, сиз айтинг, ўзлари кўчага чиқсинлар, – дейди қизи тушмагур. Мен мийиғимда куламану унга танбеҳ берган бўлиб:

– Одам ўз бувисига шундай дейдими, катта одам бир гап айтганда “хўп” дейиш керак. Бўлмаса биласан-а, бувижонингни қон босимлари ошиб, бошлари оғриб қолади, – дейман. Битта бўлгани учун эркалатиб юбормаяпмизми, деган ҳадик кўнгил деворини чертиб ўтади. Кечки пайт-чи, адаси эшикдан кириб келишлари билан ширин тиллари билан: “Адажон, менга нима опкелдиз? – дейдиган бўлди.

Адаси ҳам ҳар куни турли-туман ширинликлар олиб келиб ёмон ўргатиб қўйдилар чоғи. Умида йўқлигида уришиб қўймасамми, дея хаёлдан ўтказаман. У эса бир зумда адасига эркаланиб, уларни от қилиб миниб, қувнаб ўйнаб туради-да, нимадандир уришиб қолишса, югуриб ёнимга келиб:

– Ойижон, бу адани қаттан топгансиз, бошқа ада сотиб олайлик, – деб норозилигини дарров изҳор қилади-қўяди. Унинг ҳар бир ҳаракати, гапи ҳавасимни келтирганиданми, ўзим ҳам бир дамга бўлса-да, ўша беташвиш, беғубор болалик давримга қайтгим келиб кетади.

– Болаликни соғинмай бўладими, ҳамма ташвиш мана биз катталарда. Кейин нима бўлди, Моҳирахон. – Баъзи аёллар бола асраб олгач, кўп ўтмай ўзи ҳам болали бўлганларни кўп эшитганмиз. Ўзингиз ҳам туққанмисиз.

– Ҳа, туққанман. Бунинг тарихи жуда узун. Дадам раҳматли: “Ой-кун тўғралган нондек тез ўтиб кетади”, – дер эдилар. Дарҳақиқат, кўз очиб юмгунча қизимиз мактабга чиқадиган ҳам бўлди. Шу пайтда ўзимни ғалати ҳис қила бошладим. Шифокор ҳузурига борганимда у менга: “Сиз она бўласиз”, – деб





айтганида хурсандлигимдан юрагим ёрилиб кетай деган.

Она... Шу уч ҳарфдан иборат сўз қудратини йилларнинг ҳар бир дақиқасини яратганга илтижолар қилиб ўтказган мендек муштипар аёлдан сўранг. Фарзандига олинган жажжи кийимчалар тугилган бўғчани уйда ҳеч ким йўғида олиб юм-юм йиғлаган, ўзгалар нигоҳида қадди тик, бироқ ич-ичидан тутаб, тамом бўлган “туғмас хотин” деган тавқи лаънатдан қандай қутулишни билмаган мендек ожиз жондан сўранг. Эҳ-ҳе, бу ҳақда айтсам дoston бўлса керак-ов... Ўзининг борлигини билдириб қимирлаб-қимирлаб қўяётган бир парча вужуд ҳақида опам, синглимдан:

– Шундай-шундай бўляпти, ўзи яхши ўсаётганмикин, – деб неча бор безовталаниб сўраганларим ҳануз ёдимда. Бир куни катта келинойим:

– Моҳирахон, акангиз туш кўрибдилар. Тушларида шарқираб оқиб ётган сувни кўрибдилар. Сувнинг тагида бир ҳанжар ярақлаб турган экан, шуни олиб сизга совға қилибдилар. Мана кўрасиз, ўғил туғасиз, – дедилар.

– Моҳирахон, тушда ўзи кўп нарса аён бўлади. Мен ҳам Зилоламга ҳомиладор бўлганимда, бир нуроний чол тушимда қўлимга қизил кўзли зирак тутқазиб кетган.

– Оҳ, Замира опажон, кечагидек эсимда шу келинойим ҳали фарзанд асраб олмаганимизда бизникига бир куни меҳмонга келишган. Эндигина 3 ёш бўлган кичик қизлари шеър уқуқлар айтиб ҳаммани ўзига қаратган. Кетишаётганда: “Нодира, жон Нодира, бугунча бизникида қол, эртага ўзим уйингга олиб қўяман. Сенга чиройли кўйлакчалар тикиб бераман, шоколадлар бераман, дейишимга қарамай “Йўқ” деб онасининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олган. Уларни кузатиб, яна ўша-ўша ҳувиллаган уйимга кириб унсиз йиғлаганларим, кеннойимга ҳавас қилганларим кечагидек ёдимда.





Келинойим эслайдиларми, йўқми шу катта акам ҳарбий хизматга кетганларида, уларни ёлғизлатиб қўймаслик учун икки йил давомида бирга ётиб, улар билан қанчадан-қанча ширин суҳбатлар қурганмиз. Бешиқдан ўзи қўлбоғини ечиб, пастга тушиб оладиган катта жияним, шўх қизчаларига ҳавас қилиб, келажакда мен ҳам қизли бўлсам худди шу Мухлисага ўхшасин, деб ният қилганларимни айтмайсизми. Бу ниятимга-ку етдим, Умидам ерга урса, кўкка сапчидиганлардан бўлди. Энди ўғил бўлса ўзим ҳам акамга ўхшаса дейман. Ўзи ўғил бола тоғага, қиз бола аммага ўхшайди, дейишади-ку. Бундан ташқари акамни биз қизларга бирор марта қаттиқ гапирганларини эслай олмайман. Ҳамиша вазминлик билан гапириб, байрамларда сингилларимни қандай қилсам хурсанд қиламан, деб майлига-да кимга талоқ, кимга соат, кимга пайпоқ... хуллас топганлари билан кўнглимизни “ов”лардилар. Аслида-ку қўй оғзидан чўп олмаган ўзимнинг меҳрибон акажоним-а, билсангиз эди синглингиз учун қиз-ўғиллигининг фарқи йўқ. Олти йиллик таъна-дашномлар, ҳайдалишлар, изтироблар - ҳамма-ҳаммаси боламин илк бор бағримга олганимда унут бўлиб кетса керак, дерди. Мен учун энг муҳими Она деган ша-рафли номга эга бўлиш.

– Фарзандингизни ўзингиз туғганмисиз?

– Йўқ, ёшим анча катта бўлгани учун шифокорлар кўрқашган. Шунинг учун “Кесерво-сечение” қилмаса бўлмайди, дейишган. Рози бўлишдан бошқа иложим бўлмаган. Қўли енгил шифокор ёрдамида ҳаммаси яхши ўтиб, келинойим айтганларидек ўғил фарзандли бўлганман.

– Бу хабар яшин тезлигида тарқаб, ҳамма суюнгандир, айниқса турмуш ўртоғингиз.

– Вой, гапирманг, хурсанд бўлганларидан касалхонага эрталаб ҳам, кечқурун ҳам келиб хабар олганлар мендан. Палатадаги аёлларнинг ҳаваси



келган. Фақат қайнэғачим келиб дилимни хуфтон қилиб кетганлар.

– Нима деганлар?

– Нима эмиш, мен энди ўз боламга меҳр бериб Умидам “Пуф, сассиқ” қа чиқармиш...

– Йўғ-е, Оллоҳ берган синовларни енгганингиз учун ҳам мукофотиға паҳлавондек ўғил ато этган.

– Яратганга шукр, менинг оху нолаларим чин юракдан эди. Умиданинг қадами кутлуғ келиб етти йил деганда она бўлдим-у Умидамни хўрлатиб қўярканманми?!

– Умидли дунё... “Астойдил йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар”, – дейишгани рост экан. Сабр қилиб ниятларингизга етибсиз. Ҳеч уйни Оллоҳим фарзанд неъматидан бебаҳра қилмасин.

Икки ҳамкасб суҳбатлашиб вақт алламаҳал бўлганини ҳам сезмай қолишибди. Ҳа, яна тонг отди. Тириклик деб аталмиш машина ғилдирагини силжитишга ҳаракат бошланди. Яна қайсидир хонадонда тун бўйи мижжа қоқмай, нимадандир безовта бўлиб, кечаси билан йиғлаб чиққан гўдаги бешиги узра қайсидир она бедор тонг оттиргандир. Хиёл кўзи илиндими-йўқми аёл бироз ғижим бўлган кўйлаги этагини тўғирлаб, боғичи бўшашиб қолган рўмолини қаттиқроқ боғлаб ойнага қараётгандир. Ҳомиладорликдан қолган жигарранг доғларни нозик бармоқлари билан силаб қўяр экан, кўзларининг таги бироз салқиганига кўзи тушаётгандир... Лекин ишонамизки нигоҳи бироз ҳорғин кўринса-да унинг кўзлари чакнаб туради. Бу ҳар бир аёлга таниш ҳолат. Бу фарзанд берган чексиз қувонч, оналик бахти. У яна бешик қошига бориб, тўлин ойдек бўлиб ётган боласига қарар экан, қалби қувончга тўлади. Ўзи сезмаган ҳолда ичида “Бир кучоқ бўлиб ухлашингдан сени” деб оҳиста фарзанди юзидан ўпиб қўяр экан, боласидан таралаётган хушбўй исдан кўнгли ёришиб кетади. Бу ҳар бир онага таниш





манзара. Узоқлардан эса эл ардоғидаги санъаткор
Замира Суюнованинг ҳазин овозда айтган алласи
қулоққа чалинади:

*Ҳорғин кўзларимга юзинг босаман,
Хоҳламасам ҳамки уйқинг бузаман.
Кўкда юлдузлардан маржон тизаман,
Сен ором ол кўзим, менинг юлдузим,
Алла, алла, аллаё алла...*





Ё Н Ё И Н

Қиш... Осмондан ўйнаб учиб қор ёғмоқда. Деразадан қор ёғишини бир зум кузатиб турди-да, кечки овқат тараддудини кўриш учун ошхона томон йўналди. Масаллиқларни ҳозирлаб бўлгач болалардан хабар олиб қўйиш учун уйга кирди. Қизларининг бири дарс тайёрлаб ўтирибди, мусаввир қизининг имтиҳони яқин шекилли, у ҳам мук тушганча катта қоғозга нималарнидир чизиб ўтирибди. Хотиржам бўлиб, энди ошхонага йўл олганди ташқаридан:

– Қўшнилар ёрдам беринглар, уйим куйди, деган йиғи аралаш таҳликали овоз уни сергак торттирди. Гулнора дераза дарпардасини хиёл кўтариб кўчага мўралади. Қиш эмасми, бирпасда қоронғулик туша бошлабди. Ҳамон киши завқини келтириб, симёғочдаги чироқ ёғдусида ажиб манзара кашф этиб қор ёғмоқда. Кўчада ҳеч ким кўринмади, албатта, шу совуқда ким ҳам кўчада сайр қиларди. Лекин қулоғига чалинган ҳалиги овоз... ким бўлдийкин, кеч бўлганда бундай бақириб-чақириб юрган?! Деразадан ҳеч ким кўринмагач у кўчага чиқиб қарамоқчи бўлди. Бирпасда шунча одам қаёқдан пайдо бўлибди, ҳозиргина деразадан қараганда ҳеч ким йўқ эди-ку. Кимдир елкасига чала-ярим чопонини илган, яна кимдир қўлидаги капгирни ҳам ташлашни унутганми, капгир билан, кимдир қиш кунда оёғига шиппак илиб югуриб чиқибди. Шивир-шивирлар бошланиб кетди.

– Нима бўлибди, ким у ёрдамга чақирган?

– Маълума кеннойи, ана қарайла, уй ёняпти.

Ҳамманинг нигоҳи Гулноранинг уйидан 3-4 хонадон наридаги уйга қадалди. Вой, ўлмасам, нимадан ёнғин чиққан экан-а. 04 га телефон қилинглар, ҳой барака топгурлар. Ёнғин ўчирувчилар тез келсин.





Яна кимдир “Тез ёрдам”га ҳам қўнғироқ қилиш керак дейди, кимдир “Тез ёрдам”нинг нима кераги бор, дейди. Сокин кўча бир зумда ғала-ғовур бўлиб кетди, ҳатто бу кўчада яшамайдиган нотаниш чехралар ҳам кўпайиб кетди. Бу шум хабар яшин тезлигида ҳаммаёққа тарқаб кетганми, кўчага одам сиғмай кетди. Энг даҳшатлиси бир эмас, учта қўшнининг уйи гуриллаб ёнарди. Ёнғин бир зумда шунчалик авжига чиқишга улгурган, ўртадаги асосий ёнғин чиққан уйдан бирор нарсани олиб чиқишнинг иложи бўлмаётганди. Тунука томларнинг тарс-турс отилиши, олов тилининг тобора узайиши ҳаммани ваҳимага солади.

Бир тўп қўшни аёллар тўдасига қўшилганди кимдир:

– Вой, ёнғир ўлгур нимадан чиқибди, – дейди. Иккинчи бир аёл:

– Зулфия уйида йўқ экан, болалари телевизор кўриб ўтирганида, бирдан болаҳона уй ёна бошлабди. Гапга учинчи қўшни аралашди “Кичкина ўғли Жавоҳир жуда шўх эди, гугурт ўйнагандир-да. Яна бошқа қўшни аёл гапга қўшилди:

– Йўғ-е, нима деяпсиз, гугуртдан бунақа кучли ёнғин чиқармиди, электр симидан чиқибди, – дейди.

Томошабин бўлиб турган эркаклардан бири, қўшнилари огоҳликка чақириб, ҳар ким уйдан нима идишда бўлса ҳам сув опчиқиб турсин, ана, кўряпсизларми ёнғин тўртинчи уйга ҳам хавф солмоқда. Омоннинг уйи биласизлар, финский, ёғочдан қурилган, деди. Яна кимдир, шу пайтгача нега ёнғин ўчирувчи машина келмаяпти-я, ҳозир бутун уй ёниб тушади-ку, – дейди хавотир аралаш. Яна кимдир ёнғин Омон аканинг уйига ўтса борми, ёғоч уйдан ҳеч нарсаси қолмайди, деса, бошқа бири Омон ака ҳар куни ичиб юргандан кўра уйини таъмирлатсин, бу ичаётган ароғининг пулига аллақачон уйини қаср





қилиб юборса бўларди, дейди. Шу пайт узоқдан машина сигнали, сўнг одамларнинг “Қочинглар, йўл бўшатинглар” деган овозлар келди. Шунча кутилганга яраша атиги биттагина ўт ўчирувчи машина келибди. Улар машинадан тушган заҳоти тез ишга киришиб кетишди. Энг аввало, иккинчи, томи гуриллаб ёниб, деворини қорайтиришга улгурган уйдан иш бошлашди. Дарров узун нарвон ўрнатилиб, ўт ўчириш хизмати ходимлари чаққонлик билан томга чиқиб, сув пуркай бшлашди. Ёнғин авжига чиққани сайин Маълума кеннойи:

– Вой дод, уйим куйди, ёнғин Зулфияникидан чиқди. Энди нима қиламан, – дея такрор-такрор гапирар, рангида ранг қолмаганди. Кимдир уйдан пиёлада сув ва дори олиб чиққан эканми, кеннойига бериб, шуни тилингизнинг тагига ташланг, сув ичинг, деб меҳрибонлик қиларди. Яна кимдир, мен уйга кириб “Тез ёрдам” чақираман. Бундай аҳволда уларнинг ҳам ёрдами керак бўлиб қолади, деб телефон қилишга кириб кетди. Маълума кеннойи сира тинчлана олмас, у ёқдан бу ёққа юрар, ҳеч кимнинг гапи унга кор қилмасди. Маълума кеннойи аслида икки қизини узатиб, энди ўғлини уйлантириш ҳаракатида юрган бева аёл. Ўғли баланд бўйли, тарбияли, ҳамма ҳам шундай йигитни куёв қилсам, деб ҳавас қиладиган йигит. Бунинг устига ўқимишли. Яхши бир ишнинг бошини тутган. У ёш бўлса-да, ўзини тутишга, онасига тасалли бўлишга интиларди. Қўшниларга “ойимни қўшниникига олиб кириб туринглар, илтимос, ёнғинни кўрмасинлар, бўлмаса қон босимлари кўтарилиб кетади”, деб онасининг соғлиғидан хавотирда эди. Қўшни аёллар “Энг муҳими ўзингизга, ўғлингизга шикаст етмагани, қолгани бўлади, бунақа куйинаверсангиз касал бўлиб қоласиз”, деб Маълума кеннойининг қаршилигига қарамай уни рўпарадаги қўшни уйига олиб кириб кетишди. Иссиқ чой беришди. Шу пайтда етиб





келган “Тез ёрдам” ҳамшираси уларнинг қон босимларини ўлчадию, хавотир аралаш “Тез укол қилмаса бўлмайди” деди. Шприцга дори йиға бошлади. Қўшинининг ҳам келини шифокор бўлгани учун уколни у қилди. Ҳамшира эса бошқа қўшниларга қарата: “Яна кимга ёрдам керак бўлса, шу ерга олиб келинглар, шамнинг ёруғида қараб қўяман”, деди. Дарҳақиқат, чироқ ўчгани учун ҳаммаёқ зимистон эди. Кўчада одам кўплигидан унисига, бунисига туртина-туртина машина ичида йиғлаб ўтирган, учинчи ёнаётган уй соҳиббаси, гўзаллиги, фаросати, одамийлиги билан ҳамма қўшни меҳрига сазовор бўлган Сарвинозни ҳам ҳамшира бор жойга боришга кўндиришди. У уйининг ҳолатига аланг-жаланг қараганча, қўлидан тутган қўшни кетидан эргашди. Ахир бу келинчак ҳолатини ҳам тушуниш мумкин эди. Куз бўйи уларини таъмирлатиб, энди янги дарпардалар тутганида... йиғламай бўладими?! У ярим йўлга борганда, уйдан куз узолмай “Йўқ, раҳмат, бормийман”, деб туриб олди. Айтишларича, келинчакнинг куйинчаклиги сабаб у ўғиллари ёрдамида ўз уйидаги кўп нарсаларни олиб чиқишга улгурибди, энг асосийси, қўшни уйдаги болаларни ҳам олиб чиқибди. Лекин ўртадаги асосий ёнғин чиққан уй йўлагидagi машинадан бошқа бу уйдан уй эгаси ҳеч нарсани олиб чиқишга улгурмабди. Ҳамма нарса ёниб кул бўлсаю ҳеч нарса қилолмасанг. Бундан ёмони бўлма-са керак. Уй эгаси Равшан ака енгилгина кўйлақда дийдираб турар, уйига қарагани сайин кўзларидан шашқатор ёш оқарди. Қўшнилардан бири унинг бу ҳолига ачиндими, ё одамгарчилик юзасиданми эгнидаги тўнини ечиб унинг елкасига ташлади.

Бу пайтда ёнғин хизмати ходимлари уй томларини кўчириб, кўчага улоқтирар экан, атрофдаги бола-бақраларни олинглар, – деб бақиришарди.

Минг асингани билан қўлидан ҳеч иш келмаслигини англаган қўшни аёллар болаларини олиб





уй-уйларига тарқала бошлашди. Шу пайт кўча бошида югуриб келаётган уч аёл ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Қоронғу бўлгани учун кимлиги bilinмасди, бироқ яқинроқ келишгач улардан бири Зулфия эканлиги маълум бўлди.

Қўшни аёллар уни кўриши билан:

– Қайнона ойим доим Равшан аввалги аёли ва қизининг уволига қолди, дейдилар деса, бошқаси:

– Тўй қилиб одамларни бой-камбағалга ажратиб айтишнинг оқибати бу. Худо хоҳласа одамни бир кунда бой, бир кунда камбағал қилиши мумкин. Шу битта кўчада туриб, бош тўйига айтмаса-я, сизни айтишганмиди? – дея бири иккинчисига юзланди.

– Йўқ, айтишмаса ҳам тўй келишига чиқиб келайлик, деган эдилар Дилфузахон, мен чиқмадим.

– Яхши қилибсиз. Нима биз ош-овқати учун чиқармидик. Ўша бир коса овқат ўзимизда ҳам топилади. Айтилмаган жойга йўнилмаган таёқ бўлиб нима қилдим.

Зулфия фақат Нилуфар билан Ойдинни тўйга айтиб: “Тўй ресторанда бўлади, кечки, энг сўнгги русумдаги кўйлагингизни кийиб, чиройли бўлиб боринг” – деб таъкидлаган экан. Уларнинг ҳам шу гапдан жаҳли чиқиб боришмабди.

– Салом-аликни билмайди, бойвучча бўлса ўзига. Қўшнилар тўй ресторанда, қариндош-уруғим кўп, биласизлар, тўй келишига уйга чиқинглар, – деса-ку олам гулистон эди. Барибир кўнгил экан-да.

– Вой, қўшнилар, бу ёғи ғийбатга айланиб кетмасин, нима бўлганда ҳам шу совуқ кунда ёмон бўлди шўрликларга.

Шу куни кўчага яна учта ёнғин ўчириш машинаси келиб эрталабгача тинмади. Эртаси куни мардикорлар куйган нарсаларни кўчага олиб чиққанда ёнғиннинг даҳшати янада тўлалигича намоён бўлди. Асосий ёнғин чиққан уй эгалари бой эмасми, ёнғиннинг эртасига Равшан аканинг хонадонидан





тиллалари йўқолибди, деган гап ҳам тарқалди. Бу чинми ё ёлғон ҳеч ким билмайди. Лекин кўпчиликнинг олдида Зулфия эрини мулзам қилиб:

– Эй, сўтак, шунчалар аҳмоқмисан, ёнғин ўчирувчиларга ўзинг хабар бергани бормай, телефонда хабардор қилиб, уйдаги нарсаларни олиб чиқсанг ўлармидинг, – деб бақирганини эркагу аёл муҳокама қиларди.

Зулфиянинг акаси:

– Синглим, сен ҳеч ғам ема, уйингни аввалгисидан ҳам яхши қилиб қуриб бераман, дебди.

Бу яхши, албатта. Улар ҳам, ёнидаги кўшнис ҳам ўзига тўқ, бой-бадавлат одамлар. Лекин бев: аёлга ким ёрдам беради. Маҳалла аҳли шу ҳақда ўйлай бошлади. Маҳалла раисининг гапи билан ҳамма баҳоли қудрат пул бериб, маълум миқдордаги пул ёрдам тариқасида топширилди. Бироқ аёлнинг йўқотишлари олдида бу маблағ ҳеч нарса эмас эди. Кўнгил сўрагани чиққан аёллар уйнинг аҳволини кўриб бир ачинишса, ёнғинга куйиб ётиб қолган Маълума опанинг ранги заъфарон бўлиб кетганини кўриб яна бир куйишди. Кўшнилари бева аёлдан “Уйингизга участка нозири кириб кетаётганини кўргандик, у ҳам бирор ёрдам бердими”, деб сўрашди.

– У ёнғин қайси хонадондан чиққан бўлса, у кўшнисига ёрдам бериши керак, Равшан ака сиз кўрган зарарни қоплаб беради, мен айтаман, деди. У эса ҳол-аҳвол сўрагани кириб: “Опа, мени аҳволимни кўриб турибсиз, куйган тунукаларимни олиб, томингизнинг тешилган жойларини тузатинг”, деди. Унинг куйган тунукаларини нима қиламан, деб йиғламсираб гапирди ва кўшиб қўйди. Ёрдам бермаса ҳам майли, ҳеч бўлмаса ҳақорат қилмаса бўлгани. Шу жойда аёл яна кўз ёшини артиш учун, халати чўнтагидан дастрўмол олди. Ҳол сўрагани чиққан кўшнилари ҳам аёлнинг дардига қандай малҳам бў-



лишни билмай сиқилиб қолишди. Шунда Маълума кеннойининг шахд билан айтган гапи ҳаммани ҳайратга солди. “Шу вақтга қадар ҳеч кимни қарғаманган эдим, шуларни қарғайман. Топгани дорига буюрсин. Бола-чақа ўстиряпти, кўрарман. Бир ҳафта ёмғир-қор ёғган бўлса, кўзимнинг ёши ундан кўп окди. Қаранглар, уйнинг ичига қор-ёмғир ёғавериб, пол тахталари ҳам шишиб кетди. Ҳамма бирдан полга, шипга қаради. Ҳақиқатан уйнинг том қисми очик бўлгани учун ҳар жой-ҳар жойга тоғора қўйилган, поллар ҳам шишиб, уйга куйган ҳид ўрнашиб қолганди. Қўшниларнинг ачиниш билан уйга қараб турганларини кўриб Маълума опа гапида давом этди.

Рўзадан кейин тўй қилмоқчийдим. Келин ҳам топганман, энди янги қудаларга нима дейман. Тўйга атаб йиққанларимиз шу уйга сарфланяпти. Бу пуллар ҳам етмай ўғлим кеча давлатдан кредит олиб пулига қурилиш материалларини олиб келяпти. Бир укам барака топгур 100 та тунука ташлаб кетди. Куёвларим ҳам қараб туришмаяпти, “Ойи, нима керак айтинг, ёрдам берамиз” деб. Лекин асосий айбдор Равшан индамаяпти. Майли, бу ишлар ҳам тўғри бўлиб кетар. Бу ҳам Оллоҳнинг бизга бир синовидир. Лекин кўнгилда қолган доғ кетмаса керак. Ҳаётда, инсон турмушида нималар бўлмайди дейсиз. Болаларим ёш пайти эр-хотин ўртасидан гап ўтиб, биров муддатга уйга кетиб қолганимни биласиз. Зулфия шу тобда ўша алмисоқдан қолган гапларни ковлаб “Сенга ўйнашларинг ёрдам берсин”, – дея ҳақорат қилганини унутолмасам керак. Мана, Равшан билан Зулфия ҳовлисининг пастидаги уйда ҳеч нарса бўлмагандек, иссиққина уйда жон сақлаб ўтиришибди. Қийналганда ўғлим билан мен сарсон бўлиб кетдик. Ҳали қариндош-уруғникида, ҳали қўшниникида қолиб.





Маълума кеннойдан кўнгил сўрагани чиққан келинлардан бири унга тасалли бўлсин деб ёдида қолган бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

– Билсангиз агар Равшан ака кирларини ҳам шу вақтга қадар ўзлари ювар эканлар. Овқатни-ку айт-маса ҳам бўлади, қачон қараса ресторану кафедан олиб келадила. Зулфия кеннойи эрларига доим “Мен ишли одамман, вақтим йўқ” дермиш. Ҳаммасигачи айланай, қўшнижонла, Равшан аканинг лапашанглиги сабаб. Бўлмаса гулдай хотинини шу “ялмоғиз”га алмаштирармиди. Биз ёш бола эдик, Зулфия ҳайит қилганда кўргани чиқсак, дугоналари келишган экан. Улардан бири:

– Зуля, мўмингина-қобилгина буратинони қаердан топдинг, бизга ҳам шунақаси бўлса йўқ демасдик, – деб кулишган. У эса бир куни уйга кеч қолиб машина тўхтатсам, шу буратино чиқиб қолган, деб Равшан аканинг устидан роса кулган. Атайлаб машиналарида узугимни тушириб қолдирган бўлиб, шу тилла тақинчоғимни олиш баҳонасида яна учрашганмиз. Шундай қилиб мени севиб қолганлар.

– Зуля, хотини, боласи борлигини айтмаганми, деса, бир дугонаси иккинчисига:

– Прокурормисан, тергайверма, тақдир экан мана бахтли яшаяптими бўлди-де, деган.

Буни эшитиб қўшнилар Равшан аканинг биринчи аёли билан боғлиқ воқеани ёдга олишди. Дилором кеннойининг ота-оналари суриштиргани бизаникига киришган экан, адам “Жуда яхши одамлар, отаси қори одам. Боланинг тарбияси ҳам яхши, ҳеч ёмон гап эшитмаганмиз”, деган эканлар. Қизларини олиб кетишаётганда адамнинг ёнларига кириб: “Амаки, қўшнингизни яхши билмас экансиз, эссиз ойдек қизимиз бахтсиз бўлди”, – деб кетишганини айтиб, адам анча пайтгача сиқилиб юрганлар. Одамнинг оласи ичида бўларкан, деб. Бу гапга Маълума кеннойи ҳам қўшимча қилиб:





– Дилором яхши аёл эди. Кетадиган бўлганида уйдагиларини бизникига чиқиб телефон орқали чақиряптию кўзида ғилт-ғилт ёш айланса ҳам сирбой бермаган.

“Келиб мени обкетмасайла бўлмаяпти”, – дегану на қайнона, на қайнота, на эрини ёмонламаган, – деб айтсалар ҳалиги бижилдоқ қўшни гапларини илиб кетиб:

– Вой, ман Дилором кеннойи ҳайит қилганларида чиққанман. Улар қадимги тиллақошларни тақиб, миллий кийимларимиздан атласда ял-ял ёниб турганларини кўриб ҳавас қилганман. Уларнинг бу туришларини кўриб “Равшаннинг хотини ўйинчи экан” деса яна биров “Толеи баланд йигит экан, чиройи ҳам майли, ширин сўзлигию одобини айтмайсизми”, деб роса бир ҳафта муҳокама қилишган маҳаллада. Бу ўлгур бошини айлантириб тегиб олган-да.

Маълума кеннойи бўлса, “Фалакнинг гардишини қаранг, Равшаннинг қизи Моҳигул келин бўлган жой Дилоромнинг қариндошлари бўлиб чиқибди.

– Равшаннинг қизи эндигина 17 га кирган экан, намунча... шошиб қолишибди, – деса бошқаси “Юрар экан, куда томон “Йўқ” деганига қарамай ўғли “Шу қизга уйланаман”, – деб туриб олибди дейди. Хуллас, “Элакка чиққан хотиннинг элик оғиз сўзи бор” дан бўлдик-ку дейишди қўшнилари туришаётганда. Яна:

– Бирровга чикувдик, гаплашиб қолиб кетдик, Маълума кеннойи келинимиз овқат пиширвотувди, шуни айтмоқчи эдик. Бугунча сизлар овора бўлманглар, деб. Ҳозир чиқариб юборамиз, – дейди улардан бири. Маълума кеннойи бунга жавобан:

– Раҳмат, овора бўлманглар, мана қизлар кеча-ю кундуз шу ерда усталарга қарашяпти, – дейди. Қўшнилардан бошқаси: “Ҳовлида ўтириб шамоллаб қолибсиз, бизникига кириб исиниб чиқинг”, деб муло-





занат қилди. Бу гап яна кеннойининг “хасрат дафтари” очилишига сабабчи бўлди. “Ўзимдан ўтганини ўзим биялпман, қўшнижонлар. Камбағал бўлса “Ҳа, энди камбағалде, ўзининг ҳам бошига шундай савдо тушиб турибди, дердим. Лекин қизининг айтишича тиллалари топилганмиш. Битта кальесининг ўзи 17 минг доллар экан. Ҳали бурнидаги мушуғи қотмаган боласигача “Нексия” минади. Қўша-қўша машинангдан биттасини сот. Вой, қарзга ботиб кетдим-эй”.

- Маълума кеннойи, кўп куйинманг, яна ану кундагидек қон босимингиз кўтарилиб кетади. Ўша куни ҳаммамизни кўрқитдингиз. Жон омон бўлса, нарса топилади. Ҳали ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасизлар, мана бизлар ҳам қараб турмаймиз. Равшан акага қолса-ку қарашарди-я, лекин хотинини биласиз-ку, ўша қўймаётган, бўмасаку... у бироз михғовланиб турди-да, майли, уларни ҳам қарғаманг, инсофини сўрайверинг, балки ўз ишларини салйўлга қўйиб олгач сизга ҳам ёрдам бериб қолишар. Жа, ноумид бўлманг.

Еувим ҳар сафар дуога қўл очганларида:

“Ўт балосидан, сув балосидан Оллоҳнинг ўзи асрасин”, – дер эдилар. Ҳақиқатан, ўт балосини ўз кўзим билан кўриб, бу илтижонинг маъносини чуқур тушушиб етдим. Лекин баъзан майда гап, ғийбатга йўйсак-да, қўшни аёлларнинг ҳам гапида жон бор. Оллоҳ ўзини унутган бандаларига, балки шу йўл билан “Кўзингни каттароқ оч” деган сўзларни уқтирмақчи бўлгандир, ким билсин, лекин нима бўлганда ҳам одабийликни унутмасак, Оллоҳ синовларидан мардона ўтиб ҳақиқий инсон бўлолсак, ўзгага келган дардни ўзимизникидек қабул қилаолсак бўлгани. / фожеа бўладими ёки хурсандчилик кунимиздаги воқеалар бўладими, менимча, буларнинг ҳаммаси биз учун юборилган синов. Ўзимча бу воқеага шундай ўхшатишни топдимۇ ҳаёт ҳақиқатини яна-





да теранроқ англашга интилдим. Дарҳақиқат, ҳаммамиз ҳам бундай синовлардан, Яратган нигоҳидан четда эмасмиз. Иродамизни тоблаб, бошимизга тушган ҳар қандай мудҳиш кунда ҳам ўзимизни қўлга олиб, виждон амрига қулоқ тутиб иш тутсак бўлгани. Хаёлимдан шундай ўйлар ўтдию лекин душманимга ҳам бу синовни раво кўрмасдим. Ёнгин даҳшатини ўз кўзи билан кўрган одам, албатта, мен каби шундай мушоҳада қилиши табиий. Бироқ, сир-синоат тўла очундаги бу каби синовларда бизга дарс бўлишга арзигулик ҳолатлар борки, буни тан олмасликнинг иложи йўқ. Нега дейсизми, қаранг-а, Равшан ака хонадонининг бетон пойдеворигача ҳамма нарса ёниб кул бўлсаю раҳматли қори отасидан қолган Қуръон китоби ёнмай қолса. Бу нарса барчани ажаблантирди. Ҳаммамизни бундай қалтис синовлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин!





КУЙГАН КҶНГИЛ

Ёз келса каттаю кичик яйрайди. Тоғлар бағрида жойлашган хушхаво дам олиш масканлари ҳамма-мизни ўз бағрига чорлайди. Кимдир бу масканларда сиҳат-саломатлигини тикламоқчи бўлса, яна кимдир оқар сувларда чўмилиб кўнгилли ҳордиқ олади. Биз ҳам оиламиз билан ишхонага қарашли “Оқтош” дам олиш масканидамиз. Бу дам олиш уйига ҳар шанба-якшанба ҳашарга чиқиб дарахт кўчатлари ўтказиб, турли-туман анвойи гуллар экиб, озодалаш ишларида кўмаклашгани келганим кечагидек ёдимда. Тўғри, ўша пайтда ҳар дам олиш куни чиқаверамизми, деб бироз оғринган пайтларим ҳам бўлган. Лекин раҳбарлар қаттиққўллик қилиб ҳаммани ҳашарга олиб келишгани яхши бўлган экан. Мана бугун бу жойлар катта боғга айланган. Ўрик, гилос, олча, тоғолча, шафтоли, бодом... эҳ-ҳе санаб-саноғига етиб бўлмас турли хил анвойи гуллар бу ерни ҳақиқий “жаннат”га айлантирган десам муболаға бўлмайди. Эндиликда бу боғдаги мевалардан ўзимизнинг фарзандларимиз баҳраманд бўлаётганини айтмайсизми?! Мана, куни кеча ўртанча фарзандим ёзги оромгоҳда шу ерда дам олиб кетган эди. Бугун кенжаси дам оляпти. Улар учун алоҳида тарбиячи ёлланган. Ота-оналар эса ёнгиналарида дам олаётган болаларидан тез-тез хабар олиб туришлари мумкин. Хуллас, ҳаммаси соз. Бироқ, қўлида доимо челак, супургиси билан ҳожатхоналарни тозалаб юрадиган аёл эътиборимни тортдию менда у билан суҳбатлашиш истаги пайдо бўлди. Икки чети гуллар билан ўралган йўлак бўйлаб уни учратиш мақсадида шу томонга йўл олдим. Аёл мени кўриб сўраша кетди:

– Ассалому алайкум, яхши дам оляпсизми? Мазалар яхшими? – дея ҳол-аҳвол сўради. Мен ҳам у





билан саломлашгач, ундан ўтган ойда ҳам у ишлаган-ишламаганини суриштирдим. У эса:

– Бу ерлар тоғли жой бўлса, завод-фабрика йўқ, шундай сиҳатгоҳда ишлаётганлар ишини йўқотмасликка ҳаракат қилади. Чунки бошқа иш йўқ-да, – деб жавоб берди. Мен бу маъсума аёлга бир зум тикилиб қолдим, эғнида бироз ранглари униққан штапель матосидан тикилган ёзги кўйлак, рангпаргина, озғин, бошига оқ сурпдан дурра танғиб олган. Ўтган ойда дам олишга келиб, уйга боргач қизим ачиниш билан гапирган аёл худди шу бўлса керак, деган хаёл ўтдию дадиллик билан:

– Менимча, адашмасам сал аввал дам олиб кетган қизим менга сиз ҳақингизда гапирганди.

– Ҳа, шундайми, нима деганди, қизингизнинг исми нима?

– Лобар.

– Ҳа, эсладим, бўйчангина, қош-кўзлари қора чиройли қиз. Ҳожатхоналарни тозалаб юрсам бир қизча келиб “Маошингиз қанча? Нега йиғлаб туриб иш қиласиз, ишингиз қийин эмасми?” – деб кўп савол берганида мен ҳам исминг нима сени, десам Лобар, деганди. – Вой, синглимнинг ҳам исми Лобар, ўзи ҳамма Лобарлар раҳмдил бўлар экан, сен ҳозир жуда бахтлисан, ота-онанг бағридасан, ҳеч нарсани ўйламайсан, мен ҳам сендек қиз бола пайтим жуда бахтиёр эдим. Энди эса...

– Нимани ўйлайсиз, нега йиғлайсиз, ёки у-бу ерингиз оғрияптими, юринг ана у ерда ҳамшира бор сизни ўзим олиб бораман, – деб меҳр кўрсатганди.

Бегона бир аёлдан қизи ҳақида шу гапларни эшитиш онага жуда хуш ёқади. Адаси ҳам доимо “Шу қизимизни ҳалол пул топганлар келин қилади. Ким келин қилсаям лотараядан ютуқ ютгандек бўлади”, – деб таъкидлашлари бежиз эмас. Уй ишларини ҳам, дарсини ҳам билиб-билиб ўз вақтида қилади, уришишга ҳожат қолдирмайди. Хаёлларни аёлнинг ҳикояси бўлди.





– Шу қизингиз ажойиб экан, айтмаганимга қўй-мади, маошим 90 минг. Шу ойликка дам олишсиз эрталабки бешдан кечки саккизгача ишлайман. Лекин Худодан яширмаганимни бандасидан яшириб нима қиламан, дам олувчилар директоримизга бориб мени мақташган экан, яна ойлигимни 20 минг сўмга оширдилар, яна инвалидлигимга 50 минг қўшиб оламан.

– Инвалид... мен ҳайратимни яширолмайман, инвалид бўлсангиз қўлингиз доимо сувда бўладиган иш сизга тўғри келмайди-ку, сал осонроқ иш қидириб кўрмаганмисиз?

– Эҳ, жон синглим-а, шу ёзда буйрагим қаттиқ оғриқ бериб, қон босимим кўтарилиб, ўзимни ташлаб юборибман. Қанча беҳуш ётганман, ким мени касалхонага олиб борганини ҳам билмайман. Ўзимга келиб қарасам, тепамда ҳамширалар парвона бўлиб туришибди. Улардан ким мени бу ерга олиб келди, деб сўрасам шахсан дам олиш уйи директорининг ўзи олиб келиб “Яхши қаранглар, касалхона харажатлари, дори-дармон пулини ишхона тўлайди”, – дебди умридан барака топгур. – Ўша ердан тузалиб чиққанимдан кейин бўшаб кетишга ҳам юзим чидамаяпти.

– Ҳолида опа, турмуш ўртоғингиз, ёнингизга кирадиган фарзандларингиз йўқми?

– Бор, Худога шукр. Лекин турмуш ўртоғим ўтган йили мол боқишга чиқиб, дарадан қулаб, қовурғалари синиб, ўпкаларидан сув олишгач ишга яроқсиз бўлиб менга қарам бўлиб ётиб қолганлар. Ёлғиз қизим ўнинчи синфда ўқияпти. У ҳам бултур тўққизинчи синфни битирганда “Она, мени тузукроқ ўқишга беринг. Мен ҳам катта бўлгач сизга ўхшаб “Швабра хўжайини” бўлмай тағин деганди. Ўқишга юборишга бизда ортиқча пул бор эканми, юборолмадик. Ҳозирги кунда ўқишдан кейин пиёз ўтоғига чиқади, чорбоғимиздаги ҳўл меваларни териб сота-



дию лекин бу пул рўзгордан ортмайди. Бир куни шу қизим бечора оёғимда яхшироқ туфлигим йўқ, деб топаётган пулидан уч-тўрт сўмини банка ичидаги нўхот ичига яшириб қўйган экан, дадаси топиб, шуни ҳам ичиб қўйибдила. Жаҳлим чиққанидан қарғабман, денг. Шу куни тоғдан қулаб тушганлар. Унисига ҳам ўзим куйдим, айланай.

– Вой, ичармидилар хўжайинингиз...

– Ичганда қандоқ. Оилага топган бир сўмини кўрсатмай ичарди. Бориб кўрсангиз ҳамма ҳамсояларнинг уйи бир чиройли, бизнинг уй эса лойсувоқлигича қолган. Уйимизнинг ойналари йўқлигидан деразага адёл тутиб ўтирардик. Шундай совуқда 2 та ўғлим зотилжам бўлиб, бевақт ўтиб кетди.

– Шунчалик бўлгунингизча, наҳотки ота-онангиз “томошабин” бўлиб ўтиришган бўлишса. Улар ҳам ҳеч бўлмаса неваралари учун уйингизни таъмирлашда ёрдам қилишмаганми?

– Йўқ, ота-онам яхши одамлар эди. Онам ўқитувчи бўлиб ишлардилар, ўла-ўлгунларича уйимга нарса ташиб ўтдилар. Ҳатто бир неча бор “Соғлом болам касалманд бўлди, ажратиб оламан” деганларида отам “Маҳаллада хотин-қизлар қўмитаси раисасисан. Ўз қизингни қайтариб олиб келсанг қандай бўларкин”, – деб айтганларидан сўнг ўйлаб қолганлар. Аёл ўша вақтларни кўз олдига келтирдими, бироз хомуш бўлиб, ер чизиб ўйланиб қолди, кейин чуқур бир хўрсиниш олди-да, сўзида давом этди. – Қизимга ҳомиладорлигимнинг олтинчи ойи эди, овқатимдан айб топиб, эрим мени биқинимга қаттиқ тепганида, шу буйрагим қаттиқ лат еган. Даволансам ҳам бўлмагач, болам 7 ойлигида шифокорлар операция йўли билан боламни олиб, битта буйрагимни ҳам олиб ташлашган. Ундан ташқари эрим арзимас сабаблар топиб, ичиб келиб тепаверганидан бачадоним ҳам тушиб кетадиган бўлиб қолган. Оғир кўтариш мумкинмасу, лекин ҳожатхонага че-





лаклаб оҳакли сув қуймасам, кўпчилик кирадиган жой биласиз, ҳамма ёқни пашша босиб кетади, гап эшитаман. Баъзан иситма билан, баъзан оғриқнинг зўридан ўзим йиғлаб, ўзимдан ўтганини ўзим билиб иш қилиб юрганимда Лобар қизингиз кўрган эди. Айниқса, ёзда одам кўп, эркаклар ҳожатхонаси ҳам бир нави-ку, аёлларники жуда ифлос бўлиб кетарди. Бу ерни тозалаб бўлиб, бассейн атрофларини тозалаб келгунимча яна қараб бўлмасди. Бир куни ҳижобли бир аёл бошқасини уришиб:

– Уйингизда ҳам шунчалар қилмасангиз керак, шу фаррош аёл меҳнатини оз бўлса-да, қадрласангиз бўларди, – деб дакки берган эди униси лўловозлик қилиб “Санларни директорга айтиб бераман”, – деди. Директорга шикоят қилганми мени чақиришганда:

– Майли, яхши ишламаётган бўлсам, мени бўшаштинг, ахир кучим етганча тозалаяпман, – десам раҳбаримиз “Майли, хафа бўлманг. Ҳар хил дам олувчи бор, улар билан гап талашмасангиз бўлди. Сизни қандай ишлашингизни биламиз, боринг, ишингизда давом этаверинг, – деган.

Унга ачиниш билан қарар эканман, қизим дам олишдан келгач анча ўйчан бўлиб қолгани, менга ҳам “Ойи, ишингиздан сира нолиманг, сизнинг ишингиз ҳам, маошингиз ҳам яхши экан”, деган сўзларини эсларканман, аёлга қарата:

– Бу ёғи сентябрь келяпти, салқин тушгач дам олувчилар ҳам камаяди, бунақа қийналиб юрманг, шифокорларга кўриниб соғлиғингизни қаратинг, – деб унинг қўлига баҳоли-қудрат бироз маблағ бердим. Бироқ, шунда ҳам кўнглим тинчимасди, яна қандай ёрдам бериш мумкин экан, дея ўйлайман. Хаёлларимни аёлнинг сўзи яна ҳар томон тортқилай бошлади.

– Қизимга доимо “Сени узатиб, тезроқ ўз эгангга топширсам эди”, дейман. Чунки охирги пайтда иккинчи буйрагим ҳам кўп оғрийдиган бўлган. Дори





ичиб турмасам, қон аралаш ёзиламан. Бу ёғига қанча умрим қолган, ўзим ҳам билмайман, – дейди кўзига ёш олиб. – Қизимни ёш узатишни ҳам хоҳламайман, чунки ўзимни ҳам 17 ёшимда узатиб юборишган, қанча орзуларим сароблигича қолиб кетган. На ўқишга кирдим, на бирор ҳунар этагини тутдим. Шу томондан ота-онамдан ҳар доим норози бўлганман. Нима бўлса ҳам қизини ўқитишга қурби етмасаям, ҳеч бўлмаса бирор ҳунарли бўлсин, кейин 20–21 га чиқса узатарман, дейман.

Турмуш... Унинг муштига чидасанггина турмуш бўлади, дер эдилар бувим раҳматли. Аёлга қарайман, буйраклари бетоблигини кўз ости салқиб халтача ҳосил бўлганидан сезиш қийин эмас. Эғнида эса ювилавериб унниқиб кетган, ҳозирда ҳеч ким эғнига илмайдиган одмигина кўйлак. Толиққаниданми ҳорғинлик шундайгина чеҳрасида акс этиб турибди. Озғин қўлларида бўртиб чиқиб турган томирлар, сувга тегавериб қуруб-қақшаб кетган, бироз қорайган тери ҳар қандай инсоннинг раҳмини келтириши аниқ. Аёл ҳам кўнглимдан кечаётган фикрларни сезгандек:

– Эрим шу пайтгача на менга, на қизига битта кийим олиб бермаган. Опа-синглимдан қолган кўйлакларни кийиб юрамиз. У ҳам майли унинг “Сендақа касалманд аёлни хотин қилгунча итни хотин қилсам бўлмасмиди”, – деган сўзлари жон-жонимдан ўтиб кетади. Ахир мен унинг остонасига келганимда соппа-соғ қиз эдим. Нима бўлсам шу уйда бўлди. Қайнона-қайнотам ўғли тараф бўлиб, “Сени деб ўғлим битта фарзанд билан ўтиб кетяпти, туғолмасанг ўғлимни бошқасига уйлантираман” дейишди. Аҳволимни кўрганлар “Бўлди, ишламанг” дейди. Ишламасам бўларканми, биров бир кун бир бурда нон берар, икки кун берар, тоқай беради”. Шу сўзларни айтгунча аёлнинг рангпар юзига неча бор кўз ёшлар думалади. Табиатимиз қизиқ, агар аёл уйидагилардан ё эридан нолиса борми, бўлди “Чида, сабр





қилсанг ғўрадан ҳалво битади” деймиз. Шу сабр туфайли қанчадан қанча асаб толалари емирилганини, аёлнинг қалб косасига томчи-томчи қуюлган захар тўлиб-тошгани, соғлиғига путур етгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ота-оналар ҳам қизи улар юзини шувит қилиб қайтиб келмаслигини ишташади. Узатишдан олдин яхшилаб суриштириш керак эди, дейсизми?! У ҳам кўпинча иш бермайди. Қўни-қўшнисини ким ҳам ёмонларди. Ҳаммасини бирга яшай бошлагач биласан, калми, кўрми. Фаррош аёл дил дардларини тинглаб менинг ҳам қалбим зардобга тўлди. Доимо ширакайф бўлиб, аёл кўнглига озор бериб келган, эркаклик масъулиятини ҳис этиб яхши уй-жой қилмай забардаст икки ўғлидан айирган, эвазига тақдир ҳукми билан аёли қўлига қарам бўлиб қолган нотаниш эркақдан нафратландим.

Аёл – гул. Гулнинг униб-ўсиши учун қуёш нури, сув, тоза ҳаво зарур бўлганидек аёлга ҳам яқинларининг меҳри, далдаси, қўллаб-қувватлаши шунчалар муҳим. Гулни парвариш қилмасак сўлийди, аёл ҳам ўзига бўлган эътиборни сезмас экан вақтидан олдин қарийди, юзларига ажин тушади, сарвдек қадди эгилади. Аёл кўнгли-чи... Уни бир оғиз ширин сўз билан кўтариш мумкин эмасмиди. Халқимизда “Сувга солсанг сув кўтармас мисқол темирни, олтин билан олиб бўлмас қолган кўнгилни”, – деган нақл бежиз айтилмаган.

Куйган аёл ҳасратларини эшитиб, муолажага ҳам кеч қолдим. Бироқ, аёл менга дилини очиб, бироз енгил бўлдим, мамнуният билан исмимни сўради. Мен эса унга: “Ёлғиз қизингизни дуо қилинг. Онанинг дуоси мустажоб бўлади, дейишади. Сизга ўғилдек қуёв буюриб, соғлиғингизни ҳам тиклаб, ҳали бир этак шириндан-шакар невараларнинг менга ўхшаган меҳрибон бувижониси бўлиб юриш насиб этсин. Ниятни яхши қилинг”, – деган сўзларимдан аёлнинг маъюс чехраси ёришиб, нурланиб кетди.

ҚУШ УЯСИ

Кеча дам олиш куни эди. Шу боис яна бирпас ухлай қолишсин, деб она болаларини барвақт уйғотмади. Ўзи эса нонушта ҳозирлаш учун ошхонага йўл олди. Кеча тунда ухлашидан олдин деразадан ташқарига қараганда ҳеч гап йўқ эди, тонгда кўзини очса ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланибди. Мавжуда опа шундай хаёллар билан фарзандлари ёқтирган таомларни пиширар экан, қорни кўриб айниқса, болалар хурсанд бўлишини ўйлаб, мийиғида кулиб қўйди. Бу орада бирин-кетин болалар уйғона бошлашди, айниқса, Бобур қорни кўриб “Ур-ре, қор ёғибди. Энди маза қилиб ўйнаймиз”, деб уйқучи укаси Собирга янгиликни айтиб, уни ҳам уйғотиб чиқди. Укаси иккаласи апил-тапил юз-қўлларини ювиб, нонушта қила бошлашди. Улар тезроқ бўлишсаю, кўчага отилишса. Қор бўруну яхмалак учиб, чанада бир-бирларини учуриб мазза қилишса. Эҳ, шундай қалин қор ёғишини улар қачондан бери орзиқиб кутишаётган эди. Аввалгиларию ерга тушмасдан эриб кетди. Аллақачон иссиқ кийимларини кийиб кўчага чиқишга тайёр бўлган Бобур укасини шоширди. Бўл, тез кийин, кўчага чиқамиз. Собир кийиниб чиққунга қадар, Бобурнинг юраги шошиб, дераза дарпардасини хиёл кўтариб ташқарига қараб, ғалати манзарага кўзи тушди. Онаси Мавжуда опа ҳозиргина дастурхон устидан сидириб олган нон ушоқларини бир тахтача устига ёйиб, ҳовлининг ўртасида жойлашган ҳовуз ёнига қўйди. Худди шуни кутиб тургандек совуқда “ку-ку”лашиб юрган мусичалар ва номини билмайдиган қандайдир қушлар тахтача ёнига келиб нон урвоқларини териб ея бошлашди. Бу орада укаси Собир ҳам келиб, деразадан қушларнинг овқатланишини мароқ билан томоша қилди. Совуқдан қўллари бироз қизарган Мавжуда опа пе-



шайвонга кириши билан кичкина Собир чучук тиллари билан эркаланиб:

– Ойижон, ойи, нимага қушлага овқат белдйиз, – деди.

Онаси фарзандини юзларидан ўпиб, бағрига босаркан “Болажоним, ахир улар ҳам оч-ку. Ҳамма нараса қорнинг тагида қолган бўлса. Эрталабдан уларни қорнини тўйғазсанг сенга “Раҳмат” айтишади, – деди.

– Сиз эшитдизми? Сизгаям “Яхмат” дейишди-ми?

– Ҳа, болажоним, эшитдим, – деб унинг юз-кўзларидан ўпиб, янада маҳкам бағрига босди. Собир эса ҳамон тинчлана олмай:

– Сиз ёлғончисиз, улар “яхмат” дейишомиди, улар дапиломиди, – деди. Онаси эса бунга жавобан кулиб:

– Йўқ, болажоним, улар гапира олмаса ҳам “чуғур-чуғур” қилиб ўзи тушунадиган тилда миннатдорчилигини билдиради. Қолаверса, бу савоб, – деди.

Катта-катта кўзларини ҳайрат билан онасига қадаб турган кичкина Собир эса югуриб бориб, хонтахта устидаги бир бўлак нонни олди-да, шиддат билан ҳовлига отилди. Бу орада қушлар онаси ташлаган нон урвоқларини аллақачон еб бўлишган эди. У ҳам ўша онаси қўйган тахтача устига нон урвоқларини ташлади ва қушлар ейишини завқ билан томоша қилди. Кўлидаги нон урвоқлари юқини қоқиб, қўлларини пальтоси чўнтагига тикар экан, у ҳам савоб иш қилганидан мамнун бўлиб, жилмайиб қўйди.





АЁЛ ЗОТИ

Ишга бориш барибир яхши-да. Таниш-билишлар даврасида уни-буни гаплашиб, юрагингдаги чигални ёзасан. Дунёда бўлаётган янгиликлардан хабар топасан.

Бугунги иш куни ҳам одатдагидек ўтаётган эди. Тушдан сўнг айни иш қизиган, ҳамма тезроқ ўзига бириктирилган вазифани уддалаб раҳбариятга топширсаму уйга кетсам, деб шошиб-шошиб ишларди. Шу вақт эшик очилиб, хонага қорачадан келган, истарали аёл кириб келди ва ҳамкасблардан бирининг исмини айтиб сўради:

– Доно бормилар?

Ҳамма овоз келган томонга қаради. Бу аёлни кўпчилик яхши танигани учунми бараварига:

– Вой, Сайера сизмисиз? Қаёқдан кун чиқди, бизани йўқлаб келаркансиз-у, 100 минг сўмлик пулдек кўринмай кетдингиз, – дейишди.

Сайёра деганлари таниқли хонанда. У авваллари радионинг мусиқий бўлимига тез-тез келиб тургани учунми, уч-тўрт йил кўринмай қолгани ҳаммага дарров сезилибди. Ҳол-аҳвол сўрашишлар тугагач, унга савол назари билан қадалган нигоҳлардаги маънони уқдими ё у ҳам бу даврани соғинганмиди, ҳар қалай у ҳаётида рўй берган сўнгги янгиликлардан сўзлай бошлади. Айтишича, ёш болалари бор экан, ўтган уч йил ичида иккита болали бўлишга улгурибди. Ҳа, энди эри бўлганидан кейин туғса туғибди-да, дейишингиз мумкин. Бироқ унинг турмуш ўртоғи Авазжон вафот этганига тўрт йил бўляпти. Буни ҳамма билади. Бу ёғи қизиқ бўлдию дарров турмушга чиқиб, яна иккита болали бўлишга ҳам улгурибдими, барча аёллар шундай савол назари билан қараганларини сезиб, бунга хонанданинг ўзи шундай изох берди:





– Аваз акани илоё оллоҳ раҳматига олган бўлсин, биласизлар, жуда яхши инсон эдилар. Улар вафот этганларида мен шундай карахт аҳволга тушдимки, ҳатто улардан кейин энди яшолмасам керак, деб ўйлардим. Лекин улардан қолган зурриёдларим учун ҳам ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилдим. Эҳ, бу нарса осон бўлмагани ёлғиз ўзимга ва Оллоҳга аён. Болаларимнинг меҳрибон отаси бизга уй-жой ҳам, машина ҳам олиб бергандилар. Шу сабаб ўлимларидан кейин ҳам бу тарафдан ҳеч қандай қийинчилик бўлмади, бироқ маънавий тарафдан... ҳар қадамда ўзим ҳам, болаларим ҳам қоқилардик. Бир куни шошилиб кран жўмрагини ўчиришни унутибман. Сув тошиб, бундан қўшним ҳам зарар кўриб, улар дарров судга беришга ҳам улгуришибди. Ўзимга тўғридан-тўғри айтишганда-ку улар кўрган зарарни қоплаб берардим. Балки, энди бу уйнинг эркаги йўқ, аёл киши шаллақилик қилиб зарарни тўламайди, деб ўйлашганми, билмадим. Хуллас, судга қатнаб, анча сарсон-саргардонликдан сўнг етказган зарарни тўлаб, қўшниларибдан зўрға қутулдим. Бева-нинг бошига мағзава тўкилиши осон экан. Уйдаги ўша бузилган жўмрак ва трубаларни алмаштириш учун уста чақирганимда эримнинг йўқлиги яққол сезилди. Аввало, мен бундай ишлар билан сира бошимни қотирмаганман, иккинчидан ўша пасткаш уста... эҳ, айтишга ҳам тилим бормади, қизларжон. Йўқ, иродаси кучли аёл бўлганим учун унга:

– Тур, ифлос, чиқ уйимдан, сен мени ким деб ўйлаяпсан, – дедиму кўчага ҳайдадим. Устани чиқариб юборгач, эшигимни ичидан қулфлаб, хўрлигим келиб роса йиғлабман, “Ҳатто шу сантехник мени ўзига лойиқ кўрдими?” деб. Шу куни болаларимни ухлатгач, эрим вафотидан сўнг менга уйланаман, деб юрган йигитга шартта телефон қилдиму бирор жойда учрашиб гаплашайлик, дедим. Билмадим,





унга телефонда ҳам кайфиятим ёмонлиги сезилганми, “Ҳозир-чи, ҳозир бўлмайдими” деди.

“Йўқ, ҳозир ҳеч кимни кўргим келмаяпти, эртага фалон жойда” дедиму трубкани қўйдим. Тонг отгунча йиғлайвериб ёстиқларим ҳўл бўлиб кетибди. Ойнага қарасам қовоқлари шишган, ранги заъфарон, сочлари паришон бир аёл сиймосини кўриб ўзим ҳам кўрқиб кетдим. Ичимда “Ўл, жинни шу ҳолатда у йигитга қандай қилиб кўринасан” дейману, лекин кечаги важоҳатим ҳали сўнмаган. Бироқ миямда ғужғон ўйлар тинмай, бошим ғувиллаб кетяпти. Ўзимга ўзим Сайёр тўғри қиялпсанми, яхшилаб ўйла, Аваз аканинг ўрнига ҳеч кимни қўёлмайсан-ку, бировни бахтсиз қилиб нима қиласан, дейди. Кўнглимдаги бошқа овоз эса “Бундан буён биттасининг этагини тутмасанг, бу кунинг ҳам ҳолва. Ахир сенинг касбинг ҳам нозик, тўйлардан созандалар қуршовида кеч қайтганингда одамлар нима дейди, яхшиси бу масалани иссиғида ҳал қил, дейди. Учрашув жойига боргунча қарама-қарши фикрлардан чарчаб кетдим. Аҳдлашилган манзилда турган йигит билан салом-аликдан сўнг тўғри мақсадга кўчдим.

– Сен менга уйланиш таклифи билан чиққандинг-а, бўлмаса сенга бир ҳафта муҳлат, тўй тадориғини кўравер, мен розиман, – дедим. Томдан тараша тушгандек айтилган бу сўздан йигит ҳам бир зум қарахт туриб қолди. Кейин ўзини ўнглаб:

– Сизнинг бу характерингиздан бундай кескин жавобни кутиш мумкин эди, фақат кечирасиз мен ҳам шошиб қолдим, – деди. – Шундай тураверамизми, юринг бирор жойда тамадди қилиб, тўй масаласини гаплашволамиз, – деди. Биз у билан шу яқин ўртадаги ресторанлардан бирига кириб, маслаҳатлашиб олдик. Тўй масаласи ҳам шу ресторан раҳбари билан ҳал этилди. Менга қачон, қаерда, қайси ресторанда бўлишининг фарқи йўқ эди. Шу сабаблими осонгина ҳал бўлди. Шунда йигит, мана Сай-





ёрахон, тўй куни ҳам, жойи ҳам аниқ бўлди фақат... деди-ю бир зум жим қолди. Бу сукутдан мен у норозими, деб ўйлаб:

– Ёшингиз мендан беш ёш катта, бу ёғи қандай бўларкан, – демоқчимисиз, десам ҳо-ҳолаб кулиб юборди-да: “Қизиқмисиз, бундай ўйласам уйланиш таклифини берармидим, қолаверса... биринчи турмушдан оғзи куйган одамман. Қатикни ҳам пуфлаб ичишга мажбурман. Қолаверса, севги ёш танламайди, фақат... тўйдан олдин эрингиз қабрини зиёрат қилсак, нима дейсиз, – деди.

Аваз ака қабрлари устида бу йигит шундай чиройли қироат билан дуо ўқиганида билдимки, у беш вақт намозни қолдирмай ўқийдиган, ҳар ҳафта жума намозини канда қилмайдиган инсон экан. Менга ёққани тўйдан олдин уйимизга келиб фарзандларим кўнглига йўл топишга ҳам улгурди. Болаларим уйимизга яна бир формали инсон келганидан ўзларида йўқ хурсанд эдилар.

– Вой, у одам ҳам ҳарбийми? – катта-катта кўзлари ҳайратдан янада катталашгандек сўрайди Дилфуза.

– Ҳа, тўқнашувимиз ҳам жиянимнинг бир иши юзасидан у киши ҳузурига илтимос билан борганимда бўлганди.

– Вой, раҳбар денг, – яна ажабланади бояги аёл.

Сайёра бу аёл гапигами ё бошқа нарсаданми миёнида кулиб:

– Илтимос, деяпману ўзим бўлса у одамдан баланд келиб, дўқ уриб гапирганман:

“Ҳамманг бир гўрсанлар, сенлар илтимосни тушунармадинглар, деб бақириб-чақириб чиқиб кетаётсам, у киши “Тўхтанг, синглим, сизнинг дадиллигингиз менга ёқди, илтимосингиз қабул қилинди, натижасини мана бу телефонга кўнғироқ қилиб биласиз” – деб айтганлар. Шу жияним иши ҳал бўлмагунча икки-уч бор телефонда гаплашишга тўғри





келган, охирги марта гаплашаётганларида “Рози бўлсангиз сизга уйланардим”, – деб айтган.

Аслида-ку яна ҳарбийга турмушга чиқишни хоҳламасдим. Чунки Аваз акам катта мансабга эришганларида, эҳ, эсласам юрагим орқага тортиб кетади. Шу мансабга беш-олтита номзод орасидан Аваз акани муносиб кўришганидан ким хурсанд, ким хафа бўлган билмайману уч кундан сўнг шу ла-возимни “ювиш” учун анҳор бўйидаги овқатланадиган жойга боришганини биламан. Шу куни уйимга кириб келган шум хабар ҳамон қулоқларим остида жаранглайверади “Чўмилишни билмас экан, сувдан чиқмади!”. Инсон бошига тўсатдан ўлим тушса ёмон бўларкан. Жинни одамга ўхшаб қолганман, нима қилаётганимни, бу воқеда кимни айблашни, бу қандай содир бўлганию энди Аваз ака бутунлай йўқликларига анча пайт кўниколмаганман. Бу кўргиликларга шу йигит айбдордай ҳамма аламимни унга сочганман. Ким билади, бу нарсa ёлғиз Оллоҳга аён. Балки ростдан ҳам улар яхши сузолмагандирлар, балки кимдир қасддан чўктиргандир, балки... Нима бўлганда ҳам ўша воқеаларни ҳозир қайта хотирлашни истамасдим.

Вазиятни юмшатиш учун Дилхумор гапга қўшилиб, “Бу турмуш ўртоғингиз яхшими, шошининч қарор қилиб, адашмадингизми?”, деди.

– Вой, қизларжон туф-туф, кўз тегмасин. Мақташга ҳам кўрқаман, чунки Аваз акани ҳаммага мақтай-вериб ўзимнинг кўзим тегди.

Сайёра айтганича бор, хонанда хотини иши бўйича у одам радиога ҳам неча бор келган, кўпчиликка яхшилик қилган, ҳамманинг хотирасида яхши инсон сифатида из қолдириб кетгани рост. Гулҳаёнинг эса неча йиллик орзуси шу инсон сабаб амалга ошган, десак муболаға бўлмайди. Унинг биринчи шеърий тўплами Аваз ака ҳомийлигида чоп этилганида унинг қувончига олам тор келганди. Афсус,





шундай яхши инсонларнинг умри қисқа бўлар экан. Энди суҳбатга шу Гулҳаё опа аралашиб:

– Сайёрахон, эслайсизми йўқми, бир куни кутубхона телефонидан турмуш ўртоғингиз билан гаплашгансиз. Ўшанда мен журнал ўқиб ўтириб, беихтиёр сизларнинг телефондаги суҳбатингизга жуда ҳавас қилганман. Сиз турмуш ўртоғингизга “Бегим” деб мурожаат қилгансиз.

– Тўғри, тўғри топдингиз, Аваз акани “бегим” деб чақирардим, деб туриб бизга қарата “Қизларжон, фақат тўғрисини айтинглар, семириб, хунук бўлиб кетибманми, дейди. Улар эса кўнгил учунми “Йўқ, бироз тўлишганингиз ўзингизга ярашибди” – дейди.

– Шим кийсам машинада юришга қулай, балки энди киймаганим маъқулми дейди у у ёқ-бу ёққа юриб ва қўшиб қўяди, озиш учун бир ҳафтада бир сауна ҳаммомга, икки марта волейболга боряпман, – дейди у. Бундан ажабланган Дилфуза:

– Вой ҳозиргина иккита ёш болам бор, деган ким, – дейди. – Улар билан шунча ишга қандай қилиб улгуриш мумкин ахир.

– Болаларимга қарайдиган энага бор, кўз тегмасин, бу турмуш ўртоғим ҳам мен учун ҳамма қулайликларни яратиб берган. Тагимда машина бўлгач, ишларим ҳам тез битади. Турмуш ўртоғим “Сайёр, ишдан бошқани билмайдиган мендек кўрс-қўпол одамни нима қилдинг” дейдилар. Тўғриси ҳам умр ўзи қисқа бўлса, ҳадеб ишлайверасизми, деб баъзи-баъзида тоғдаги дачамизга олиб чиқиб кетаман. Шунда улар “Сен ҳамма нарсага улгурасан, чунки сени кўнглинг чиройли”, деб мақтайдилар. Дам олиб келганларидан кейин ишларида ҳам унум бўлади-да. Эҳ, қизларжон, энди эримни ҳеч кимга мақтамайман, деяпману яна ичимда гап турмаслигимдан хислатларини айтиб қўйяпман, дейди-да кўзи Дилхуморга тушиб:





– Дилхумор опа, ўзингиздан гапиринг, сизда қандай янгиликлар?

– Эй, менда ҳаммаси ўша-ўша, яхши “кавалер”лар йўқ, ўтирибман онамга қараб.

– Йўқ, бор. Ўзингиз “чертиб-чертиб” танлаб ўтиргандирсиз-да. Ўша “ёмон”ини ҳам “яхши” қилиб олиш ўз кўлимизда. Бирини “ўпоқ”, бошқасини “сўпоқ” демасдан, таваккал қилиб биттасига тегиб кетаверинг. Бунақада фарзанд кўриш ёшидан ҳам ўтиб кетасиз.

– Тўғри айтяпсиз, ҳалиям совчилар келишяпти. Бироқ учрашувга чиқсам у мени ёқтирмаса ёки менга ёқмаса эшитган таниш-билишлар гап-сўз қилиб юборишмайдими?

– Гап-сўз... Одамларнинг гапи деб шундай йўл тутаетган бўлсангиз хато қияпсиз. Эртага ўша одамларингиз ёши 30 дан ошса ҳам ҳамон турмуш қурмаган “қари қиз” деб гап-сўз қилмайди, деб ким кафолат беради?! Ёшлик кўз очиб юмгунча ўтади, кексайган чоғингизда бошингиз ёстиққа тегмасину агар шундай бўлса ким бир култум сув тутаетди, шу ҳақда ўйладингизми? Бўлди, – деди у шахдамлик билан, бир ойдан кейин мен яна келаман. Агар ўшанда ҳам шу “пластинкани” айлантириб ўтирган бўлсангиз... у тиззасига шапатилаб уриб, мендан шундай калтак ейсиз, ҳафа бўлманг гапимга. “Дўст ачитиб, душман кулдириб” гапиради. Сиз ҳаммадан ҳам она бўлсангиз бўлди, дунёнинг бутун лаззати шунда, а, қизларжон, сизлар ҳам гапиринглар бу ўжар қизга. У шундай дея туриб, ёзув-чизувдан бош кўтармай суҳбатга кулоқ тутиб турган Гулҳаёга:

– Ҳа, Гулҳаё опа, сизга бир гапни айтиш эсимдан чиқибди. Сизнинг шеърингиз асосида айтган кўшиқларимни чет эллик мухлислар яхши кутиб олишди. Саҳнага қайта-қайта чиқиб ижро этдим. Яна ўшанга ўхшаган, одамлар юрагини титратиб юборадиган шеърлардан ёзиб беринг.





Гулҳаё опа унинг гапини маъқуллагандек бошини қимирлатиб қўйди. Сайёра анчадан бери келмагани учунми гапи кўпайиб кетибди. У бир янги қўшиғи сўзини бадий кенгашда қайсидир шоира, “Бу ибосиз сўзлар қўшиққа тўғри келмайди” деганию у бу сўзларни ҳаётдан олиб ёзганини, яъни иккинчи фарзандига ҳомиладорлигининг охирги ойларида дум-думалоқ бўлиб семириб кетганию турмуш ўртоғини ишга кузататуриб балкондан пастга қараса у кўчадан ўтиб кетаётган қизларга қараганини қўшиққа кўчирганини айта туриб, кўзи Кавсархонга тушиб “Мана бунақа гўзалларни кўрганда қайси эркакнинг тош юраги эримайди-я, дейишини билади у аёл ўз-ўзидан йиғлаб юборди. – Қўйинг, опажон, сизни биринчи кўришим. Сиз ишга янги келган бўлсангиз керак. Ҳақиқатан чиройли экансиз, чин кўнгилдан айтяпман, – деб уни бағрига босиб, сизни хафа қилган бўлсам кечиринг, – деди. Кавсархон:

– Йўқ, сизда айб йўқ... мен бу одамлар олдида ҳаммасини айтолмайман-ку... бошимдан кўп ишлар ўтган. Мен... мен... ўз дардларимни эслаб... у сўзини охирига етказолмай “пиқ-пиқ” йиғлай бошлади. Энди бидир-бидир қилаётган Сайёра ҳам жим бўлиб қолди. Ўртага ғалати сукунат чўкди. Бироздан сўнг Сайёра:

– Майли, бу ерда ҳаммамиз аёллармиз, нима бўлса ҳам айтинг, кўнглингиз ёзилади. Кечирасиз, сўраганинг айби йўқ, турмушга чиққанмисиз?

– Ҳа, Худога шукр, иккита ўғил бачаларим бор, – дейди аёл ўзини тутиб, ғурур билан.

– Бўпти-да, нега йиғлайсиз, болаларингиз бор, ўзингиз соппа-соғсиз. Ёки болаларингизнинг отаси билан муносабатингиз ёмонми?

– Анча бўлди муросамиз тўғри келмаган, ажрашганмиз.

– Кейин турмуш қилмадингизми?





– Турмуш қилдим, ҳозир у ҳам анча олисда... У ёқда ҳам оиласи бор-да.

– Келмай қўйганига олти ойдан ошдими?

– Ҳа, икки йилдан ҳам ошди, энди келмаса ҳам керак.

– Яна келса очикчасига гаплашиб олинг. Ёш бўлсангиз, болаларингизга ота керак. Айниқса, ўғил бола тарбиясида отанинг ўрни бошқача. Сал каттароқ бўлишса бир ўзингизга қийин.

– Йўқ, мен энди турмуш қурмайман. Бахтимга бачаларим соғ бўлишсин. У биров жим қолиб, яна сўзида давом этди. – Бийимдан хафа бўламан-да, ҳаётимнинг шундай бўлишига. Вақтида эрга бериб юбормайсизми, мен “йўқ” десам кўнглимга қараб ўтирмай дейман. Совчилар ёғилиб келганда ҳаммасини қайтарганман. Турмушга кеч чиққанман. Бу ёғи бундай бўлди. Шунинг учун у тўрт қизи бор ҳамкасбига юзланиб:

– Гулчеҳра опа, қизларим ёш, деб олиб ўтирманг. Совчилар ҳам бир келар экан, орасидан яхшисини топиб вақтида узатиб юборинг. Бора-бора совчиларнинг оёғи узилгач бировга “Қизимни ол”, дея олмас экансиз. Урф-одатларимиз бор бўлсин-а.

Ким билсин, унинг шу сўzlари замирида бу аёлнинг қанчадан-қанча ўкинчлари, армонлари яшириндир. Балки Сайёранинг бахтдан ёшариб, масрур бўлиб гапириши ҳозир унинг ҳавасини келтиргандир. Балки ичида “Шу чиройимга нега мен бундай бахтга лойиқ бўлмадим, нега ёримга севикли бўлолмадим”, дея ўйлаётгандир. Балки шу ўкинч уни йиғлатгандир. Нима бўлганда ҳам шу ерда ўтирган ҳар бир аёлнинг ичи сирли қудуқ. Уни тушуниш учун ўша аёл бошидан кечирган ҳолатларни дилдан ҳис қилиш кифоя. Ким билади, Сайёранинг ҳам қалбида армон бўлган орзулари бордир. У ҳам буни ҳамманинг олдида дастурхон қилиб ўтирмайди-ку.

Аёл зоти қизиқ. Уни бир қарашда тушуниш осон





эмас. Сайёра ҳам ҳамма гапини бир зумда тўкиб солди-да, соатига қараб бирдан шошиб қолди:

– Майли, қизларжон, турмуш ўртоғим ишдан келадиган вақтлари бўлиб қолибди. Мен кетдим. Яқинда туғилган кунимни нишонлаймиз, ҳаммайлани уйга таклиф этаман, ўшанда бафуржа суҳбатлашамиз, – дедию шошганча чиқиб кетди.

Сайёра чиқиб кетгач, унинг ортидан баҳор гуллариинг ифори янглиғ хушбўй атирнинг иси ва қиз-жувонларнинг кўнглида унга ҳавас, ўзларига, эртанги кунга ишонч туйғулари қолди.

Самарқандлик Кавсархон:

– Эй, бугунги кунга шунча ишлаганим етар, қаранглар-а, ўзига бир қараган, бир қараган... ҳеч ким бу аёлнинг тўртта бачаси бор, демайди-я. Бўлди, мен ҳам эртадан ўзимга қараб юраман, ўзи жуда ҳам “Сувга тушган бўлка нондек” бўлиб кетибманми-а, – дейди.

Дилхумор эса:

– Етар, шунча “кавалер” танлаганим. Энди уйга ким келса ҳам рад қилмай, сал кўнглим чопса розилик бериб юбораман, – дейди.

Ҳамкасбларимиздан яна бири:

– Инсон аслида Сайёрага ўхшаган бўлиши керак. Ҳамиша баҳор бўлган бу аёлнинг гапи мени ҳам ўйлантириб қўйди, – дейди. – Аслида мени севган турмуш ўртоғим, болаларим, яхши кўрган касбим бўла туриб баъзан мен ҳам етишмовчиликдан нолиб қўяман. У аёл нима деганини эшитдингларми, у айтдики, инсон боласи энг оғир дамда ҳам уйкуга ётишдан аввал:

– Оллоҳим, мен бир ожиз бандангман. Ўзингга таваккал қилдим, ишларимни ўзинг ўнгла. Дўст-душман олдида юзимни ерга қаратма, эртага чиройли бир кунни ато эт, деб илтижо қиламан, – деди.

Дарҳақиқат, ниятни яхши қилсак ва шунга яраша ҳаракатимиз бўлса эртанги кунимиз бугунгисидан





чиройли бўлиб бораверар экан. Биз, аёл зоти гоҳ ундан, гоҳ бундан нолиб ношукрлик қилмай Сайёра каби эзгуликни ўз қўлимиз билан яратишимиз мумкинлигини юрак-юракдан ҳис этдик. У ўзи билмаган ҳолда ҳамманинг қалбига баҳорий эпкин олиб киришга улгурган эди.





РАШК

Пишиқ ғиштдан қурилган иморат олдига ҳаво ранг “Жигули” келиб тўхтади. Ундан ўрта яшар, бароқ қош, баланд бўйли, барваста киши тушди. Қўлида машина калитини айлантириб ўйнаганча икки табақали жигарранг-қизғиш дарвоза ёнига келди. Эшикни итарди. Берк. Сержун қўлини қўнғироқ тугмасига обори. Бироз кутди. Ҳеч ким чиқмади. “Боласини ухлатаман, деб ўзи ҳам ухлаб қолгандир”, хаёлидан ўтказди у. Қўнғироқ тугмасини қайта босди. Ичкаридан ҳеч қандай садо бўлмагач пешонасига тушган бир-иккита соч толасини асабий силкитганча машинаси томон юрди. Енгил машина ортидан чанг тумани ҳосил қилиб, кафтдек текис йўлдан ўқдек учиб кетди. Ҳар куни бўзчининг мокисидай қатнайвериб ҳар бир қаричи таниш бўлиб қолган йўлдан кетар экан, миясини турли ўйлар кемира бошлади. “Қаёққа кетган бўлиши мумкин бу магазин. Ё бирон бир хуштори билан бирга кино-пинога кетганмикан? Ҳа, майли... Барибир келади-ку. Шошмай турсин”.

Йўллар қисқара-қисқара ниҳоят иш жойига етиб келди. Ҳамкасблари тушликдан энди қайтишган бўлса керак, бири қовурма лағмонни мақтаса, иккинчиси “қўл бола” ош еганини гапирарди.

Зиёдjohnнинг оғзи сув ачиб, кўнгли беҳуш бўла бошлади. Ўзига ўзи “Хотинимга-ку тушликка бирон бир овқат-повқат қилиб тур, келаман”, деб айтмагандим. Нимага ҳам бордим-а? Мана, энди кечгача оч ўтираман. Қандай қилиб яна овқатланиб келай, дейман. Нима бўлса ҳам чидаш керак. Зиёдjohn шундай ўйлар билан олишиб кунни аранг кеч қилди. Иш вақти тугаганда боши оғрир, кўз олди қоронғулашиб, тиниб кетаётгандек ўзини лоҳас сезарди. Шу аҳволда бир амаллаб уйга етиб олишни ўйлаб





турган эди дўстлари: “Зиёджон, биз билан юринг чойхонага, ош буюриб келганмиз, девзирадан. Бир мазза қилайлик”, – деб қолишди. Уларга бир важ топдию машинаси турган, ток сўриси том ҳосил қилган иккинжи гаражига (у шундай деярди) йўл олди. Машинасига ўтириб, газни шунчалар қаттиқ босганидан “ғийқиллаган” овоз чиқиб кетди.

Ошхонада уймалашиб юрган Маҳфуза машина сигналини эшитиб югуриб чиқди. Эшикни очишга шошилиб, қоқилиб йиқилишига бир баҳя қолди. Машина йўлакка киргач ундан қовоғи солиқ Зиёджон тушди. Дарвозани ёпаётган Маҳфузага ўдағайлаб

“Қоч, ўзим ёпаман”, деди.

– Ассалому алайкум, яхши келдингизми?

– ...

– Сал хомушроқ кўринасиз, тинчликми?

– Дард бўлди, бало бўлди, – деди Зиёджон баланд овозда.

Маҳфуза эрининг вазоҳатидан кўрқиб, бироз орқага тисарилди.

– Қаёққа бординг? Дугонангникига бордингми ё кино-пинога тушиб сайр қилиб юрибдиларми? – эрининг дабдурустдан кетма-кет берган саволларидан Маҳфуза эсанкираб қолди. Бироздан сўнг сал ўзига келиб “Нималар деяпсиз? Бугун фақат поликлиникага чиқдим. Сиз кетгандан бир чой қайнашли вақт ўтар-ўтмас Нилуйингизнинг иситмаси кўтарилиб, алахлай бошлади. Болангизнинг шамоллагани эсингиздан чиқдими? Ёки сизни ишда безовта қилмай деб ҳаммасини ўзим уддалаганимга раҳматингизми бу? Шифокор қабулида одам кўплигини кўрганингизда менга ўдағайламасдингиз.

– Бўлди, етар, – унинг гапини бўлди Зиёджон. – Бола баҳона дийдор ғанимат. Яна хушторларинг билан учрашгандирсан? Бугун Нилу касал бўлса, эртага Музаффар.

– Вой, нега ундай дейсиз? Ишонмайсизми? Ана, қаранг, кроватда қизингиз ухляпти. Ўзиям энди





уйкуга кетиб, овқатим ҳам кеч қолиб кетди. Боринг, пешонасига қўлингизни қўйиб кўринг, миясидан қон эмас, гўё ток ўтаётгандек алангаи оташ бўлиб ёняпти.

– Бола бўлгандан кейин йиғлайди, иситмаси чиқади, алахлайди...

– Бўлди, бўлди... Махфуза шундай деб бошини чангаллаб, эрининг сўнгги гапларини эшитмасликка ҳаракат қилиб ошхонага кириб кетди. Пана жойда хумори ёзилгунча йиғлади. Боласининг касали ўзи етарли эди, эрининг ноўрин рашки адойи тамом қилди. Бу биринчиси бўлса ҳам майли эди. Шуларни ўйларкан Махфуза қозон устида капгир айлантираркан, юзларини иссиқ кўз ёшлари ювди.

Жуда ғалати. Одам хафа бўлганида кўпинча ёдига хушнуд ўтган дамлари, болалик, ўсмирлик даври келади. Ҳали-ҳали ёдида. Махфуза 17дан 18 га чиққан нозиккина, жингалак сочларини иккита қилиб ўриб юрадиган хушбичим, икки ёноғи қип-қизил, нима кийса, ўзига ярашиб турадиган қизча эди. Орзулари йўлида изланиб, кўлидан китоб тушмай институтга кириш ҳаракатида юарди. Меҳнатлари самара бериб Тошкент Маданият институтининг кутубхоначилиги бўлимига ўқишга кирганидан жуда хурсанд эди. Ўқиш йиллари, курсдошлари... Ҳа-я, курсдошлари дейиши билан биринчи бор ундан бир зум кўз узмай, ортидан қолмай эргашиб юрадиган Маҳмуджон кўз ўнгида гавдаланади. Улар бир партада ўтиришар, имтиҳон пайтида бир-бирларига ёрдамлашар эдилар. Маҳмуджон Махфуза билан гаплашганда унинг кўзларига тик боқолмасди, баъзан сўзларини йўқотиб довдираб қоларди. Шу нўноқлиги сабабми қизга ҳеч қачон “Яхши кўраман” деб айтолмади. Бу орада Махфузанинг ота-онаси уйга келаётган совчилардан бирини маъқул кўриб узатиб юборишди. Махфузани унутолмаган Маҳмуджон қишли-қировли кунларда ҳам уйи атрофида айланиб юар, уни





бир кўриш илинжида оромини йўқотганди. Буни сезган Маҳфуза унга бир-икки дашном бергач, келмай кетди. Маҳфуза ўғли Музаффарга ҳомиладорлик пайтида курсдоши Юлдуз билан Маҳмуджоннинг тўйи бўлиб ўтди. Шу-шу яқин дугонаси уларнинг уйида нима йиғин бўлса эри билан келар, Маҳфуза ҳам Зиёддон билан уларникига борарди. Нима бўлдию шундай тадбирлардан бирида Маҳмуджон бир вақтлар хотинини яхши кўрганини ва ҳали ҳам севишини пайқаб қолди. Маҳфуза юзини ювиб тўшаётган ёш томчиларини нозик бармоқлари билан артаркан, чуқур хўрсиниб “Кейин-чи, кейин нима бўлди?” дея савол берди ўзига ўзи. Нима бўларди ҳаммаси тамом бўлди. Охирги курсда бўлишига қарамай Зиёддон уни ўқишга юбормай қўйди.

– Нима бўлди сенга, нега бормаяпсан ўқишга, – дейишди курсдошлари куйиниб.

– Ўзим, – деди секингина.

– Ўқиш чарчатиб қўйдими, қизим. Қийинчиликлар тугашига оз қолди-ку. Ё... оилангизда бирон муаммо борми? – меҳрибонлик билан сўрашди домлалари. Маҳфуза кўнглидан ўтаётган фикрларни домлалари сезиб қоладигандай шошиб:

– Йўқ, йўқ, ўзим хоҳламаяпман, ҳозир боламга қарашга одам йўқ. Кейинчалик ўқиб оларман, – деёлди, холос.

– Ундай бўлса, академ таътил олинг. Болангизни сал катта қилиб яна ўқишга қайтасиз, – дейишди. – Фақат тўрт йиллик ўқилишингиз бекор бўлмасин, ҳаракат қилинг.

У индамади. Нима ҳам десин “Эрим юбормаяпти” дейдими, йўқ айтолмайди. Оила барбод бўлади, фарзандлар тирик етим бўлиб қолади.

Йиллар сездирмай ўтаверар экан. Кунлар бир-бирининг этагидан тутиб учиб ўтмоқда. Маҳфуза фарзандлари билан овуниб, бўш қолса сеvimли адиблари китобини мутолаа қилиб овунади. Ўқиш ҳам





аро йўлда қолди, дугонаси Юлдуз билан кўча-кўйда учрашмаса оилавий борди-келди барҳам топганига ҳам анча бўлди. Маҳфуза юм-юм йиғларкан қалбидаги туйғулари кучли ҳайқириқ бўлиб отилди!

“О, рашк, сен қандай кўзга кўринмас балосанки ширин ҳаётимга заҳар соласан, бахтимни кемира-сан, қалб торларимни бир-бир чертасан. Дутор ипини таранг тортаверсанг у ҳам узилади-ку. Менинг қалб торларим темирдан эмаски, ҳар қанча тортса бўладиган. Қани энди буни у тушуна қолса. Тушунармикан...





ҚИСМАТ ЧАРХПАЛАГИ

Аёл кишининг ёнида суянчиғи бўлмаса қийин. Ҳар қадамда қоқилади. Садоқатнинг эри Ҳикматжон эса олти ойдан бери қорасини кўрсатмайди. “Россияга пул ишлагани кетяпман”, деган одам оила-сига на моддий, на маънавий ёрдам кўрсатади, на ўлик-тириги хабарини беради. Икки боланинг эса кундан кунга харажати ошиб бормоқда. Шуларни ўйлаганда Садоқат дунёларга сиғмай кетади. Лекин икки норасиданинг меҳри унга куч бериб яна қаддини тиклайди. Ҳар куни шу ҳолат такрорланаверади. Болалар ухлагач тизгинсиз хаёллар уни ҳар томон тортқилайди. Қани энди кўзига уйқу илина қолса. Тун алламаҳал бўлгач чарчоқ элтиб ухлаб қолмаса, эртанги кун ташвишлари, залворли юки уни тобора эзаверади. “Дод” дегиси келадию эл-юртдан номус қилади.

Тонг отди... яна ширин ташвишлар бошланди. Болаларни мактабга олиб бориш, ундан сўнг ўзи ишга бориши, кечки овқат учун нималарнидир ҳозирлаб кетиш... Хуллас, иш тугамайди. Шунча ҳаракатига ойлик маоши тузукроқ бўлса ҳам майли эди. У ойдан бу ойга учма-уч етказади. Харажатлар кўпайиб кетса девор-дармиён қўшнидан қарз кўтаради. Яхшиямки дунёда яхши инсонлар кўп. Қўшниси Анваржон ҳам томорқа ишларида кўмаклашиб туради. Ҳадеб қарз сўрашга Садоқатнинг юзи чидамайди. Анваржон бўлса, “Хижолат бўлманг, болалар учун сўраяпсиз-ку” дейди.

Мана, яна кеч кирди. Бирин-кетин чироқлар ўчиб, тун осудалиги бошланди. Ёз тунлари ажойиб-да, бир ёнда чигирткалар чириллаши, бир ёнда “виз-виз” қилиб учган чивин... Садоқат болаларини шу жонзотлардан асраш учун пашшахона тикиб қўйган. Ҳар кеч ёяди, тонгда эринмасдан йиғиштиради.





У бир кучоқ бўлиб ширингина ухлаб ётган болаларига бироз разм солиб ўтирди-да, кеча якунлай олмагани Саид Аҳмаднинг “Уфқ” асарини яна қўлига олди. Кўзи китобдаю негадир юраги бежо уради. Шу бемаҳалда деразанинг тақиллаши унинг хавотири-ни баттар оширди. У китоб орасига бир парча қоғоз қўйиб, бекитди-да аста дераза дарпардасини кўтарди. Ой шуъласи кўчани ёритиб турган бўлса-да, ҳеч ким кўринмади. Хаёлидан “Бунақа бемаҳалда ким бўлиши мумкин” деган фикр ўтди- бироз хавотир аралаш:

– Ким, кимди, – дея деразанинг бир табақасини очди. “Дераза ичидан панжара бор-ку хавотирланмасам бўлади”, деб ўйлади. Ташқаридан:

– Ким бўларди, мен эрингман, ё ўйнашингни кутвотудингми, оч тезроқ, – деган эркак кишининг дўриллаган овози эшитилди.

Аёлнинг бадани сесканиб кетди. Бу ўша, уни бир умр ерга уриб, паст назар билан қараб келган эри. У кутмагани учунми бирдан саросимага тушиб, оёғига нима илинса кийиб, тез эшик ёнига борди-да:

– Ҳозир, очяпман, – деб эшик зулфини туширди. Ташқаридан юзига урилган майин шаббода эпкини унга хуш ёқди. Бироқ, соч-соқоли ўсиб кетган, эгни ҳам бир аҳволда исқирт эркакнинг бироз гандираклаб кириб келиши уни сергак торттирди. Унинг ортидан эргашаркан “Ичишини ташламабди-да, одам бўлмайди бу”, деб қўйди секин пичирлаб. Ва секингина “Ассалому алайкум, адаси, бормисиз бу оламда, нега дарагингиз йўқ”, дейишини билади эри тўнғиллаб “Келмасимдан диёдиё бошлама”, деб узил-кесил сўзини кесди. – Болалар қани?

Уйга киришлари билан “Болаларни соғинган, ҳозир эрталабгача уларга термулиб чиқса керак”, деб ўйлади аёл. Йўқ, қаёқда, қорин ташвишини қилиб “Овқатинг бўлса олиб кел, итдек очман. Эрталабдан бери туз тотганим йўқ”, – дея болалар томонга бир



назар ташлаб, минғирлаганча “Ухлашяптим, аттанг яна кўролмасдан кетарканман”, деб қўйди. Садоқат бир тақсимчадаги хонимни дастурхон устига қўйarkan:

– Адаси, бўлди қайтинг, узоқ юртларда шунча юрганингиз етар. Катта қизингизнинг анча ақли кириб “Ойи, синфимиздаги ҳамма болаларнинг отаси бор, бизани отамиз қанилар? – деб сўраб ҳоли-жонимга қўймапти.

– Отаси қаерда бўларди. Санлани ташвишингда юрибди. Ҳозирги пайтда пул топиш осон эканми? Шунини тушунтирсанг ўласанми? – деди жеркиб.

– Биламан, шуларни деб юрган бўлсангиз нега пул жўнатмайсиз, ё қаердалигингиз хабарини бериб қўймайсиз.

– Ўчир, мана кўриб турибсан ўлганим йўқ, соп-па-соғман ё эрсираб қолдингми...

Эрининг шу сўзидан кейин аёлнинг уни чиқмай қолди. У чой олиб келиш баҳонасида ошхонага йўл оларкан, юзига томган бир томчи ёшни халати енг билан сидираркан “Ўша-ўша тўнкалигингча қолибсан”, деб минғирлаб қўйди. Йўлда турган челақни қоронғида кўрмай қолдим, ҳартугул қоқилиб тушди. Челақнинг даранг-дурунгидан болалар ҳам уйғониб кетгандир, дея ўйлади.

Аёл чой қайнашини бироз кутиб, кўлида дамланган чой билан кириб келганда болалар аллақачон уйғонишган экан. Ё челақ овозидан уйғонишган, ё ота-онасининг кўрс-қўпол суҳбатидан. Ҳарқалай отаси ёнига, дастурхон атрофига ғужғон бўлиб жойлашиб олишган экан. Ҳали уйқу карахтлиги борлигиданми, кўзларини ишқаб-ишқаб ўтирган Нафисанинг отаси пинжига тобора кириб бориши, ҳатто унинг кир-чир кийимю оғзидан анқиб турган ароқ ҳидидан ҳам ҳазар қилмаётгани у отасини қаттиқ соғинганидан далолат берарди. Кичик ўғли Абдор эса негадир отасидан ётсирабми сал нарида ўтирар-





ди. Аҳён-аҳёнда отасига ўғринча тикилиб, онасига “Шуми менинг отам” дегандек маъноли қараб қўярди. Бу орада бир тақсимчадаги хонимни еб, бир чойнак чойни ичган Ҳикмат:

– Бўлди ётинглар, эрталаб вақтли кетишим керак. Поездга билетим бор, – деди. Болалар бирин-сирин ётоқхонага кириб кетишди. Эр-хотин ёлғиз қолишгач, орага ғалати сукунат чўкди. Анчадан бери бир-бирларини кўрмаганлари учунми ёки орадаги масофагина эмас, қалбларда ҳам қандайдир бўшлиқ пайдо бўлганми, ҳар ҳолда гаплари ҳам узук-юлук бўлиб қовушмасди. Садоқат авваллари эри ичиб келса, ҳеч нарса демай олдиға овқатини қўйиб эри тезроқ уйқуга кетишини пойларди. Нима гапи бўлса эртаси куни айтарди. Ҳозир эса вазият бошқача, айтмаса бўлмайди. У бироз ўйланиб турди-да:

– Эртага кетаман деяпсиз, намунча шошилишч. Бундоқ болалар дийдорига тўйиб бир-икки ҳафта туриб кейин борардингиз? Моҳира қизингизнинг соғлиғи ёмон, пулим йўқлигидан даволатишга ҳам олиб боролмаяпман. Оз топасизми, кўп топасизми шу ерда ҳам насибага ярашаси топиларди.

– Бу ерда тузукроқ иш бор эканми? Бу ёғи олий маълумотим ҳам йўқ. Мендақаларни ким ҳам ишга оларди, ўйлаб гапиряпсанми?

Садоқат эри билан гаплашиб дастурхонни йиғиштира бошлади. Шу уйга эрига жой солди. Эри эса қаттиқ чарчабман дедию, ёстикқа бош қўйганига беш дақиқа бўлмай хуррак овозлари эшитилди. “Товба” шунча вақтдан бери кўришмаймиз, соғинмабдилар-а. Ё... ўшатдан бошқасини топганмиканлар. Миясига келган фикрдан ўзи ҳам кўрқиб кетди. Йўғ-е бунчаликка бормас. Мен ҳам майли, норасидаларни кўзи қиймаса керак. Турли ўй-хаёллар таъсирида аёл туни билан мижжа қоқмади. Тонг сахарда эса яна эрини гапи эсига тушиб туриб кетди. “Поездга улгуришим керак, вақтли уйғот” деб айтганди. Нонуштани ҳозирлаб турмуш ўртоғини уйғотди.





Ҳикматжон шошиб-пишиб чой ичди-да, стол устига маълум бир миқдордаги пулни қўйиб “Эҳтиёт қилиб ишлатарсан, ҳозирча бори шу” деди-да хотини билан хайрлашиб чиқиб кетди. Садоқат ҳам, эндигина уйқудан турган болалар ҳам отасини тушларида кўргандек бўлишди-қолишди. Аёл болалари билан нонушта қилиб, ишга кетишга тайёргарлик кўра бошлади.

Автобус бекатида одам жуда кўп экан. Ҳар куни шу ҳолат такрорланади. Қўшни аёллар эрининг машинасидаги олди ўриндиқда савлат билан ўтириб болаларини боғчага, мактабга ташлаб, ўзлари ҳам иш жойигача қийналмай етиб олишади. Садоқат эса судралиб, бир қўлида ўғлининг папкаси, бир қўлида бозор қилиш учун олган сумкаси билан автобусни узоқ пойлаб, тиқилинчда зўрға иш жойига кечикиб етиб боради. Бошқа раҳбар бўлгандаю аллақачон паттасини қўлига берган бўларди, тағин ҳам жуда инсофли, диёнатли одам Рустам ака. – Майли, майли, деб кўнглига қарайди. Бугун ҳар кунгидан кечроқ ишга кириб борган Садоқат тушлик маҳали ҳам ишламоқчи бўлди. Жойидан кўзғалмай ўтирган аёлга ҳамкасабалари ҳазил қилиб:

– Поччам келиб-а, бу дейман ёш-келин куёвлик давилани бир эсга олий дебсизлар-да. Тонггача уйқу бўлмади денг... Қорниз ҳам очмаяпти, нечук, ҳаммадан биринчи чой дамлаб чақирардизу келинпошша, ё поччамнинг ёғлиққина қази-қарталарини еб, тўйган кўзидек ўтирибсизми?

Аёлларнинг бири олиб, бири қўйиб ҳазил қилиб кулишлари ҳам Садоқатга татимасди. У ҳамкасабаларининг гапига мийиғида кулиб қўя қолди-да, уларга жавоб қайтаришга ўзида хоҳиш сезмади. Ичида эса “Биров ўламан деса, биров куламан” дейди-я, – деган хаёл “лип” этиб ўтди.

Садоқатнинг эрини кўрганлар бирпасда овоза қилиб юборишди. Буни эшитган Анваржон ҳам улардан хабар олгани чиқиб:





– Соғ-омон эканларми? Хафа бўлмангу жуда бетайин инсон экан эрингиз. Кеча келган одам дарров бугун кетадими, яшаб яшамайди, ажрашиб ажрашмайди. Шу ҳам ҳаётми? Сиз ҳам бу ёруғ дунёга икки марта эмас, бир мартагина келасиз. Ҳалиям бўлса таклифимни ўйлаб кўринг. Қачонгача пайсалга соласиз, қачонгача минг бир азобни бўйнингизга оласиз? Ахир ёшсиз, чиройлисиз. Эй... у шундай деб қўл силтаганча кетди. Садоқатнинг хаёлидан эса эри билан яшаётган пайтлари, Ҳикматжон ичиб келиб уни урганларию ажратгани Анваржон чиққанлари бир-бир кино лентасидек кўз олдидан ўтди. Тўғри девор-дармиён қўшниси аввалига нажоткор бўлиб уни эридан қутқариб келган бўлса, кейинчалик у узоққа ишлагани кетиб, уй юмушларида қарашиш унга қолганида уйланиш таклифи билан чиқди. Бироқ, Садоқат ўзидан 4 ёш кичик йигитнинг бундай таклиф билан чиқишига ундаги раҳмдиллик сабаб, деб ўйлади. Қолаверса, ёш йигитнинг унга бошқача қарашини ўткинчи туйғу, деб баҳолади. Уни ўз укасидек кўриб, “Ҳали сизга аталганининг қаймоғи бузилмаган. Ўзингизга мос қизни учратасиз ҳали”, – деди. Йигитнинг онаси ҳам шундай фикрда бўлгани учун ўғлини қўшни маҳаллалик ҳунарманд оилада яшовчи гўзал бир қизга уйлантирди. Анваржон уйлангач, энди қулоғим тинчийди, деб Садоқат хато қилган экан. У ё томорқадаги ишни баҳона қилиб, ё болаларни соғиндим, деб уйига кириб келар ва ҳар сафар “Таклифимни ўйлаб кўринг, мен уйланган бўлсам-да, кўнглим сизда. Эрингизга ҳайронман, қандай қилиб сиздек аёлни ёлғиз ташлаб кетиш мумкин”, дегани деган эди. Бироқ Садоқат оқила, уйим-жойим дейдиган аёллар тоифасидан бўлгани учун унинг бу гапларини жиддий олмасди. Шунинг учун у бир куни Анваржоннинг онаси Меҳри опоқини бўлаётган ишлардан хабардор этиб “Эшитган қулоққа яхши эмас. Опоқижон, ўғлингизга яхшилаб





насиҳат қилиб қўйинг, ҳадеб бизникига киравермасин. Бошим очик бўлмаса-да, ҳозирча эрим ёнимда эмас. Ҳар-хил гап сўзлар урчиб кетмасин. Мен айтганимни билдирмасдан ўзингиз ақлли аёлсиз бир йўлини топарсиз”, – деди. Меҳри опоқи ҳам ўйлай-ўйлай “Сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган” қилиб Анваржонни бўлак қилиб дадаси ҳаётлик вақтида олинган икки хонали уйга чиқарди. Бироқ масала бу билан ҳам ҳал бўлиб қолмади. Анваржон ҳар сафар онасини кўриш баҳонасида яна Садоқатларникига тез-тез кирадиган, улар ҳолидан хабар оладиган бўлди. Унинг аллақайси ерда паррандачилик фабрикаси борлигидан хабари бор эди. Даромади яхшими ҳар сафар келганида “Қийналиб қолмаяпсизми, мана бунини жиянларимнинг майда-чуйдасига ишлатарсиз”, деб ташлаб кетарди. Садоқат эса шу пулга муҳтож бўлмаса-да, ундан пул олиб қарзга ботишни истамагани учун “Йўқ, керакмас, олиб кетинг пулингизни. Болларнинг дадаси ҳар ой пул жўнатиб турибдилар”, – деб ёлғон гапиришга мажбур бўларди. Шундай дейишига қарамай қўшни йигит марҳаматини дариғ тутмасди. Ким билсин, қўли очик инсоннинг, йўли ҳам очик, дейишгани ростми, Анваржоннинг иши юришгандан юришарди. Шунинг учун у тез орада икки хонали уйини сотиб, уларга яқин жойдан 4 хонали уй сотиб олди. Топиш-тутиши яхши бўлгани билан Анваржонни фарзандсизлик эзарди. Мана, хотинига уйланганига ҳам 3 йил бўлиб қолди, фарзанддан эса дарак йўқ. Уйи ҳам жим-жит, файзсиз. Бу сахий йигит ҳаммага беғараз ёрдам қиларкан: “Дуо қилинг, яхши, солиҳ фарзандлар берсин” деб такрорлашдан чарчамасди. «Бир кам дунё», деб шунга айтсалар керак-да.

Вақт – олий ҳакам. Орадан шунча вақт ўтиб бутун оила интизорлик билан кутаётган Ҳикматжоннинг кечкурун келиб, эрталаб кетиши Садоқатнинг барча орзу-умидларини сўндирди. “Эртага эрим келса





ҳаётимиз изга тушиб кетади”, деган ширин ўйлар ҳам барҳам топгандек аёлнинг қалби бўм-бўш бўлиб қолди. У доимо эрига инсоф тилар, ёшликдаги аҳмоқликларини унутишга ҳаракат қилар, ичкиликни ташлар, деб ният қиларди. Йўқ, қаёқда дейсиз, балки шу топганига ичгани учун ҳам оилага ҳеч қандай маблағни орттириб жўнатолмас, балки... ким билсин у ерда бирорта рус аёлига уйланиб ҳам олгандир. Бўлмаса шу ҳам умид билан мен билан бир ёстиққа бош қўйган-ку деб икки оғиз ширин сўз айтмасмиди?! Йўқ, бўлди бундай бебурд одамни ортиқ кутмайди. У шундай ўйлар исканжасида қолгани учун ҳам боши лўқиллаб оғрир, ичган дориси ҳам кор қилмаётгандек эди. Шу сабабли эртаси куни шифокор қабулига борди. Паст бўйли, кулча юзли, тўлишиб кетганидан бўғирсоқни эслатадиган шифокор ундаги бу ҳолат сабабларини суриштиргач: “Биласизми, табиатда ҳамма нарса ўз жуфти билан яратилган. Сиз ўзингиздан ўтганини ҳеч кимга сездирмаганингиз билан соғлиғингиз маълум қилмоқда. Бировлар нима дейди, деган истиҳолани йиғиштириб турмуш қуринг”, – деди.

У ҳам аёл, унинг ҳам бахтли бўлишга ҳаққи бор. Фарзандлари ҳам эмин-эркин, отасига суяниб, ҳеч нарсадан камлик кўрмай, болалик қувончларини татишса ёмонми?! Садоқат охирги пайтда болалар қорнини тўйғазса, эгнига ҳеч нарса олиб беролмаяпти. Ўзининг кийимлари ҳам аллақачон урфдан қолган. Нима қилса экан, Анваржоннинг таклифини қабул қилсинми? Ўзи шундоқ ҳам эшикдан ҳайдаса, тешиқдан “Ассалому алайкум, яхши ўтирибсизларми”, деб кириб келаверади. Кичик ўғли ҳам унга жуда ўрганиб қолибди бир кун кўринмаса, “Анвар акам келмадиларми? деб сўрайдиган бўлибди. Эндиги сафар яна уйланиш таклифини берса рози бўлади. Мана эри келиб-кетганига ҳам ҳаш-паш дегунча тўрт ойдан ошибди. Бу орада на хат-хабар, на





моддий ёрдам... йўқ, йўқ, ҳеч бўлмаса сим қоқиб ҳолаҳвол сўрагани йўқ.

Кичик зиёфат бўлиб, Садоқат Анваржонга турмушга чиқди. У оиласини ҳам ташлаб қўймайдиган бўлди. Анваржон келиб уйларига ўзгача файз киргандек бўлди. Ҳар доим бўм-бўш бўлиб турадиган музлатгичнинг ичи егулик билан тўлди. Болалар ҳам ўзида йўқ хурсанд. Фақат Садоқатнинг ичига чироқ ёқса ёришмайди. Эри келиб қолса, нима дейишини билади, лекин унга шундай қисматни раво кўргани учун уни дил-дилидан кечиролмасди. Агар эри бир кетганча дом-дараксиз бўлиб кетмаганида шу йўлни тутармиди?! Ҳеч қачон бундай қилмасди. Анваржон 3-4 кун қолиб кетса ҳам виждони қийналиб, уни кундошиникига боришга ундайверади. Ахир тўғриси ҳам, кимдир унинг топармон-тутармон эрига тегиб олса нима қиларди. У бир кун келиб кимнингдир бахтига чанг солишини хаёлининг кўчасига ҳам келтирмаганди. Садоқат ўзининг атрофида “болалаётган” ғийбат гапларга ҳам, аянчли тақдирнинг ўйинларига ҳам чидайди. Фақат болаларининг тўкис бахтга эга бўлмаслигига, айниқса, ёлғиз қизининг қисмати ўзиникига ўхшашига сира бардош беролмайди. Аёл қисматидаги бундай кемтикликни ҳеч кимга, ҳатто душманига ҳам раво кўрмайди. Ҳаёт чархпалак каби айланар экан, унинг косаси фақат тиниқ сув билан тўла бўлсин! Бу чархпалак ҳеч қачон тўхтаб қолмасин.





ТУҲМАТ

Кутубхонада газета-журналларнинг янги сонлари билан танишиб ўтирган эди, телефон қўнғироғи диққатини бўлди. Кутубхоначи қизнинг:

– Шаҳзода опа, сизни телефонга, – деган овозидан сергак тортиб, шу томонга қараб кела бошлади. Ўзи-ям газетадаги воқеалар ичига кириб кетган эканми, қандайдир қарахт ҳолатда гўшакни қулоғига тутди. Алло, дейишни билади қарши томондан бир эркакнинг қандайдир бўғиқ товушда:

– Бизга сизни тижорат эшиттириши тайёрлайди, деб айтишди. Мен Сирдарёдан келган эдим. Укам қўшиқчи, анчадан бери қўшиқ айтади. Лекин телевидениеда ҳам, радиода ҳам чиқмаган. Агар сиз билан келишсак... – дегани эшитилди.

– Кечирасиз, ука, ким айтган бўлса ҳам сизга нотўғри маълумот етказишибди. Мен тижорат эшиттириши тайёрламайман. Укангизнинг овози яхши бўлса келсин, қўшиқларини бир эшитиб кўрайлик. Қўшиғи яхши бўлса бадий кенгаш аниқлаб беради, – деди.

– Мен шу ердан. Ташқарига чиқинг. Бу телефонда гаплашиладиган гап эмас, – деди у.

Мен узоқ жойдан келишибди, кутиб қолмасин, деб ўқиётган газета-журналларини жойига қўйиб кириш йўлагига борди. Қўлидаги рухсатномани ғижим қилмай, деб аввал атрофга назар ташлади. Телефон қилган одамнинг исмини ҳам сўраб олмаганим учун, “Ким Сирдарёдан, ким менга ҳозир қўнғироқ қилган”, деб сўради. Ҳеч ким индамади. Бу ёғи қизиқ бўлдию нима бу майнавозчилик. Иш жойга қайтди, ёзув машинкасига қоғоз қўйиб энди иш бошлай деб турган эди, ҳамкасабаларидан бири:

– Сизни Бош муҳаррир чақиряпти, тез борар экансиз, – деди. У эшикнинг тепа қисмига “Бош муҳар-





рир” деб ёзиб қўйилган хона эшигини тақиллатди. Ичкаридан “Киринг” деган овоз келди. Хонанинг тўрида қўлидаги ручкани гоҳ у қўлига, гоҳ бу қўлига асабий олаётган бурни картошкадек катта бўлгани ва юзининг келбати кенг бўлгани учун ҳамма унга “Булдок” деб лақаб қўйган аёл уни сохта кулги билан қарши олди. “Ўзи ишим кўпу лекин бу масалани кечиктириб бўлмаганидан, сизга ачинганимдан чақиртирдим. Ўтиринг, - у шундай деб рўпарасидаги стулга ишора қилди. – Бу нимаси-а, ахир яқинда қиз узатадиган бўлиб турибсиз. Эшитган кулоққа яхшими шу, яна қудаларингиз шунақалигингизни билиб қолишса, қамалиб-нетиб қолсангиз, кимга жабр. Майли, иссиғида аризангизни ёзиб, бўшаб кетинг.

– Ҳадича опа, кечирасизу томдан тараша тушгандек ўзингиздан ўзингиз нима деяпсиз. Сал бундоқ тушунтириброқ гапиринг. Кимга, нима қилибманки қамалиб кетаман.

– Вой, нимани тушунтираман-а сизга. Вақт ўтмасин. Бу гап катта раҳбарларнинг кулоғига етса борми... Энди мен ҳам аёл киши бўлганим учун сизга яхши бўлсин, дейман-да. Бўшанг! – у охири гапини буйруқ оҳангида гапирганида асл қиёфасига қайтгандек бўлди.

Шаҳзода қўлида ручка ушлаб турган раҳбарининг кўзига тикилди. Ўзи чаласавод бўлса-да, таниш-билиш қилиб раҳбар бўлиб қолган бу “қари тулки” яна нима найранг ўйлаб топди экан-а. Яқиндагина ўзи мухлислар қўнғироқ қилиб сизни эшиттириш олиб боришингизни ёмонлашибди, деб бор-йўғи иккита эшиттиришидан биттасини олиб ташлаган эди, – дея қўнглидан ўтказди.

– Сирдарёлик хонандадан қанча пул талаб қилдингиз. Уни ҳозиргина алдаб-сулдаб чиқариб юбордим. Судга бориб ариза бериб юрманг, редакцияда ўзимиз кўриб чиқамиз, – дедим. Фарзандлари бор,





тўй қияпти, унга ўзимиз чора кўрамиз, дедим. Энди тушунгандирсиз. Сизни порахўр, деса ўзим ҳам бошида ишонмадиму лекин одамнинг оласи ичида, пана-панада ҳеч кимга билдирмай олса олгандир-да, – дедим.

Эндиги тухмат Шаҳзодани бутунлай эсанкиратиб қўйди. Йўқ, аслида у шу раҳбардан ҳам узоқроқ вақтдан бери, аниқроғи 25 йилдан бери шу даргоҳда ишлаб, ҳеч қачон бундай ноқулай аҳволда қолмаган эди. Шунинг учунми томоғига нимадир тикилиб келдию анчагача сўзлашга имкон бермади. Ички овоз эса:

– Ўзингни қўлга ол. Иродасизлик қилма. Келиб-келиб шу “Бир қайнови, довдир”нинг гапига хафа бўласанми? – дерди. Агар у яхши инсон бўлганида ўттиз йиллик қадрдон дугонасини қаллоблар қўлига топшириб, ўзи ўртада пул ишлаб, уни уйсиз қолдирармиди?!

– Ёзасизми аризани ёки ўзим “аптаматичиски” бўшатиб юбораверайми?

– Бу қиёфа энди ўзиники, – ўйлади Шаҳзода. – Бу “хамелеон” қаерда, қандай турланишни билади.

– Бўшатиш осон бўлса, жавобгарлигидан қўрқмасангиз майли. Лекин, ҳалиги ном, порахўрни айтаман, жуда оғир. Унинг юкини кўтариш қийин. Бироқ, сиз айтган ҳалиги “Пул олди” деган гапингиз исбот талаб қилади. Ўша сирдарёлигингиз менга яқинда телефон қилгани рост. Лекин уларни кўрмаганман, десам ишонасизми? Мен юзлаштиришингизни талаб қиламан. Қачон, кимдан, нима олганимни, қанча олганимни айтишсин. Мени эгнимдаги кийимимнинг оғирлигидан бошқа юким йўқ, бўлмаган ҳам. Қатор-қатор мақтов ёрлиғини ҳам шу йиллар давомида бекорга беришмаган. Бир инсонни бадном қилиш шунчалик осон эканми?!

Нафрат ва ғазаб аралаш анча кескин руҳда айтилган бу гаплар “Бош муҳаррир”га яна “тўнини ўзгар-





тириш” зарурлигини уқтирди шекилли, ҳар ҳолда у бироз юмшаб:

– Ўзи қаламингиз яхши бўлса. Мен ҳам шундоқ муҳаррирнинг кетишини хоҳлармидим. Қаранг-а, энди сизни очик мулоқотга қўяман, деганимда муҳлисларнинг қўнғироғи бўлиб қолди. Эшиттириш бўлимига раҳбар қиламан, деганимда бу чиқиб турибди. Хафа бўлмангу ўзи ҳаётда сал “небезучий” одам экансиз. Бўлмаса, шунча йил ишлаб қўйган одам аллақачон раҳбар бўлишингиз керак эди. Тепада танишларингиз йўқми, бундоқ қўнғироқ қилиб сизни юқори лавозимларга кўтаришса. Ахир қўша-қўша китобларингиз чиққан, кимсан фалончи ёзувчисиз.

Пластинканинг бу томонга ўгирилгани унинг кулгусини келтирса-да, истехзоли оҳангда:

– Бор. Республикада қилган меҳнатларим билан ўзига яраша ҳурматга мисқоллаб эришганман. Лекин менга кўп бор раҳбарликни таклиф этишганда ҳам рози бўлмаганман. Чунки одил раҳбар бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Шундан қўрққанман. Тинчгина ижодимни қилиб юрсам бўлгани, раҳбарлик ўзингизга сийлов.

– Мен ҳам шуни айтсам ҳам, кўпчилик буни йўқотмасангиз ўрнингизга шу ўтиради, – дейишвотти.

Тавба, инсон шунчалар онгсиз бўлиши мумкинми?! Дунёқараши ҳам ҳар-хил. Бу инсон билан суҳбатлашиб йўқотган вақтимга ачиниб:

– Майли, мен кетдим, – деб ташқарига бир қадам ташлаганини билади, орқадан “Булдог”нинг:

– Қаёққа, мана шунақасиз-да, ўжарсиз, одамни менсимайсиз. Ану куни мажлисда “Ҳамма кўчирмачи бўлиб кетган. Эшиттиришларнинг сифати тушиб кетяпти. Халқнинг орасида зукко, бу нарсаларга ақли етадиганлари кўп. Уларни алдаб бўлмайди”, – дедингиз. – Мана, мисол учун ўзим аввал ўқиб, ўшандан тушунганимни оламан. Бу кўчириш дейилмайди.





– Майли, ишим қолиб кетяпти, менга рухсат.

– Эй, иш-пишингизни йиғиштиринг. Хоҳласам эшиттиришларингизни ўчириб ташлайман, хоҳласам... қаёққа арз қилсангиз қилаверинг, тепадагилар билан тилим бир.

Асосий қиёфа. Ҳасад қилганидан қачон қараса ўчакишгани-ўчакишган. Ичида шу нарсаларни ўйладию гапириш бефойдалигини билиб индамади.

Таҳририятдагиларга ҳам ҳайрон. Мажлисдан кейин хонама-хона тарқалишгач унинг иғвосини қилиб “Буним ким раҳбар қилган, қачон даф бўларкин-а” дейишадию юзма-юз келганда ҳеч нарсаси дейишолмайди. Унга эса:

– Шаҳзода опа, қачон қараса ҳақиқатни айтиб бошингизга бало орттирасиз. Ҳақиқат осмонда. Буним донолар ҳам билиб бир четда яхши-яхши ишларни қилиб юраверишган. Раҳбарларнинг номи тарихда қолмаса ҳам ана ўша доноларнинг асарлари қолган. Тинчгина ижодингизни қилиб юрмайсизми?!

– Эҳ, ҳамкасбларим-а, қачон онгингиз тўғри шаклланад экан. Ахир Чўлпон бобомиз “Халқ тўлқиндир, халқ исёндир, халқ кучдир” деб бекорга айтмаганлар. – Бу шунчаки баландпарвоз сўзлар эмас. Раҳбардан доим:

– Бу ой эшиттириш қилмай туринглар, аввалгисини такрор беринглар, пул йўқ, – деган бир хил гапни эшитиб индамайсиз. Раҳбар ўзига белгилангандан анча юқори қалам ҳақи ёзиб, ой охирида сизнинг қалам ҳақингиз ёзилган тўлов варақасини қимматлаб отса ҳам “Менга тегмаса бўлди” қабилида иш тутасиз. Бунга қандай чидаш мумкин?!

Вақт олий ҳакам, дейдилар. Шу йиллар давомида ҳар-хил раҳбарлар билан ишлади. Лекин бунақаси... Балки бу тухматлар ҳам унутилар. Бироқ, унинг доғи кетмайди. Ҳақиқат ҳам эгилади, букилади охири ўрнатилади. Лекин бунгача қанчадан қанча ҳалол одамларнинг бурни қонайди, юраги хасталанади.





Ёмон одам фалокатга учраса, кимнингдир дилини оғритгани ёки бойлик кўзини кўр қилиб, молидан закот беришни унутгани учун, – дейдилар.

Қилмиш-қидирмиш, дея ҳар ким бу дунёнинг ўзида яхши ва ёмон амаллари учун жазою мукофотни Оллоҳдан олаверади. Ҳукм чиқариш ҳам Яратгандан. Шундай экан хом сут эмган бандалари ҳеч бўлмаса гуноҳ ишлардан ўзини асраса нур устига аъло нур бўларди, – дея ўйлади Шаҳзода. Унинг жим қолганини “Сукут – аломати ризо”, – деб тушундими раҳбар:

– Боринг, ҳозирча ишлаб туринг, сизнинг бу ишингизни мажлисда кўриб чиқамиз, – деди.

Унинг раҳбар хонасидан чиқиб кетаётганини кўрган “думлар”дан бири:

– Нима гап, сал бошқачароқсиз... деди.

– Ҳеч гап йўқ, – дея йўлида давом этди. Охирги пайтда кимга нима дейишни ҳам билмайсан. Дўст одам йўқдек. Ҳаммаси раҳбар олган янги ходимлар. Қўлидан иш келадиган ижодкорларнинг кўпи “носоғлом муҳит”дан кетиб қутулган. Қолганларини ҳам мана шундай қилиб кеткизишяпти. Бу туҳмат гапни мажлисга олиб чиқишга кучи етмайди, қўйганда ҳам раҳбардан чўчиб ҳамма жим ўтираверади. Мана, аввалги мажлисда яхшигина бир ижодкор қалам ҳақидан норози бўлгани учун қораланди. Ундан бошқа ҳеч ким бу яхши ижодкорнинг ёнига тушмади.

Иш вақти тугаб Шаҳзода уйига келди. Яхши ҳамки уни тушунадиган турмуш ўртоғи, ширин-ширин фарзандлари бор. Улар даврасида ишхонани, кўнгилсиз гапларни унутди. Олса ишини олар, жонини олармиди. Бироқ ҳар қанча иродали бўлмасин, ҳамма уйкуга кетгач яна ўша тунд қиёфа, бўҳтондан иборат томоша саҳнаси хаёлида айланиб юрагини пармалаётгандек бўлаверди. Турмуш ўртоғини безовта қилмаслик учун қўшни хонага чиқиб қўлига





қалам-қоғоз олди. Дилини ўртаётган туйғулар, қор
парчаси каби аста қоғозга кўна бошлади:

Иғвогарлар тўп-тўп, яхшилар ёлғиз,
Эътиқод йўқолган, олган ялмоғиз.
Ҳақиқатни айтсанг агар бир оғиз,
Дерлар: “Янглишдим де, қани чўккил тиз”.
Кўкка ҳаволаган енгилгина шар,
Шу кўйи етмоқчи осмонга қадар,
Ташқаридан гўзал, бўм-бўшдир ичи,
Ҳарчанд уринса-да етмайди кучи.
Кимларгадир дастак бўлганда мансаб,
Донолар зор йиғлар, қақшайди асаб.
Кунлар – оёғингга солинган занжир,
Ошиғи олчидир ким бўлса абжир.
Мувозанат аслида бошдан бузилган,
Мевасиз тераклар қатор тизилган.
Мевали дарахт бўл, отсалар ҳам тош,
“Омадсизман”, дея эга кўрма бош.
Кучаласи тушгач на даркор терак,
Қаддин тик тутса ҳам қайғули якун.
Инсон бўл, зукко қалб, ҳамиша керак,
Мансаб шар янглиғдир ёрилар бир кун!





СОДДА ОДАМЛАР

Қошлари қалдирғочни эслатувчи, бошидан дурра тушмайдиган, оқ-сарикдан келган аёл берилиб атрофидагиларга нималарнидир ҳикоя қилаётган эди. Қараб турсам уни қуршаб турган аёллар даврасидан “гур” этиб шўх кулги овози эшитилди. Уқалаш муолажасидан чиқиб, энди хонага бориб бироз дам олмоқчи эдим қизиқувчанлик устун келиб, мен ҳам ўша аёллар ёнига бориб:

– Нима шунчалик кулгили экан, нимага куляпсизлар, менга ҳам айтинглар, – дедим.

– Ҳеч гап йўқ. Ўзи шундай, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирибмиз.

Эҳ, аёллар, сизни бир қарашда тушуниш қийин. Айтгингиз келмаса айтманг, – деб энди қайрилиб кетмоқчи эдим, бояги чиройли аёл сўз бошлаб қолди.

– Қишлоқчилик... биласиз, бу ернинг одамлари жуда содда бўлади-да, айниқса, эркакларини айтмайсизми, – қошини чимирди аёл. – Бу ерда юмуш кўп эмасми, ҳали ғўза яганаси, ҳали пиёз ўтоғи, уйда эса сигир-бузоқ, нон ёп, ош-овқат дегандек ҳеч тинимим бўлмасди. Оғироёқ бўлсам ҳам сигирни туққунимча ўзим соғардим. Эрта тур, нон ёп, сигир соғ, кир юв, ҳовли тозала, овқат пишир... Шу ишлардан ортиб бирорта боламни больницада туғишгача етиб бормаганман, ҳаммаси уйда туғилган. Ҳарака-тим кўплигидан атиги 2,5 кило, 2 кило-ю 800, шунақа туғиларди болаларим, бирортаси 3 килогаям етмаган.

Аёлнинг тўладан келганини ҳисобга олибми, унга диққат билан қулоқ тутиб ўтирган нозиккина аёл:

– Йўғ-е, лофни ҳам олиб қочманг. Шу гавдангизга 2,5 кило... йўқ, одамни ишонгиси келмайди.

– Вой, қизиқ экансиз-а, синглим, олтита бола туғиб, ёшим 50 га чиқиб энди шундай тўлишдим.





Ёшлигимда мен ҳам сизга ўхшаб озғингина эдим. Белим қурғур бир тутамгина эди. Қишлоққа шаҳардан келин бўлиб тушмаганманми, мени кўрганлар қайнонамга “Салимахон, келинни шаҳардан олибсизу, сал бақувватроғини олмабсиз. Ниҳолдеккина экан, бу ернинг юмушларига чидармикан”, – дейишган. Ёнимда яхши кўрган инсоним бўлгандан кейин бу оғирликлар билинмай кетган. Турмуш ўртоғим билан тўрт йил бир институтда ўқиганмиз, бир-биримизни яхши биламиз. Қолаверса, раҳматли қайнонам ҳам жуда беозор, меҳрибон аёл эдилар-да, гўрлари тўла нур бўлсин. Бирор ишни кўнгилдагидек қилолмасам уришмасдилар-да:

– Болам, барака топинг, ёмон эмасу, мана бундай қилсангиз яна ҳам яхши бўларди, – деб ширин сўз билан хатоларимни тузатишга ёрдам берганлар.

– Ҳали нимага кулгандинглар, ўшани айтинг, мен ҳам мириқиб кулай. Кулги умрни узайтиради, ахир.

– Ҳа, уми, биринчи боламни қандай қилиб уйда туғиб қўйганимни айтувдим. Бола туғилганидан кейин йўлдоши тушади-ку. Шунини кўриб, шўрлик эрим хотинимнинг ичак-чавоғи чиқиб кетди, деб кўрқиб кетиб ҳушларидан кетган эканлар.

Яна бўлди кулги, бўлди кулги... Ҳалиги нозик аёл эса кулгидан ўзини тўхтатолмай, оёғига шапатилаб уриб, кўзлари ёшланиб:

– Худо хайрингизни берсин, бошқа гапирманг, бўлмаса чидолмай лозимимни ҳўл қилиб қўяман, – дейди. Гапга қўшилмай бир чеккада турган ҳамшира аёл бу ҳолдан ажабланиб:

– Ҳамма туғруқхонада туғадиган бўлиб кетган. У илгари эди уйда туғишлар.

Кўрқмадингизми, инфекция тушириб қўяман деб. Қойил-е юрагингизга. Лекин бир томони туғруқ жараёнини кўриб, эрингиз қадрингизга етадиган бўлибди, – деса бошқа бир аёл:

– Ҳозир замонавий туғруқхоналарда ҳам аёли туғаётганда эри ёки яқинларидан бири унинг ёни-





да бўлишига рухсат беришяпти. Бироқ эркаклар ҳам туғруқ пайтида хотинидан кам ҳаяжонланмайди. Мана, масалан, мени эрим кечкурун дардим бошланганда туғруқхонага олиб бориб қўйган бўлсалар тонгга қадар мижжа қоқмай машина ичида кутиб ўтирганлар. Токи “туғди” деган сўзни эшитмагунча хотиржам бўлолмаганлар.

– Ҳа, уни-муни қўйинг, Ҳанифахон, келинингизни ҳам ой-куни яқин, шекилли. Кеча қатиқ сотиб юрганида кўзим тушувди. Яна у ҳам сизга ўхшаб сигир соғиб туриб туғиб қўймасин. Аёллар даврасида яна кулги кўтарилди.

– Келиним ҳам ўзимга ўхшаган чиқди. Ғимирлагани-ғимирлаган, ҳеч тинчимайди. Қўйинг, сигир ўлгур тепиб яна бирор кор-ҳол бўлмасин, ўзим соғаман, – деганимга қарамай “ҳеч нарсa қилмайди”, – деб бирпасда ўзи соғиб келади. Сутни пишириб иссиқ ҳолида дам олувчиларга етказди. Нима қилсин эри Тошкентда ўқишда, ўзи ўқишини сиртқи бўлимга ўтказгани билан тўланадиган шартнома пули озгина фарқ қилади. Иккаласи ҳам талаба, иккаласиниям шартнома пули бор.

– Опамнинг тўртта ўғиллари ҳам келинларни оталарига ўхшаб шаҳардан топишган, – дейди ҳамшира аёл.

– Шуниси яхши-да. Орада севги, ўзарo ҳурмат бўлса, қийинчиликларни ҳам енгиб кетиш осон бўлади, – гапга аралашади қорачадан келган, истарали аёл.

– Тўғри айтасиз, ўғлим ҳозир магистратурада эмасми, ёзув-чизуви кўп, кўпинча хотинига ташлаб кетади. Бир дафтар-бир дафтар қилиб ёзиб қўяди келин. Ўғил боллани бунақа ёзиш-чизишларга сабри чидамайди. Яна келинга дўқ қилиб “Нима бало уйга қамалиб олдингиз”, деб айтсам:

– Ойижон, ёзьяпман, – дейди. Ўғлим келиб кетгандан кейин кичкина-кичкина ароқ идишлар бўшаб, ташқарига чиқади денг. Нима бўлди келиним





– Ҳозир ҳам қизимга учта жойдан совчи келяпти, иккитаси ўйланиб ажрашган, биттаси уйланмаган йигит. Шулардан бирини танла, деб айтсам эшитишни ҳам хоҳламаяпти.

– Ундай бўлса мажбур қилманг.

Гап шу ерга келганда ҳамма жим бўлиб қолди. Ким билсин аёлларнинг кўнглидан нималар ўтди экан. Лекин биладанки дарё ҳам тинч оққани билан қачон пўртана бошланишини ҳеч ким билмайди. Унинг сирти тинч кўрингани билан, ичида қанча ғалаён яширин. Ҳеч “Тинчман, хотиржамман” деган одам йўқ. Мана шу гўзал, хушчақчақ аёл Ҳанифа опанинг ичида шунча дарди бор, – деб ким ўйлабди дейсиз. Тўртта паҳлавондек ўғилу иккита Барчиндек қизнинг онаси, ёнида Рустаму дostonдек эри. Қизи уйдан тинмаганидан кейин аёлнинг еган-ичгани татирмиди?!

Инсонни бежиз дарёга қиёсламадик. У қанча сокин бўлса ҳам асл инсонларгина гавҳартошдек мангу яшайдилар. Улардан эзгу асарлар, ҳаёт саҳифаларини безовчи яхши ишларгина қолади. Бироқ, инсон ҳам хом сут эмган банда. Билиб-билмасдан кимнингдир дилини оғритиши, гуноҳ ишларга қўл уриши, ўзининг қалтис бир қадами учун бир умр азобланиши мумкин. Нима бўлганда ҳам тарози палласини кўпроқ савоб ишлар билан тўлдиролсак нур устига аъло нур. Аслида одамни йиллар эмас, одамлар қаритади, фарзандларнинг ғаму ташвиши нуратади.





БЕГОНА

Аёл... У энг нозик инсоний ҳиссиётнинг, ажойиб латофат ва назокатнинг – барча сирли гўзалликларнинг мужассамадир. Табиат ҳам ўзининг бор маҳорати ва санъатини намойиш этиш учун аёлни яратгандек туюлади менга.

Фидоийлик, ақл, сабр-қаноат, феъли кенглик аёлга берилган гўзал ҳислатдир. У оилада шу фазилатлардан керагида фойдаланиб, тотувликка, ҳам-жиҳатликка эришишга ҳаракат қилади. Аёлнинг энг катта бахти эса оналик. Тақдир тақозоси билан шу номга сазовор бўлган, бироқ... Ҳа, нотаниш бир аёлнинг дил дардлари битилган мана бу мактуб билан танишсангиз унинг қанчалар изтиробда қолганига ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

“Дунёда тирноққа зор ўтган аёллар қанча, сўз бошлади ҳамроҳим. – Уларнинг дил зорини ҳали ҳеч кимса шу дардни бошидан ўтказган аёлчалик ҳис эта олмайди. Туғилажак боласига деб тиккан жажжи кўйлакчаларини сандикдан неча бор олиб, тасавурида унинг сиймосини яратган экан аёл. Уйда ҳеч ким йўғида тўкилган кўз ёшлар, Оллоҳга айтилган муножотларининг чек-чегараси бўлмаса керак.

Мен-чи... Менга Оллох шу буюк бахтни инъом этган эди-ку. Она деган шарафли номга эга қилган эди. Бу мукофотга қандай жавоб қайтардим. Бугунги кунда ўз туққан боламни “Қизим” дейишга ҳаққим борми?! Ҳар сафар шу савол ўртаганда юрагимдан нимадир чирт этиб узилиб кетаётгандек бўлади.

“Болажоним” сени шундай деб чақиришга ҳаққим борми?!

Ёшлик – ғўрлик. На эримнинг, на катталарнинг насиҳатига қулоқ солмабман. Аввалига “Қоматим бузилади, туғишни хоҳламайман”, деган бўлсам,





кейинчалик сен туғилганда... Ўша пайтларни ёдга олсам юрагим зирқирайди. Менинг эркалик, инжиқликларимни кўтаришга ҳаракат қилган отангининг асаблари дош бермадими, аламини ичкиликдан оладиган бўлди. Мен эса энди унинг устидан “Алкаш” деб ошкора куладиган, беҳурмат қиладиган бўлдим. Ҳатто шохона ҳаётга интилиб, отангни бошқа бойвачча амакиларга алмаштирадиган бўлдим. Шўрлик отанг ҳаммасини ичига солиб сиқилиб юрарди. Менинг бу “хунаримни” таниш-билишларидан эшитганидан сўнг фожеа юз берди. Бир куни ҳеч ким уйда йўқ чоғида ўзини ўзи осиб қўйди. Қийин-қийин эримнинг анча кексайиб қолган она-онасига қийин бўлди. Мен гумроҳ банда эса бундан хафа бўлиш ўрнига хурсанд бўлдим. Чунки эмин-эркин, хоҳлаган ишимни қилишга имкон туғилди, дея ўйлардим. Бироқ ўғиллари борида менинг барча “Хурмача қилиқларим”га бардош бериб келаётган қайнона-қайнотам мени уйдан ҳайдаб чиқаришди. Бироқ яхши одамлар эмасми, ўғилларининг, қолаверса набирасининг ҳурматини қилиб менга бир хонали уй олиб беришди. Кўчага ҳайдаб солишмади. Ўшанда ҳам ақлим кирмабди. Сенинг – гулдек нозик болажонимнинг бахт-иқболи учун курашиб яшаш ўрнига... Ҳа, сен менга эркин ҳаётимда халақит қила бошладинг. “Мижоз”ларимнинг фикри билан ҳеч ўйлаб ўтирмай сени осонгина “Мурувват уйи”га элтиб ташладим. Ёлғон ваъдалар бердим. “Олдинга тез-тез келиб тураман. Шоколадлар, музқаймоқлар олиб келаман”, деб. Аслида-чи, бор-йўғи бир-икки бор борганимни айтмасам бошқа қадам қўймадим. Чунки ўша вақтда бошқа шаҳарда яшайдиган бир хушсурат йигитни ёқтириб қолгандим. Шундан кейин бутунлай ҳаётим ўзгариб кетди... Энди мен фақат уни дер эдим. Шу сабабли унинг ортидан ўзга юртга кетдим. Бахтли йилларим бошланди. Энди мен унга хиёнат қилмас, оила деган сўлим гулшан-





ни яратиш иштиёқида эдим. Бироқ ҳеч бир оила фарзандсиз тўла-тўкис бахтли бўлолмаслигини жуда кеч англадим... Сени хор қилганим учун Оллоҳ мени қаттиқ жазолади. Барча даволанишларим зое кетди. Йиллар учиб ўтар, фарзанд кўриш орзуга айланган эди. Ёшим улғайиб борган сари сал нарсага чарчайдиган бўлиб қолдим. Битта пиёлани ювиб келадиган дастёрим йўқлигидан афсусланардим. Мен тенги аёллар етти қават кўрпача устида иззат-икромда ўтирган пайтлари ўзим инқилаб-синқилаб юмушларни бажарардим. Кейинги эримга фарзандим борлигини ҳам айтмагандим. Менинг ўтмишимдан яхши хабардор бўлган дугоналарим:

– Айт, эрингга. Болангни мурувват уйидан олиб кел, – деб маслаҳат бера бошлашди.

Мен ўйлай-ўйлай эримга бир баҳона қилиб, яъни қариндош-уруғларни кўриб келаман, деб ўзим улғайган юртга келдим. Сени излаб-излаб мурувват уйига бордим... Сенинг бўйинг чўзилиб, бирам гўзал қиз бўлибсан. Бироқ, тарбиячинг чақириб келганида сен мени кўрганда хурсанд бўлиш ўрнига:

– Нега келдингиз? – дея савол бердинг.

Мен йиғладим-сиқтадим, рози бўлсанг сени олиб кетмоқчилигимни айтдим. Бу хушхабар ҳам сени суюнтирмади. Сен қаршимда жонсиз ҳайкалдек турардинг. Менинг ялиниб-ёлворишларим сенга заррача таъсир қилмасди. Сен менга бутунлай бегона бўлиб улгургандинг.

– Кетинг, – қаршимда юраги музлаб бўлган, йиғлайвериб дийдаси ҳам қотиб кетган, ўзим ҳам на қиёфасини, на хислатларини яхши билмайдиган, лекин қош-кўзлари ўзимга ўхшаган бир қиз турарди.

Бегона... Мен ўз туққан боламга аллақачон бегона эканлигимни тан олишни хоҳламасдим. Бироқ бу шундай эди. Қизимнинг кўзларида менга нисбатан на меҳр, на раҳм-шафқат туйғуси бор эди. Шундаги-





на биргина йўл қўйган хатоим оқибати бўй-басти билан намоён бўлдию бутунлай ўзимни йўқотиб қўйдим. Энди қанча ширин сўз айтмай ёки айланиб-ўргилмай вақтни орқага қайтаришнинг иложи йўқ. Мен кимман? Вужудида тўққиз ой асраган боласини хою ҳавас туфайли бой берган нодон аёлни ким деб айтиш мумкин?! Бегона... Ўз туққан фарзандига етти ёт бегона! Бегона... Бу сўз бунчалар совуқ бўлмаса.

Куз... Умримга эрта кириб келган куз. Дарахтлардан сарғайган япроқлар тўкилганидек, юрагим торлари бир-бир узилиб бўм-бўш бўлиб қолди. Бундан кейин яшашимда не маъно? На орзу-умид, на ишонч, на меҳр-оқибат... Юрагимдаги бўшлиқ ўрнини ҳеч нарсга тўлдиролмайди.

Қизим, она номига доғ туширган мендек худбинни кечиролсанг кечир!





АЯНЧЛИ ТАҚДИР

Дилдора 17 дан 18 га ўтар маҳали совчилар келавериб онасини безор қилиб юборишди. Бир умр уйда ўтирган Ҳадича ая бош фарзандига яхшиликни хоҳласа-да, келаётганлар орасидан кимни танлашни билмай боши қотарди. Шундай кезде маҳаллада яхшигина обрўга эга бўлган аёл “Ёлғизгина жиянимга беринг. Тинч оила. Уй-жойга ҳам муҳтож бўлмайди. Ўзи ҳам қош-кўзлари қора, баланд бўйли, чиройли йигит”, деб роса мақтовни келтиравергач она: “Майли, бир-бирини кўришсин-чи, маъқул бўлса...” деди.

Бу орада Дилдора коллежга ўқишга кирган эди. Онасининг раъйига қарши чиқолмай учрашувга чиқишга розилик берди. Дала қизи эмасми, учрашувга ўзига оро бериб чиқишни ҳам билмабди. Лекин шундай бўлса ҳам кўрганни ҳайратга солиш қудратига эга бўлган табиий ҳусни ва одоби йигитга маъқул бўлиб, ўша куниёқ унинг қўлига совға-салом тутқазиб юборди. Дилдора уйга келгач, у билан бирга чиққан кеннойиси: “Дилдорахон, йигит сизга ёқдими? – деб сўради.

– Билмасам. Уялиб қарай олмадим ҳам, – деди у кўзини ердан ололмай. Ёноқлари лоладай қизариб кетди.

– Вой, ундай бўлса нега совғасини олдингиз? Бу дегани сизнинг розилик аломатингиз-ку.

– Нега менга аввалроқ айтмадингиз? Мен билмасдим. Қолаверса, керакмас, деганимга ҳам қарамай мажбуран тутқазиб юборишди-ку.

– Вой, соддалингиз қолмади-да, – дея кеннойиси уни койиганча ташқарига чиқиб кетди.

Шу кеча унинг кўзига уйку келмади. Кўзини юмди дегунча ўша қорақош, қора кўз, бўй-басти ўзига ярашиб турган йигитнинг чеҳраси кўз олдида





намоён бўлаверар, юраги қинидан чиққудек депсинарди. Наҳотки, бир кўришда севиб қолган бўлсам. Қарама-қарши фикрлар тинчлик бермаганиданми, хўрозлар қичқира бошлаганда қандай ухлаб қолганини сезмай қолди.

Эртаси куни меҳмонга келган Марям холаси: “Қиз болага яхши жойдан бир чиқади. Вақтини ўтказмай, узатиб юбор”, – деб онасига маслаҳат бериб кетди.

Онаизорнинг кўнгли эса тинчимас, минг хил ўйлар исканжага олганда нима қилишини билмай секингина “ух” тортиб кўярди. Қизи эндигина ўқишга кирган бўлса, бунинг устига жуда ёш. Ҳали ош-овқатни ҳам кўнгилдагидек тайёрлай олмайди. Бир оилани эплаб кетармикан. Ҳали-ҳамон “Қизингиз нима деди?” деб сўраб қолишса қандай жавоб қайтаради. Аслида учрашувга чиқармаса бўларкан. Уй ишлари билан куйманиб, ҳовлида эси кетган одамдек ўзига ўзи гапириб кунни ҳам кеч қилди. Турмуш ўртоғи келгач ҳаммалари дастурхон атрофига йиғилишди. Қиз бола уялмасин, деб она совчилар ҳақида ҳеч нарсa демади. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Дилдора идиш-товоқларни ювиш учун ошхона томон йўл олди. Шунда онаси оғиз жуфтлаб:

– Энди нима қиламиз? Совчиларга нима деб айттай? – деб нигоҳини турмуш ўртоғига қаратди.

– Қизинг нима деяпти? – саволга савол билан мурожаат этди у.

– Билмасам, ҳали ёш бўлса, у нимани ҳам биларди. Жавоб беришни бизни ихтиёримизга топширган.

– Ундай бўлса эртага суриштиргани борамиз.

Тақдир эканми, бир ойдан сўнг Дилдора билан Жасурбекнинг тўйи бўлиб ўтди. Тўйда ҳамма қариндош-уруғнинг баҳоси бир жойдан чиқди: “Иккаласи намунча гўзал-а. Худди узукка кўз қўйгандек бир-бирига мос”.

Ҳа, одамлар ҳавас қилишганча бор эди. Қизнинг юзи сутга чайиб олгандек оппоқ, бўйлари сарвдек





тик, йигит ҳам бир қарашда одамда яхши таассурот қолдирадиган даражада кўркем эди.

Турмушларининг боши шундай ҳаваслар билан бошланган бўлса, кейинчалик уларга ҳасад қилувчилар ҳам кўпайиб қолди. Айниқса, ёшлар учта фарзанднинг ота-онаси бўлишгач, улар билан бир ҳовлида яшовчи амакининг хотини бу оилага кўп аралашадиган одат чиқарди.

– Жасурбек, мана хотининг учта қиз туғди. Бўлди, энди ўғил туғмайди. Авлодингиз давомчиси бўлмагандан кейин...

Ҳар-хил майда-чуйда гаплар бора-бора Жасурбекни оиладан бездириб уйга кеч келадиган, маст-аласт бўлиб хотинини турли сўзлар билан ҳақоратлайдиган, кейин эса урадиган одат чиқарди.

Дилдора эса фарзандларини етим қилмаслик учун барча таъна-дашномлар ва хўрликларга чидади. Шундай кезде қайнотасининг:

– Кўяверинг, болам, болаларингиз катта бўлса қаддингиз ҳам кўтарилади. Қиз берган худо ўғилни ҳам бериб қолар. Сабр-тоқатли бўлинг, – деб унинг кўнглини кўтаришлари мадад ва далда бўлар эди.

Эсида... Учинчи фарзанди туғилганда коллежнинг охирги курсида ўқир эди. Турмушга чиққач ўқишини кечкига ўтказишганди. Дастлабки йиллари унча қийналмади, лекин ҳар-хил гап-сўзлар...

Ҳа-ҳа, аниқ ёдида. Турмуш ўртоғи пахтага кетганда курсдошларидан бири: “Қоронғида қандай кетасиз, мен кузатиб кўяман”, – деб уйигача олиб келиб қўйди. Куз оқшоми кўшнилари кўчада гаплашиб ўтиришган экан, у саломлашиб ўтиб кетди. Бекорчиларга эса гап топилди. Энг ёмони эса...

Бир ҳафта ўтиб Жасурбек пахтадан қайтгач, амакисининг хотини бирга ўнни кўшиб:

– Сен пахтада лақиллаб юравер, хотининг бу ерда ўйнашлари билан ўпишиб, қучоқлашиб юраверсин. Тунов куни десанг бир маҳалла аёлнинг олдидан





ўшаниси билан ўтса, ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим, – деди.

Бу гапни эшитган Жасурбек кўчага чиқиб кетди, ярим кечаси ширакайф ҳолатда келиб:

– Ўлдираман! Қани у манжалақи, – деб ошхонага кириб алланарсани ахтара бошлади.

Ўғли келмаётганига хавотир олиб ухламай ётган онаси югуриб чиқиб:

– Ҳой, ўғлим, ўзингни бос. Нима бўлди сенга. Шайтоннинг гапига кирма, – деб бақирганича қолди. Ўғил ошхонадаги катта сопли пичоқни олиб, уйга қараб югурди. Бироқ, ширакайфлиги панд бериб, нимагадир қоқилиб йиқилди.

Шўрлик онанинг хаёлига дабдурустдан ошхона деворидаги нарвон келдию, келини ётган уй деразасига қўйиб:

– Болам, тез қўшниларикига яширининг. Болаларга мен ўзим қарайман, – деди.

Дилдора қайнонаси айтганидек кўчага югуриб кетаётганида кўзи амакининг хотинига тушди. У уйи остонасида қўл қовуштириб, томошабин бўлиб турар эди.

Ҳа, дала қизи қувлик-шумликни билмаса, бир кун эримга инсоф бериб қолар деб, умид билан яшайвериши мумкин эди. Лекин шунга ҳам қўймай:

– Бўлди сен билан яшамайман, уйингга кет. Мен бошқасига уйланаман, – деганда ҳам эрига:

– Ҳовлининг этагидаги хужрада бўлса ҳам болаларимни катта қиламан. Уйлансангиз, уйланавринг, – деди.

– Сен бу ерда ўтирсанг ким ҳам менга тегарди, – деди эри ўдағайлаб.

Кунлардан бир куни кичкинасини бешикка бе-лаб, ўзи ҳам бешик устида мудраб ўтирган эди эри бир аёлни бошлаб келиб:

– Болларинг билан уйни бўшат. Сен туғиб бермаган ўғилни мана шу аёл туғиб беради, – деди бамай-лихотир.





Дилдора ярим кечаси бешикни кўтариб яна кўш-ниларникига чиқиб кетди. Лекин эртаси тонг отганда болаларини олиб, онасиникига кетиб қолди. Ҳаммасига чидаши мумкин эди, лекин бу... Тўғри, авваллари ҳам эри уйга кеч келганда унинг поклигига шубҳа билан қарардию уйигача бошлаб келади, деб ҳеч ўйламаган эди.

Оиладек муқаддас даргоҳни қанчалар сақлаб қолишга уринмасин, қўлидан келмади. Балки эри бировларнинг гапига кўр-кўрона ишониб кетмаганда, балки ҳасадгўйлар бўлмаганда... балки... Унинг бу сўроқлари қалбга ханжар бўлиб урилади. Бироқ бу сўроқлардан ўша ширин ва аччиқ хотиралардан на кун, на тун унга омонлик йўқ. Ҳамманинг ҳаваси келган гўзал жуфтликнинг тақдири бу қадар аянчли якун топишида ким ва нималар сабабчи бўлди? Виждон билан юзма-юз ёлғиз қолганда, балки ҳар ким бу саволга аниқ жавоб топар. Нима бўлганда ҳам халқимизда “Чумчуқнинг ҳам ини бузилмасин” деган нақл бор. Қани эди шундай бўлса...





СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Насибанинг бу хонадонга келин бўлиб тушганига ҳам 7-8 ой бўлиб қолди. Дастлаб бу ката оилага, ундаги муомала-муносабат, уй юмушлари тақсимо-тига кўниколмайд қийналди. Чунки у тарбия топган уйда бор-йўғи 5 киши – ота-онаси ва уч опа-сингил яшашарди. Қизлар уй юмушларини ўзаро бўлишиб олишгани учунми ҳеч қандай оғирлик сезилмасди.

Келин бўлган хонадонида эса бунинг акси. 12 киши яшайдиган катта хўжаликдаги уй юмушларининг деярли ҳаммасини у бажаради. Қайнонаси: “Қизлар ўқишдан чарчаб келишади. Бошига тушганда қилади булар ҳам. Ҳозирча барча уй юмушлари келинпошша, сизнинг бўйнингизда. У бу сўзга бошқача урғу бериб, қошини чимириб, юзида ғалати ифода билан сизнинг вазифангиз, деди чимрилиб ва қайрилиб ойнавандли айвонга кириб кетди.

Чаққон-чаққон бўлмасам бу ишларнинг қай бирига улгураману қачон дарсларимни тайёрлайман, – деган фикрдан унинг ўзи ҳам чўчиб кетди.

Насиба секин-аста бу шароитга мослашди. Лекин ҳомиладор бўлгач тезда толиқадиган, камқон бўлиб қолди. Шундай баҳор кунларининг бирида турмуш ўртоғининг туғилган куни муносабати билан меҳмон келадиган бўлди. Ёш келинчак ҳамма ишга кетганида уйларни тозалаб, меҳмонхонадаги жавон, диван, телевизор каби уй анжомларининг жойини ўзгартирди. Бу ишидан кўнгли тўлгач, ошхонадан ўзи пиширган турли-туман ширинликларни келтириб, столни безади. Хуллас, қўли-қўлига тегмай, югуриб-югуриб ошхона ва меҳмонхона оралиғида қанча қатнаганини ўзи ҳам билмади.

Меҳмонлар келганда ҳаммаёқ ораста, дастурхон тўкин-сочин, ҳар бир таом, салат, пиширикларда келинчакнинг нозик диди ва маҳоратини сезиш қийин эмас эди.





Турмуш ўртоғининг туғилган кунига йиғилганларнинг ҳаммаси икки ёшга бахт-саодат тилаб, хушнудлик билан хайр-хўш қилиб уй-уйларига жўнаб кетишди.

Насиба эса яна алламаҳалгача ошхонада идиш-товоқларни ювиб, уларни жой-жойига қўйди.

Бу орада севимли ёри неча бор:

– Наси, жоним, ҳали ҳам бўлмадингми, – деб хабар олиб кетди.

Насиба эса хаёлан: “Тавба, менинг турмуш ўртоғим бўлса, қизларга ким – акаси-ку, қарашиб юборай ҳам дейишмайди-я”, деб қўярди азбаройи чарчаб кетганидан. Бу ҳам майли-я, ҳаммадан ёмони эртаси куни содир бўлди. У ниҳоятда толиққанидан, ҳомиладор бўлишига қарамай ўзини аяб ўтирмай оғир нарсаларни кўтарганиданми, белида ва қорнининг пастида кучли оғриқ пайдо бўлиб “Тез ёрдам”ни чақиришга тўғри келди. Касалхонада Насибанинг 4 ойлик ҳомиласини сақлаб қолишнинг сира иложи бўлмади. Шифокорларнинг айтишича, бола ўғил экан.

Насиба ётган хонага оқ халатда кириб келган турмуш ўртоғи уни овутишга ҳаракат қилиб, у яхши кўрган ландиш гулини бир идишга солиб:

– Наси, хафа бўлма. Ҳали бир этак боламиз бўлади. Бу кунлар унутилиб кетади, – деди.

Минг афсуски эрининг айтгани бўлмади. Йиллар шамолдек ғиз-ғиз учиб ўтар, фарзанд кутавериб, ёш бўлишларига қарамай эр-хотиннинг сочига оқ оралади.

Қариндош-уруғ йиғилган давраларда аёллар “болалардан нечта?” – деб сўраганларида у нима деб жавоб беришини билмай ич-ичидан зил кетарди. Шу тахлит одамови бўлиб борар, эрининг ҳар бир яхши гапи унга кесатикдек туюлар эди. Шундай бўлса ҳам ёшлик қилиб илк фарзандини асрай олмагани, унга, яъни келинга бўлган оиладаги қул-





ларча муносабатни, вазиятни мўътадиллаштириш-га уринмагани учун турмуш ўртоғини “Келин ойинг ҳомиладор, у-бу ишларда қарашиб туринглар”, деб аямаган қайнонасини такрор-такрор айблайвериб чарчади. Ҳозирги ақли ўшанда бўлганда эди ҳаёти бу қадар фожеали тус олмасмиди?! Аёл киши учун дунёдаги энг оғир дард оналикни ҳис этмай кетиш эканлигини фақат бошига тушганларгина билади. Армон билан яшаш, пушаймон қилишдан кўра ҳар бир кун, ҳар бир лаҳзада амалга оширадиган ишларимиз қандай оқибатларга олиб келишини ўйлашимиз даркор экан.

Инсон боласи ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаса, ўзини ҳимоя қилолмаса, “турмушим бузилмасин”, дея ҳар қандай хўрлик ва ҳақоратга чидаса оқибати қандай бўлишини Насиба энди тушунди. Ўзининг бўш-баёвлиги, отаси уқтирганидек бировга тик қараб гапирмагани бир бўлса, турмуш ўртоғининг ҳам бўшлиги, андишалилиги иккаласининг бошига бало бўлди. Буни ўшалар билармиди? Яна айблашга келин яхши. “Туғмаса хотинингни қуйиб юбор, бошқасига уйлантириб қўяман” эмиш... Қайнонасининг кунда, кун ора айтадиган бундай заҳар гаплари қулоғига чалинганида ич-ичидан зил кетар экан “Кейинги пушаймон – ўзингга душман” мақолининг мағзини чаққандек бўлди. Турмуш, муштаринг бунчалар кўп. Зарбларига қандай чидайман... Унинг чарос кўзларидан думалаган икки томчи ёш нурсиз юзида қотиб қолди...





МЕҲРСИЗЛИК ҚУРБОНЛАРИ

Жажжигина гўдак. Қўлларинг талпиниб ненидир излайди. Бежирим лабларинг тамшанади, гоҳ ўннга, гоҳ чапга бурилиб она исини қидирасан. Биламан, Аллоҳнинг иноятими бу, сен туғилган заҳоти она кўксига талпинасан. Она сутини излайсан.

Шифокорлар сени дунёга келтирган аёл – онанг қўлига берганларини сездингми, хиёл жилмайиб қўйдинг. Тошбағир аёл эса сенга бир зум тикилиб турди-да, жонсиз қўғирчоқни улоқтиргандек тўшакка ташлади. Ҳамширанинг савол назари билан қараши уни тилга киритди:

– Болани ташлаб кетаман!

Ҳамширанинг жавдираган кўзларидан “Нега?” деган маънони уққандек:

– Иложим йўқ. Боламнинг отаси... – у бир муддат жим турди-да, барча айбни боланинг отасига ағдарди-қўйди. – Бир бетайин, ишининг ҳам мазаси йўқ. одам. Уни ўзим билан олиб кетадиган жой ҳам йўқ.

Ҳамшира энди уйқудан турган одамдек карахт эди. “Кетдим” деган сўз уни сергак торттирди.

– Қайтинг, қаёққа?

Аёл орқасига қарамасликка ҳаракат қилиб, югуриб кетди. Ким билсин?! Балки ортга йўл йўқдир. Пушаймон бўлган чоғида боласини топа олмас. Бироқ, унинг енгил табиати бир муаммони келтириб чиқарган бўлса, бир бегуноҳ норасиданинг етим бўлиб қолаётгани фожеа эди. Ким билсин, вақти келиб боласини хор қилган аёлга Аллоҳ бошқа фарзанд бермаса, ёши ўтиб ҳеч кимга керак бўлмай қолганда ўтмишини эслаб афсусланар. Аммо ўшанда жон-жонидан ўтиб кетган хўрлик давоси топилмас...

Ота-онанинг турли сабабларга кўра ажрашишларидан ҳаммадан кўпроқ ўртада тирик етим қолган болалар азият чекадилар. Отаси ташлаб кетиб,





ёлғиз онасининг қўлида тарбия топаётган ўғил ёки қиз вақти келиб мактабга боради. Атрофидаги синфдошларининг оталарининг меҳрибонлигию оналарининг пазандалиги ҳақида фахр билан гапирганларини эшитганда секингина дўстлар даврасидан сирғалиб чиқади. Чунки уларга айтар сўзи йўқ. Шундай қилиб бора-бора одамови бўлиб боради. Юрагига оғир тошдек чўкиб бораётган дард қалбини нимталайди. Ундан силқиб чиққан қон бизга кўринмайди.

Инсон ҳаётини йўлга қиёслайдилар. Йўлнинг паст-баланди бўлгани каби турмушнинг ҳам ўнқир-чўнқир сўқмоқлари бор. Бу йўллардан ким қандай ўтади билмадиму бироқ, манзилнинг бошига етганда хоҳлайсизми йўқми, ортга назар ташлашга мажбурмиз. Шундай кезде қалбни қувонч эгалласа майли-я бирор ножўя қилинган иш сабабли виждон азоби қийнаса ёмон. Тўғриси ҳам бу дунёда инсон боласи қилган ҳар бир яхши амали мукофотини олса, ножоиз ишлари учун жазо муқаррар.

Биз биламизки, табиатнинг аёлга инъом этган буюк бахти бу – оналик. Дунё яралибдики, оналаримиз шаънига илиқ гаплар айтилади. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек баъзи-баъзида ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, калта ўйлаш натижасида кимгадир “тирик етим” деган тавқи лаънат олиб берган оналар ҳам афсуски топилади. Ота-онаси вафот этиб бола етим қолса катта бўлгач тушунади. Бироқ, ё отаси ёки онаси ҳаёт бўлсаю болани “Тирик етим” қилиш ҳадисларда айтилишича, катта гуноҳ. Етимхоналарда тарбияланаётган болаларга давлат томонидан ҳамма шароит яратилган. Бироқ етим боланинг ўксиган қалбига ҳеч нарса малҳам бўла олмайди. Унинг изтироблари улғайиб армонга айланади.

Эҳ, дунёнинг ишлари... Айрим кимсаларнинг шайтон измида юриши, ўйлаб-ўйламасдан қадам боси-





ши оқибатида ҳозирги кунда тирик етимлар сони тобора ортиб бораётгани, албатта, ҳаммани бирдек ташвишга солади. Ахир тирик вужуднинг орзуларини қафасга солишга, эндигина учишга чоғланган полапоннинг қанотларини кесишга уларга ким ҳуқуқ берди?!

Ота-онаси ҳаёт бўлатуриб ё ота меҳрига, ё она меҳрига зор ўсаётган фарзандлар томоғига тикилиб келган зардобни ютишга сиз мажбур қилмаяпсизми?! Сиз очиқ айта оласизми, гоҳ кимсасиз жойда пинҳона, гоҳо тўфондек тошиб кетганида ошкора томган кўз ёшларнинг уволи йўқми?! Бор, албатта! Фақат инсон боласи бироз шошиб қолади. Омад қуши бошга қўнганда, қўлида жарақ-жарақ пуллар ўйнаганда виждонини қумга кўмиб “Ким билиб ўтирибди” қабилида жирканч ишлар қилади. Қандай қилиб хиёнат кўчасига кирганини ўзи ҳам сезмай қолади. Натижада, ширингина бир оила барбод бўлади. Бундай кезде эркак ҳам, аёл ҳам ўз йўлини топиб кетар, бироқ аросатда қолган фарзандларда не гуноҳ?! “Мурувват уйи”да тарбияланаётган боланинг дил дардлари қуйидаги шеъримнинг ёзилишига туртки бўлди:

*Ой ҳам “онангман” – деб тунлар бошида,
Ҳазин-ҳазин алла айтади ёниб.
Қуёш “отангман” – дер кундуз қошида
Тунда-чи фурсат йўқ кетади тониб.*

*Соғинчнинг кўксига бошини қўйиб,
Музлаган руҳида қисмат сўзлайди.
Омадсиз боланинг дардидан тўйиб,
Бардоши етмасдан осмон бўзлайди.*

*Тун бўйи ухлолмай ўзига ўзи
Саволлар беради “Айбим нима?” деб.
Қорачиқда турар яширин сўзи,
Юзи кулса ҳамки кулмайди кўзи!*





*Сирларин яширган сирли бир кўза –
Қалбини ёради дўст деб самога.
Ғазабини чақмоқ этиб овоза,
Осмон ҳам йўллайди томчи давога.*

*Фасли хазон инграр қалбин боғида,
Хазондек тўкилмас лекин ҳислари.
Сабр дарахтидир, унинг шоҳида
Умид гуллар бир кун қолар излари!*

Инсоннинг тўла-тўқис бахтли бўлиши учун кўп нарса керакмас. Етти мучалининг соғлигию кўнгил хотиржамлиги, унга меҳр қўйган одамларнинг борлиги бахт эмасми?! Меҳр-мурувватдан дил ёришади, одам боласи ўзини улуғвор ишларга қодир сезади. Сен кимгадир суянишинг, кимнингдир ширин сўзидан далда олишинг куч бағишлайди. Бироқ, ёлғизлик, ўкинч, изтироблар исканжасида қолган бегуноҳ норасидаларнинг айби нима?!

Бу савол барчамизни бирдек ўйлантириши зарур. Биз катталар билиб-билмай йўл қўйган хато сабабли фарзандларимиз боши берк кўчага кириб қолмасин. Одамлар, огоҳ бўлинг!





БАХТГА ЮЗ БУРГАН КУН...

Ота-онанинг бир-бирига бўлган муомаласи, улар ҳаётидаги яхши-ёмон кунлар болаларнинг назаридан четда қолмайди. Айниқса, бола улғайган сари оиладаги ҳамма салбий-ижобий воқеаларни юрагидан ўтказди, юракдан қувонади, юракдан изтироб чекади.

Мавлуда туғилиб ўсган хонадонда жанжал чиқмаган кун йўқ эди. Бу ҳолат унинг икки укасига ҳам ёмон таъсир қиларди. Мавлуда мактабда ҳам ҳеч кимга қўшилмасди. Шунинг учун синфдошлари унга “одамови” деб лақаб ҳам қўйишганди.

Мавлуда юрак сирларини ёлғиз Замира исмли дугонаси билан ўртоқлашарди. Мавлуданинг ота-онаси 5-синфда ўқиётган кезлари суд орқали ажрашишди. Бир укаси онаси билан, Мавлуда билан яна бир кичик укаси эса ота ёнида қолишди. Лекин кўп ўтмай она руҳий касалликка чалиниб касалхонага тушдию катта укаси Беҳзод ҳам улар билан бирга яшай бошлади.

Уй-рўзғорнинг барча юмушлари ёшгина Мавлуданинг зиммасига тушди. Ўқишлари ҳам пасайиб кетди. Бу орада ота бир аёлга уйланди. Оиладаги можаролар эса камайиш ўрнига кўпайиб бораверди. Ўғай она “Қизинг салом бермади”, “Овқатни ундай қилди, кирни бундай ювди”, деб чақиштиравергач отаси уни ҳар куни урадиган одат чиқарди.

Мавлуда 8-синфни битиргач ўғай онаси “Ўқиб шаҳар олиб берармиди, мол-ҳолларга қарасин” – деб ўқишга юбормай қўйди. Мактабга борган кезлари юрагидаги дардларини дугонаси Замирага айтиб биров кўнгли бўшарди. Энди-чи, мисоли қафасдаги қушчага айланди қолди.

Уйдаги ноҳақликлардан безган, ота-онасининг бесабаб калтакларидан зада бўлган қиз кеч кириб,





ҳамма ширин уйқуга кетган маҳали катта йўлга чиқишни режалаштирди. Хаёлида бу азоблардан қутулишнинг ягона йўли машина тагида ҳалок бўлиш эди.

Кеч кирди. Ёз оқшоми бўлгани учунми, чигирткаларнинг чириллаши тинмайди. Ҳамма ухлаганига ишонч ҳосил қилгач қиз дарвоза зулфини секин тушириб, кўчага чиқди. Сал юргач, бунақа бемаҳалда кўчада ҳеч қачон юрмагани учунми, юрагини кўрқув босди. Ўз тинчини ўйлаб укаларини унутганини кўнглидан кечирди. Ахир энди уларнинг ҳоли нима кечади?! У шундай хаёллар исканжасида катта кўчага чиққанини сезмай қолди. Унга ҳозир барибир эди, кичикми-каттами, қандай машина бўлмасин тагига ўзини ташлайди. Тамом... вассалом.

Узоқдан ўқдек учиб келаётган “Жигули”ни кўрдию, Мавлуда йўл ўртасига узала тушиб ётиб олди. Кўзини чирт юмди. Шу тезликда юрса 3-4 минутда етиб келади. Мана ҳозир... ҳозир...

Машинанинг кучли ғийқиллаши, бироздан сўнг эшикнинг зарб билан очилиб ёпилгани ва:

– Ҳой қиз, жинни-пинни бўлганмисан. Тур ўрнингдан! Босиб кетишимга сал қолди-я, – деган дарғазаб овозни элас-элас эшитди.

Бу сўзларни гўё тушида эшитарди, қаддини тиклашга эса мажоли етмасди. Нотаниш эркак уни даст кўтариб бориб машина ўриндиғига ўтқизгачгина бироз сергакланиб:

– Жон акажон, мени ўз ҳолимга қўйинг. Сиз бўлмасангиз... бошқаси... Мен ҳеч кимга керак эмасман. Ҳаммасидан тўйдим, – дедию, ич-ичидан вулқон бўлиб отилиб чиққан йиғини босолмай, уввос солиб ўкраб-ўкраб йиғлади.

– Қанақасиз ўзи? Сизни деб қамалиб кетишимга сал қолди. Норасида болам бор, ахир. Тушунтириброқ гапиринг, нима бўлди ўзи?

Шу бир оғиз сўз Мавлудага бор дардини тўкиб солишга туртки бўлди. Ҳаммасини гапириб бўлгач,





жим бўлиб қолди. Дили ёришди. Шунда нотаниш йигит:

– Қаерда турасиз, – деди. Қиз айтди. Йигит ўша томонга йўл олди. Йўлда ҳар иккаласи ҳам жим бўлиб қолишди. Уйларига яқин қолганини кўргачгина қиз ҳушини йиғиб олиб:

– Нима қилмоқчисиз? – деди.

– Ота-онангиз розилигини олмоқчиман. Бахтли бўлишингизни истайман. Сизга уйланишимга қарши эмасмисиз?

Йигитнинг дабдурустдан қилган таклифи уни довдиратиб қўйди. Бироз сукут сақлагач:

– Болам бор... – дедингиз. Менга раҳмингиз келмай қўяқолсин. Бировнинг бахтини бузишни хоҳламайман.

– Ҳа, болам бор. Лекин онаси бевафолик қилгач, уйдан ҳайдаб юборганман.

Мавлуда бошқа бир сўз демади. Ўзига таниш дарвоза кўрингач:

– Тўхтатинг, шу менинг уйим, – деди.

Ярим кеча бўлгани учунми йигит қизнинг уйига кирмади. Лекин эртаси куни одам юбориб, унинг ота-онаси розилигини олди.

Тақдир эканми ёки нотаниш йигит гўзал аёли бевафолик қилганда “Ўзи хунук бўлса ҳам, қалби гўзал аёлга уйланаман”, – дея ният қилган эканми, қорачадан келган, ўзини “хунук” деб баҳолайдиган қизга шундай кўркем ва олийжаноб йигит учраса, денг... Балки Яратганнинг марҳамати, сабр-бардошларининг мукофотидир бу?! Ахир, у шу куни нариги дунёга сафар қилиши, машина тагида мажақланиб кетиши ҳам мумкин эди-ку. Йўқ, ундай бўлмади. Ўша бир кун унинг ҳаётини яхши томонга буриб юборди.

Бир ҳафтадан сўнг рисоладагидек тўй бўлди. Ҳеч нарсаси йўқ Мавлуда ясатиғлиқ уйга борди. Сардорнинг ўғлини ўз фарзандидек кўрди. Унга ҳеч қачон





ўгайлик қилмади. Шу сабаблими, ё Оллохнинг мархаматими йиллар ўтиб ўзи ҳам икки ўғил ва бир қиз туғди. Ҳозирда 4 фарзанднинг меҳрибон онаси, егани олдида... янги русум бўлган либослар ҳам эгнида.

Баъзан инсон тақдири у туғилгандаёқ белгиланган бўлади, дейишади. Ишонмасанг, ҳаётнинг ўзи сени бу ҳақиқатни тан олишга мажбур этади. Ило-йим, замондошларимнинг барчасига ҳам улар ҳаётига бахт ато этадиган сирли бир кун насиб қилсин.





ОНАМНИ ЭСЛАБ...

Онам учун эрталабки нонушта тайёрлаётган эдим, улар кутилмаганда:

– Болам, мен энди тугунимни тугаман, – дедилар дабдурустан.

Нима дейишни билмай ҳазил аралаш:

– Тугунингизга нима соласиз, – деб сўрадим.

– Нон, – дедилар бамайлихотир. Ва яна қўшиб қўйдилар:

– Тўлаган ўғлим ҳаж сафаридан келибди. “Ойи, сизни энди ўзим боқаман”, – деяпти.

Тўлаган менинг раҳматлик падари бузрукворим. Бундан ўн йил илгари юрак хуружидан вафот этганлар. Марҳумлар “олиб кетаман” деса ёмон-ку, ўйлайман ўзимча ва ҳайрат тўла кўзларим билан секин онажонимга назар ташлайман. Улар ҳеч нима бўлмагандек бемалол айтяптилар-а. Нима қилсам экан? Қайнонам ҳар келганларида “Болам, онангиз оғир бетоблар, рози-ризолик сўрашингиз ҳам қарз, ҳам фарз”, – деб таъкидлашни қўймайдилар. Мен эса ҳар гал тараддудланаману онамнинг кўнгилларига бошқа гап келмасмикан, деган мулоҳаза билан сўрай олмайман. Ҳозир нима дедилар “Нонни тугунга тугаман” дедиларми? Бу тагин бу дунёдаги насибаларининг узилиши бўлмасин, рози-ризолик сўраб қўяверай-чи, умрлари бўлса”... шундай хаёллар билан онам севиб истеъмол қиладиган қаймоққа тўғралган бир бурда нонни оғзиларига тутдим. Қўлимни қайтардилар. Мен ялина бошладим, фойдаси бўлмагач, бироз ҳазил аралаш:

– Ойижон, сиздан жуда-жуда миннатдорман, сиздан розиман, сиз ҳам розимисиз? – дея сўз очдим.

Онажоним бир сўз демай юзимга узоқ тикилиб қолдилар.

Шу он тўлқинлар қирғоққа урилгани каби шиддатли арслонлар ўз ўлжаси олдида ваҳшат солиб





ўкиргандек юрагимда кучли ғалаён бошланди. “Нега шундай дедим-а, онажонимнинг хаёлларига ёмон фикр келган бўлса-я. Нима учун сукут сақлаб менга бундай қараяптилар, ёки, ёки... мендан рози эмасмилар. Пешонамдан муздек тер чиқиб кетди, кўз ўнгимдан бўлиб ўтган воқеалар ўта бошлади. Умрининг 99 йилини оёқда ўтказган онам, мана бир йилу икки ой бўлдики инсульт деган балодан ўринга михланиб қолдилар. Одамзод эртага ўзини нима кутаётганини билмас экан. Бир вақтлар мени катта қилган онам бугун чақалоққа ўхшаб менинг парваришимга муҳтож бўлиб ўтирса-я... Йўқ, йўқ, мен узоқ тунлар ухламай сизга қараганимни миннат қилмоқчи эмасман, йўқ. Бироқ, сиз рози бўлмайдиган нима иш қилиб қўйдим экан? Ҳа, эсладим, озодагарчилиқни яхши кўрадиган, саранжому саришта онажоним “Чой шамасини бир жойга тўккин, сўроғи бор. Гуручни ювганда сувини дарахт тагига сол. Сигирни соғганда челақнинг тагида сув қолмадими, яхшилаб силиқтир, у дунёда кипригинг билан сутдан сувни ажратишингга тўғри келади” деб уқтираверганларида ёшлиқ қилиб “Ҳадеб гапираверасизми?” деб норозилигимни айтиб дилларини ранжитганмиканман? Оҳ, онажон, норозимисиз, нега индамайсиз? Нега жимсиз? Нега,нега? Қачон ранжитдим сизни, қачон? Ахир, ярим тунда кўнглингиз бирон нарсани тусаб қолса дарҳол у-бу тайёрласам қандай қувонар эдингиз. Қанчалар рози бўлар эдингиз?!

Эсланг, бир куни кечаси:

– Болам, нимадир егим келяпти, – дедингиз.

Иситма овқатни ёмон кўришингизни билиб:

– Нима егингиз келяпти, – дедим.

– Нордонроқ нарса бўлса эди, – деб айтдингиз.

Мен тезгина аччиқ-чучук тайёрлаб, унинг ёнига сиз ёқтирган қалампирни қўйиб, бир бурда юмшоқ нон билан олдингизга қўйдим. Сиз “оҳ-оҳ” оғзимга маза кирди-я, эринмасдан тайёрлаб келдингми? Бо-





лам, сени ҳам қийнаб юбордим, инжиқлигим курсин, – дедингиз.

– Онажон, асло ундай деманг. Сиз-чи, сиз бизнинг хархашаларимизга чидагансиз-ку, – дедим. Бундай дейишга асосим бор эди. Ўзингиз гапириб бергансиз. Болалигингда, айниқса, сен “Бугун кийган кўйлакни эртага киймайман, кир бўлиб қолди” деб, ёки “Олманинг юзи буришган экан мен чиройлисини ейман”, деб айтардинг. Дарахтдан дарахтга шох-ма-шох, томма-том юриб, қиш келса машиналарга осилиб” тинчимасдинг. Шўхлигингдан безор бўлиб “Шу ҳам қуюлармикан?” деб айтардим. Мана босган ундай бўлиб, тўрт боланинг онаси бўлиб ўтирибсан. Ҳозир ҳам ўша-ўшасан, нозик дидинг йўқолмаган. Сенга ёқадиган нарсани топгунимча қонимга ташна қилиб юборардинг. Китоб ўқишга қизиқиб, болахонага чиқиб соатлаб ўтирадиган бўлдинг. Нималарнидир ўқийсан, нималардир ёзасан... Шу кундан бошлаб сени таниёлмай қолганмиз.

Онажон, отам ўлган кезлари чеккан фарёдларингиз, менинг “Яна йиғлаяпсизми?” деб уришиб беришимдан чўчиб унсиз йиғлаганларингиз ҳамон ёдимда. Нуқул бир гапни қайтарардингиз: “Ану бештаси ёшлигида ўлиб кетган эди. Дала ҳовлидан шаҳардаги дўхтирга олиб келгунча иккита боламинг жони йўлда, аравада узилган. Ҳаммадан ҳам катта бўлганда ўлгани ёмон экан. Ёлғизимдан бир кафт тупроқ буюрмайдиган бўлди.”

Амаким эса “Қайн-бўйин хизматини онангчалик қилган одам йўқдир. Биз уйқудан уйғонгунча кеннойимнинг ҳовлилари супурилган, сигирлари соғилган, самоварлари қайнатиғлиқ турар эди”, – дер эдилар. Ўша вақтлари ғайратли бўлганингизга ҳеч шубҳам йўқ. Нега десангиз ўзингиз касал бўлиб ётибсиз-у:

– Болам, ўтирган жойимда артиб бераман, сабзи-пиёзингни берақол, – дейсиз-а. – Оллоҳ инсондан





кучини олгани билан ғайратини олмаса қийин экан,
– деб қўясиз.

Соғлом бўлган кезларингиз “Кўчани супурманг,
магазинга нонга чиқиб кетманг, номус қиламан” –
деб айтганимда сиз:

– Қўявер, болам, ернинг юзини очган савоб бўлади.
Куч-қувватим бор экан, юриб турганим яхши.
Қон юришади, – дея кўнмас эдингиз. Ҳа, онажон,
юриб турганингиз давлатим экан. Ўша пайтда бу
нарсанинг қадрига етмаган эканман...

Хаёллар оғушига ғарқ бўлиб, қоқсуяк бўлиб қолган,
томирлари бўртиб чиққан титроқ қўллар юзларимни
силаётганини сезмай қолибман. Шундагина онамнинг
нур сўниб бораётган, кичрайиб қолган кўзларига
қўрқа-писа нигоҳ солдим. Узоқ сукунатдан сўнг
онам тилга кириб:

– Болам, сиздан рози бўлмай бўладими?! Сиздан
танҳо розиман, – дедилар. Ичимдаги ҳолатни қанчалик
яширишга ҳаракат қилмай юзларимни иссиқ кўз
ёшлари юва бошлади. Билмадим, бу севинчга қоришиқ,
дунёда мен учун энг мўътабар, энг севимли, кун сайин
кўз олдимда нураб бораётган онаизоримни йўқотиш
баробаридаги изтироб ёшларимиди? Ҳануз билолмайман.
Ўзимни онамнинг бағриларида кўрдим, улар қўлимни
маҳкам сиқиб “Бардам бўл. Ҳозир қаршингда кичкинагина
бўлиб ўтирган онажонинг ўлгандан сўнг бошингга қулайдиган
яна бир ғам тоғини енгиллашга ўзингда куч ва сабр-бардош
топ”, – деган маънони уқдим.

Аслида кўнгил иссиқ-совуқни тез сезадиган термометрдаги
симоб устунига ўхшар экан. Кўнглим айтгани тўғри
бўлиб чиқди. Шу куни уйқуга кетган онам уч кунгача,
тўғрироғи, умуман уйғонмадилар. Уйқуда жон бердилар.
Мендан бошқа яқин қариндош-уруғлар рози-ризолик
сўрашга улгурмадилар...

Онам ўлганларига ҳам мана неча йиллар бўляпти.
Энди сизга кичик бир сирни очай. “Онам” деяётга-



ним аслида бувим. Ота-онам биз ёшлигимизда ажрашиб кетишган пайтда мана шу бувим биз учта нора-сидани катта қилган. Қандай катта қилгани, қанча заҳматларни чеккани ёлғиз Оллоҳга аён. Чунки син-глим олти ойлик чақалоқ бўлган. Менга маълуми – онам (шу бувим) рози кетгани. Шуни эслайман.

Бугунги кунда ўзим ҳам она, буви бўлган чоғимда фарзандларим, набираларим кир-чирини ювга-нимда, уларнинг бирортаси ўқишдан кеч қолганда онажонимнинг хавотирланиб кўча бошида туриш-ларини эслайман. Эслаганимда ҳам “Онани яратма-син экан...” деб куюнчаклик билан айтган сўзлари бот-бот ёдимга тушаверади...





ОИЛАГА КЕЛИН ТУШДИ

Оилага келин тушди. Унинг ташрифидан ҳамма шод. У келган хонадон қуёшдек чарақлаб, ўзгача тароват ва файз касб этди. Эрталаблари каттадан кичикка ибo билан келин салом қилиши барчанинг кўнглини кўтариб юборди. Тонг саҳардаёқ ҳовли саҳнию кўчалар супирилиб сувлар сепилган. Нонушта тайёр. Келин тушириб қайнонанинг ҳам бағрига шамол теккан.

Келин янги бир авлоднинг муқаддимаси ҳамдир. У бу хонадонга қанчадан-қанча орзу-истаклар билан келган. Севимли ёри унинг бу туйғуларини тушуниб, қадрлай олармикан?! Минг афсуски, баъзида шундай яхши бошланган ёш оила турмушига кўп ўтмай “кўз” тегади. Келин “кетаман”га, қайнона “Кетсин, боламга ундан яхшисини олиб бераман”га, тушади. Ахир нега шундай бўлди? Ким айбдор бунга қайнонами ё келинми? Ё бўлмаса куёвми?

Орзу-ҳавас билан тўй қилган қайнота-қайнона бошқа келин олишга орзуманд бўлиб қоладилар. Арзимаган гапдан катта жанжал чиқади.

Ахир ҳар қандай қийин шароитда ҳам бувиларимиз нолишмаганку. Балки бардош етишмаётгандир ҳозирги ёшларга. Энг ёмони, қийинчиликлардан бир йўла қутулишнинг ягона чораси деб ажралишни билмоқдалар.

Айтайлик, ота-она жаҳл устида ажрашиб кетишди. Улар ёлғиз ўтишмайди, албатта. Турмуш қуришади. Лекин фарзандлар тақдири нима бўлади? Уларнинг ўксик кўнгилларини кўтариш мумкинми?

Эр-хотин ажралишибди, деган хабарни эшитсам қалбим ларзага келади. Келинлар ўйлаб иш тутайлик. Ўзимиздан олдин фарзандлар келажагини ўйлайлик. Муаммолар ошиб-тошиб ётган бир пайтда янги муаммолар юзага келишига йўл қўймайлик.





Ҳозирги кунга келиб етимлар сони кўпайиб бораётгани – бир муаммо, фақат она тарбиясида қолган ўғил болалар орасида жинойтчилик ўсиб бораётгани – иккинчи муаммо, оиласидан ажралган аёл бошқа бир оилани бузаётгани - яна бир муаммо. Бу муаммоларни эса кўплашиб, ақл билан ҳал этмасак бўлмайди.

Эр-хотин ажралди, деган хабарни эшитиб кўнглим бузилади. Кўз олдимда кўзлари жовдираган жажжигина, дўмбоққина болалар намоён бўлади. Наҳотки, энди уларнинг номи “тирик етим” деб аталса? Хаёлимдан шаҳримиздаги 22-сонли Меҳрибонлик уйи директорининг сўзлари ўтади:

– Сиз кўриб турган болаларнинг 90 фоизининг ота-онаси тирик. Ҳатто уруш даврида ҳам тарих бу қадар кўп тирик етимларни кўрмаган. Биз қўлимиздан келганча тарбия берамиз, лекин дунёда ҳеч нарса ота-она меҳри ўрнини боса олмайди.

Оилага келин тушди... У бу хонадонга қанчадан-қанча орзу-умидлар билан қадам қўйди.

Истагимиз унинг гўзал ниятию эзгу тилаклари ижобат бўлсин. Шу хонадон ва ундаги одамлар унга қадрдон бўлиб қолсин ёки кексалар айтганидек туб қўйиб палак ёзсин!





ЎЗЛИГИНГНИ УНУТМА

Оллоҳ одамзодни бу дунёда яримта қилиб яратади, токи икки ярим бир бутун бўлсин, деб. Агар инсонлар ўз ҳаёт йўлларида ўзларига насиб айлаган яримталарини топиб, у билан аҳил яшай олсалар ана шунинг ўзи бахт эмасми? Аёл киши учун бу дунёда уч нарса азиз: оила, шарму ҳаё, латофат. Бу уч азиз нарса олдига ёқтирган инсонинг томонидан “эътибор” кўрсатилса, бундай чиройли “бахт” топилмас. Одамзод, инсонлар яшаши, оила қуриши, зурриёт кўриши, ишлаб ижод қилиши, ҳаётдаги жамики нозу-неъматларни татиб кўриши керак. Лекин ҳаёт охирлаб бу дунёдан фоний дунёга кетиш олдидан оптимизмга бир ўгрилиб қарашимиз ва ҳаётимизни таҳлил этганимизда кўзимиз қувнаб ўзимиздан, ҳаётимиздан, қилган ишларимиздан, келажак авлодга берган тарбиямиздан кўнглимиз тўлиб ва ҳаммани ўзимиздан ризо айлаб кетмоғимиз бу ҳам катта бахтдир.

Ҳар бир инсоннинг юраги тубида улкан нияти, чиройли муҳаббати, ширин орзулари, олий мақсади, бетакрор интилиши бўлади. Оллоҳим берган ақлу заковат бирла юрак нолаларини чамбарчас бойлаб ҳаёт йўлланмасини шулар билан озуқалантириб яшаган инсонлар ўзини “Бахтли” деб ҳисобламоғи керак. Бундай чиройли ҳаётда яшаб ўтмоқ учун эса иболи, латофатли, шарму ҳаёли, тарбияли, зиёли аёл бўлмоқ зарур.

Эҳ, аёллар, аёллар... Аёл деган сўзнинг ўзида қанчалар нозик ва чуқур маъно мужассамдир.

Аёл кўнгли... Бу ёмғирдан сўнг очилган беғубор осмон, аёл кўнгли... бу денгиздек мавжланган, тўлқинлари беқарор сув. Аёл кўнгли... бу тоғлардек баланд, собит ирода.

Аёл кўнгли... биллурдек нафис, гулдек чиройли беқиёс гўзалликдир. Аёл қалбидан таралаётган





оҳанрабо куйни нозиктабиат инсонларгина тушунадилар. Бу куйлар ҳар-хил вақтларда басталанган бўлиб, ҳар бири янги олам, ўзга бир дунёга етаклайди.

Мен бир аёлни биламан Бу аёлнинг бағри шунчалар кенг, меҳри юксак. У қучоғида ўзгалар фарзандини боқиб, тарбиялаб, турмушга узатган, уйли-жойли қилган. Ҳаётини ўзга болаларнинг бахти учун бағишлаган. Шу билан бирга ўз устида тинимсиз изланиб, олима бўлган. Топиш-тутиши ҳам ҳеч бир эркакдан кам эмас. У шу ерда, туғилиб ўсган она юртида бахтини топган.

Ҳаётга назар ташлар эканмиз ҳозирги ёшлар ҳам шу аёлчалик бўлаолармикан, дея ўйлайман. Атрофга боқсак қизларимиз гўзал, мафтункор, лекин уларнинг ички дунёси ҳам чехрасидек чиройлимикан?! Афсуски, бу сулув қизлар орасида адашган, алданган, хўрланган қизларимиз жуда кўп. Чунки улар осон йўл билан мол-давлатга, бахтга эришишни ният қилишган. Энг аввало, ниятлари пок бўлмагач, ўз юртлари қолиб, ўзга юртлардан бахт қидирганларидан кейин адашишлар, алданишлар бўлиши табиий эмасми? Шундай сингилжонларимга айтадиган дил сўзларим бор:

*Юрагингни қилганча байроқ,
Ўт қўймоқчи бўлдинг дунёга.
Ё бўлмоқчи эдингми бойроқ,
Шукр қилмай ҳозирги дамга?!*

*Жаннат юртдан кетиб олисга,
Нима топдинг бахтми ё шуҳрат?
Сен алдандинг ўткинчи ҳисга,
Сен мажрухсан, оёқ ости паст.*

*Ким бахт топган Ватанни сотиб,
Ўқ ёмғири остида қолиб.
Нон тополмай, совуқда ётиб,
Киртайибди кўзларинг толиб.*





Раҳм-шафқат бизда бор яна,
Раҳнамога қилинг тавалло.
Кечирдилар сизларни, мана,
Такрор қилманг бу ишни, илло.

Кўз ёшингиз бўлди-ку дарё,
Дилбандингиз йўқотган чоғда.
Кўриндими кўзга зар, дунё...
Қолдингиз-ку фарзанд доғида.

Тасаввурга сиғдириш қийин,
Фарзандларда айтинг не гуноҳ?!
Хунарингиз йўқ бирор тайин,
Тортганингиз бўлди жабр, оҳ!

Англадингиз буларни кечроқ,
То тизгача ботганда ғамга.
Жаннатлардан фарқли ўлароқ,
Онг ва ақл берган одамга!

Қалби яраланган гўзал охужон, мўлтираган чарос кўзларинг ҳаётга қандай чанқоқлик билан боқар эди. Афсус, оилангдан кўрган зарбаларинг камлик қилганидек, ўзга инсон пок қалбингга ловуллаган олов солиб кетди. Бу олов алангаси қалбингдан юзингга, гулгун чехрангдан эса хумор кўзларингга чанг солди. Оқибатда Олов алангаси сенинг кўзларингни ҳаётнинг нозик қирраларини кўришдан ожиз айлади. Бу пок қалб, гулгун чеҳра, хумор кўзлар оловга талпинди. Олов эса жуда баланд ва узоқ ёнди. Бу олов касридан сенинг биллурдек нафис қалбинг чил-чил синди, чиройли, кўркам қаддинг букилди, орзуларинг поймол бўлди. Кўзларингдаги қувонч сўнди, қадамларинг ҳаёт сўқмоғида тойиди, йўлидан адашди. Дилингни армон, алам, ўкинч, қайғу, ишончсизлик ин этди. Юрагинг хиёнат тошларини кўтара олмади. Хумор кўзларинг ҳаётга умидсиз қарайдиган бўлди. Ўзинг танҳоликни истаб, хаёл





қучоғига ғарқ бўлдинг. Бундай дамларда юрагингга малҳам, ўксик қалбингга дармон бўладиган икки оғиз ширин сўзга зор бўлдинг. Азиз сингилжоним, мени севги ўқи билан яраланган охужоним, сени ўксик қалбингга меҳр-муҳаббатгина малҳам бўла олади. Кўзларингни каттароқ оч, ҳаётга қара. Бу дунёни бир кам яратганлар. Сен иродалисан, сени хор айлаган, алдаган оловлар устига сувдек ташлаганлар, сени ҳаётнинг энг олий нуқтаси – ўз-ўзини тиклаш, қадрлаш, ўзлигини ҳурматлашдек ироданг борлигини билишсин. Келажақда сенга тиз чўкиб, пойингга эгилсинлар. Сен эзилдинг, лекин эгилмадинг. Сени бу мағрурлигинг, янги, ёрқин ҳаётга етаклайди. Сендаги чидам, бардош барча қизларга намуна бўлсин. Азиз сингилжонлар, бу ҳаётда хато қилиш жуда осон. Лекин қилинган хатони такрорламай, уни тузатиб яшаш мушкул нарса. Истагим, Республикамизда яшаб, меҳнат ва ижод қилаётган қизларимиз ўзга юртга кетиб осон йўлдан бориб бахт топаман деб турли тузоқларга тушиб қолмасинлар ёки “севаман” деб тоғ-тоғ ваъдалар бериб, ишончга кириб, сўнг алдаётган кимсалар қармоғига илинмасинлар. Ўзгалар хатосидан хулоса қилиб, ота-она, эл-юрт шаънини юксак билиб, шунга муносиб фарзанд сифатида фаолият юритишларини, ўқиб олим бўлишларини жуда-жуда хоҳлайман.

Азиз сингилжонлар, бахт ва омад, шодлик ва поклик, мустаҳкам ирода доимий ҳамроҳингизга айлансин. Келажагингиз осмондек тиниқ, сувдек зилол, заминдек мустаҳкам, онадек меҳрли, севгидек мусаффо ва пок бўлсин. Чарос кўзларингиз фақат қувончдан порласин!

*Сингилжон, қалбинг – гул, севгидан гулбоғ,
Умидинг чеки йўқ, поёнсиз орзунг.
Тушмасин шу боғга нуқта ёки доғ,
Садоқат бўлсин ягона мавзу.*



“Туп қўйиб, палак ёз”, – дейди кексалар,
Турмуш нималигин билмаган қизга.
Ўзга хонадонга бўлгач бекалар,
Тушмоқ керак бўлар бошқа бир изга.

Ҳар оила ўзи янги бир китоб,
Уни диққат билан зарурдир ўқиш.
Янги қонуният очар ҳар бир боб,
Ўқиб, уқсанг, демак, ишинг бўлар “Беш”.

Ҳаёт – йўл, бу йўлда қоқилма асло,
Хатонинг олдини олган яхшидир.
Севибсан, севилгин мисоли Лайло,
Муҳаббат одамзод қалбин нақшидир.

Сингилжон, қалбинг – гул, севгидан гулбоғ.



МУНДАРИЖА

Мактуб – кўнгил ойнаси.....	3
Суяксиз тил.....	15
Умидли дунё.....	27
Ё н ғ и н.....	37
Куйган кўнгил.....	48
Қуш уяси.....	55
Аёл зоти	57
Р а ш к	68
Қисмат чархпалаги.....	73
Т у ҳ м а т	82
Содда одамлар.....	89
Б е г о н а.....	95
Аянчли тақдир.....	99
Сўнгги пушаймон	104
Меҳрсизлик қурбонлари.....	107
Онамни эслаб... ..	115
Оилага келин тушди.....	120
Ўзлигингни унутма.....	122

МУҲАЙЁ МИРСАИДОВА

ИСМСИЗ МАКТУБ

Туркум

МУҲАРРИР: В. ИБРАГИМОВА
МУСАҲҲИҲ: М. ДЎСТМУХАМЕДОВА
ТЕХНИК МУҲАРРИР: О. МУХТОРОВ
САҲИФАЛОВЧИ: Ҳ. САФАРАЛИЕВ
ДИЗАЙНЕР: И. АДИЛОВА

Оригинал макет «ТАФАККУР» нашриётида тайёрланди.
Нашриёт лицензияси А1 № 231. 16.11.12.
Босишга рухсат 24.05.2019 да берилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет қоғози.
Офсет босма усулида босилди.
«Cambria» гарнитураси.
4,0 босма табоқ. Адади 1000 нусха.

«ТАФАККУР» нашриёти
Тошкент тумани, Қизғалдоқ, Бунёдкор МФЙ,
Кўл 17-тор кўча, 9-уй.
Email: tafakkurmaktub@mail.ru
Тел: (71) 244-75-88, (94) 664-40-03.
«ADAD PLUS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.